МОҲИГУЛ БОБОЕВА

«САБОТ-УЛ-ОЖИЗИН» МАНЗУМАСИНИНГ ҒОЯВИЙ-БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

(МОНОГРАФИЯ)

SAMARQAND DAVLAT UNIVERSITETI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МОҲИГУЛ БОБОЕВА

«САБОТ-УЛ-ОЖИЗИН» МАНЗУМАСИНИНГ ҒОЯВИЙ-БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

(МОНОГРАФИЯ)

СамДУ ТЛ Кутубхонасидан ўқишга рухсат

СамДУ Илмий кенгашининг қарори билан нашрга тавсия этилган. (2011 йил 2-ноябр 2-сон мажлис баённомаси)

САМАРҚАНД – 2012

УДК: 891.709
ББК: 83.3УзД. 79

Моҳигул Бобоева. «Сабот ул-ожизин» манзумасининг ғоявий-бадиий талқини. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2012. – 158 бет.

Адабиётимиз тарихининг ҳамма даврларида бўлгани сингари XVII - XVIII асрларда ҳам адабий анъаналар ранг-баранг жанрларда яратилган асарлар мисолида давом этди. Буни тасаввуф адабиётнинг етук вакили Сўфий Оллоҳёр ижодида ҳам кўрамиз.

Мазкур монография Сўфий Оллоҳёр «Сабот ул-ожизин» манзумасининг ғоявий-бадиий талқинига бағишланган бўлиб, унда адибнинг бадиий санъаткорлиги, поэтик маҳорати, асарлари тили жозибаси каби масалалар хусусида сўз юритилади. Шу асосда Сўфий Оллоҳёр ижодига анъанавий мумтоз лириканинг таъсири ва бадиий анъананинг ўзига хос йўналишда янада тараққий эттирилгани масаласи қиёсий таҳлилда илмий жиҳатдан асослаб берилди. Ушбу масалалар таҳлили жараёнида Сўфий Оллоҳёр ижодидаги маънавий-маърифий анъаналар масаласи ҳам муштарак тарзда ўрганилди.

Китобдан ўзбек адабиёти тарихи, тасаввуф адабиёти, ўзбек мумоз лирикаси ва унинг жанрлари, поэзияда услуб ва маҳорат масалаларига бағишланган ихтисослик курсларида ва шунингдек, ОТМ, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, умумтаълим мактабларида маънавият асослари, маданиятшунослик, этика, эстетика, диншунослик бўйича дарсларда ва маънавият соатларида фойдаланиш мумкин.

Масъул муҳаррир — Филология фанлари доктори, профессор **Иноятуллоҳ Сувонқулов**

Тақризчилар: Филология фанлари доктори, профессор **Иброҳим Ҳаққулов**

Филология фанлари доктори, профессор **Дилором Салоҳий**

SamDCHTI ARM
№

ISBN 978-9943-4007-1-9

© Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети, 2012

КИРИШ

Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаб ўтганларидек: «Самарқанднинг мовий осмони остида камол топган Мирзо Улуғбек, Абулайс Самарқандий, Абдураззоқ Самарқандий, Сўфи Оллоёр, Тоҳирхожа Самарқандий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Сиддиқий-Ажзий сингари илм ва маърифат намояндалари юртимиз шуҳратини бутун дунёга тараннум этганлар»[1].

Ўзбек халқи маънавий меросини бойитишга хизмат қилган, ижодида ҳақиқат, поклик, ахлоқ, софликни таърифлаган, адабиётни ҳамма даврларда комил инсонни тарбиялашнинг муҳим воситаси деб билган сиймолардан бири Сўфий[2] Оллоҳёрдир. Унинг ижоди XVII - XVIII асрлар ўзбек адабиёти тарихида алоҳида саҳифани ташкил этади. Шоирнинг адабий мероси ранг-баранг бўлиб, бу ҳақда адабиётшунос олим Шуҳрат Сирожиддиновнинг қуйидаги фикри диққатга молик: «Сўфи Оллоёрнинг ўзбек ва тожик тилларида мумтоз адабиётнинг ғазал, туюқ, соқийнома, маснавий каби лирик жанрларида ижод этгани маълум. Унинг диний руҳдаги йирик асарларининг асосий қисми маснавий шаклида ёзилган. Лирик асарларини эса тўртлик,

---

[1] Ислом Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000 . - 235-бет.

[2] Мазкур асарда Сўфи сўзини Сўфий деб ўзгартиришимизнинг сабаби қуйидагичадир: Сўфи ёки Сўфий сўзи араб графикасида бир хил ёзилганлиги учун шоирнинг номини ҳар икки кўринишда ҳам ўқиса бўлаверади. Бироқ, «сўфи» сўзи «сўфий» сўзи англатган маънони бевосита билдирмайди. Қолаверса, «Сўфий» даражаси шариат ёки тариқат йўлидаги буюк хизматлари учун бериладиган лақаб - мартаба ҳисобланган. Айнан мана бу сифатлар Сўфий Оллоҳёрга хос бўлган хусусиятларни билдиради. Шунинг учун мантиқан олиб қараганда, Сўфий Оллоҳёрни Сўфи Оллоёр эмас, балки Сўфий Оллоҳёр деб аташ ҳар томонлама тўғри бўлади. Шунинг учун ҳам шоир «Эшони Шайх Сўфий Оллоҳёр» мақомини олган.

ғазал, мухаммас, мураббаъ, марсия каби шаклларда яратди»[3].

Сўфий Оллоҳёрнинг адабий мероси кенг қамровли, алоҳида, мустақил бўлган тўрт асардан иборат бўлиб, уларнинг ичида айниқса, икки – «Маслак ул-муттақин» ва «Сабот ул-ожизин» асарлари Марказий Осиё, Россия, Кавказ, Синцзян уйғур автоном райони (ХХР) каби ҳудудларда яшовчи туркигўй ва форсийзабон халқларнинг эътиқод қомусига, маънавий-маърифий қўлланмасига айланди. Шоир бу асарлари орқали ўша ердаги халқларни исломий-ахлоқий, фалсафий-эстетик, мафкуравий ғоялар остида бирлаштирди. Бу эса унча-мунча мутафаккир ижодкор қўлидан келаверадиган иш эмас эди. Сўфий Оллоҳёрга хос ижодий юксакликнинг боиси ана шундадир. Негаки, унинг бу саъй-ҳаракати туфайли курраи заминнинг турли минтақаларида яшовчи халқлар ўзаро яқинлашдилар, бир-бирларининг маърифатларидан хабардор бўлдилар.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан ўзбек адабиётшунослигида Сўфий Оллоҳёр ижоди ва унинг асарларини ўрганиш бўйича алоҳида давр бошланди деб ҳисоблаш мумкин. Вақтли матбуотда Сўфий Оллоҳёр ижодидан намуналар берилиши билан бирга, унинг асарлари таҳлилига бағишланган диссертациялар[4] яратилди, мақолалар[5] юзага келди, рисолалар[6] нашр этилди.

---

[3] Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. I қисм. //Жамият ва бурч. -Т:. 2001. -. 78-бет.

[4] Сувонқулов И. Сўфи Оллоҳёр ва унинг адабий анъаналари. Филология фанлари доктори диссертацияси –Т.: 1997 йил; Аллаёрова Н. «Сабот ул-ожизин»нинг маърифий йўналиши ва бадиияти. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Самарқанд: 2002, 24 б.

[5] Зоҳид Р. Сўфи Оллоёр. «Ислом нури», 1991 йил, 3 январь; Рафиъиддинов С. Сўфи Оллоёрнинг «Маслак ул-муттақин» китоби ҳақида. «Ислом нури». 1992 йил, 17 сон;

Шоир ижоди бўйича яратилган тадқиқотлар турли мавзу йўналишларга эга: Чунончи, Р. Зоҳид, И.Салоҳий, Н. Аллаёрова, И. Адизовалар тадқиқотларида Сўфий Оллоҳёрнинг «Сабот ул-ожизин», «Маслак ул-муттақин», «Мурод ул-орифин» каби асарлари хусусида сўз юритганганишган. И.Сувонқулов, Ш.Сирожиддинов тадқиқотларида шоирнинг ҳаёти ва адабий мероси тўғрисида нисбатан кенгроқ маълумот келтирилади. Лекин бу ишларда Сўфий Оллоҳёр «Сабот ул-ожизин» асарининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, шоирнинг маънавий-тарбиявий қарашлари махсус ўрганилмади. Зеро, ҳозирда етишиб келаётган ёш авлодни халқ маънавий қадриятлари, ўтмиш миллий анъаъаналарининг умумбашарий ғоялари таъсири остида комил инсон қилиб тарбиялаш давр талаби бўлиб қолди. Бу соҳада Сўфий Оллоҳёр асарларининг ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор. Шуни эътиборга олгани ҳолда биз Сўфий Оллоҳёрнинг асарларидаги тасаввуфий ҳамда дунёвий руҳдаги ғояларини ёритишга, «Сабот-ул-ожизин» асарининг маърифий-тарбиявий аҳамиятини ўрганишга бағишланган мазкур монографик асарни яратдик.

Шоир ўз даврининг фарзанди. Унинг шахсияти ва ижодига XVII асрда Туркистон заминида юзага келаётган дастлабки иқтисодий ва ижтимоий буҳронларнинг, юрт

Салоҳий И. Сўфи Оллоёр: Маънавият қирралари. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992 йил, 17 июл, Олим С. Оллоёрнинг сўнгги каромати. «Фан ва турмуш», 1992 йил, 5-6 сон; Хаққулов И. Сўфий Оллоҳёр мутасаввуф адиб. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1993 йил, 1 сон; Комилов Н. Тасаввуф ва бадиий тафаккур. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1993 йил, 7 май; Валихўжаев Б. Миёнкол адабий муҳитида Сўфи Оллоёрнинг мавқеи,- «Мулоқот», - 1996 йил, 3-сон; Сувонқулов И. Сўфи Оллоҳёр. –Т.: Фан, 1995, Шу муаллиф. Улуғ олим ва мураббий. Зарафшон рўзномаси, 2000 йил, 8 июн: Сувонқулов И. Сўфи Оллоҳёр. –Т.: Фан, 1995, Шу муаллиф. Улуғ олим ва мураббий. Зарафшон рўзномаси, 2000 йил, 8 июн. Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. 1 - қисм. –Т.: Имом ал - Бухорий халқаро жамғармаси нашриёти, 2001, 80- бет. Аллаёрова Н. Сўфи Оллоҳёр ва шеърий маҳорат. -Т.: Абдулла Қодирий, 2003 йил; Мирзаев Р., Сўфи Оллоёрга замон боқажак. -Т.: Фан. 2007 йил.

[6] Бобоева М. Сўфий Оллоҳёрнинг маънавий қарашлари (рисола). Жиззах: «Сангзор» нашриёти, 2010, 96 б.

парокандалигининг ва эл тарқоқлигининг салбий оқибатлари ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Амир-амалдорларнинг улусга кўрсатаётган зулмлари ва бидъатчи шайх чаламуллаларнинг диний саводсизликлари, мактаб-маориф ишларининг илми урфондан йироқлашиши Сўфий Оллоҳёр ижодининг асоси бўлди. Адиб мактаб ва мадраса илми толибларини саводли, бидъат ва зулмат дунёсининг кушандаси қилмоғи учун қўлига қалам олиб, маърифий руҳдаги асарлар ёзди. Унинг бош вазифаси ўз даврининг комил Инсонини яратиш эди. Бу мақсадда шоир ўзининг "Сабот ул-ожизин" каби буюк асарини майдонга келтириб, авлодлари учун ўлмас хотира қолдирди.

Сўфий Оллоҳёр адабий меросининг ўрганилиши лозим бўлган жиҳатлари етарли. Жумладан, шоир асарларининг маънавий қирраларини ёритиш, улардаги зоҳирий ва ботиний маъно жилоларини кашф этиш бир қанча илмий ишларнинг яратилишига замин бўлади. Бизнинг мазкур монографиямиз Сўфий Оллоҳёр «Сабот ул-ожизин» манзумасининг ғоявий-бадиий талқинига, шоир асарларининг маънавияти ва тарбиявий аҳамиятининг ўрганилишига бағишланган дастлабки ишлардан бўлганлиги сабабли унда айрим камчиликлар бўлиши табиий.

Мазкур ишнинг майдонга келишида Иброҳим Ҳаққулов, Иноятулла Сувонқулов, Шуҳрат Сирожиддинов, Дилором Салоҳий каби устозларимнинг, шунингдек, шоир ва аллома Жамол Камол, адабиётшунос Эркин Мусурмоновларнинг берган маслаҳатлари, кўрсатган йўл-йўриқлари учун миннатдорчилигимни изҳор қилмоқчиман.

I-БОБ
ЎЗБЕК МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИ ВА СЎФИЙ ОЛЛОҲЁР ИЖОДИ

1.1. Давр ва шоир шахсияти

Истиқлол туфайли миллий мафкурамизни белгиловчи маданий меросимизни чуқур англай бошладик. Миллий мафкура бугунги куннинг маҳсули бўлиб қолмай, у халқимизнинг қадимги маънавий бойликларидан озиқланадиган ва шу асосда шаклланиб келаётган жараёндир. Демак, миллий мафкура миллий маънавият билан узвий боғланган тушунчадир. Президентимиз И. А. Каримовнинг «Юксак маънавият - енгилмас куч» деган асарида миллий мафкуранинг асоси белгиланган. Ўринли таъкидлаб ўтилганидек, «Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи ўзига хос урф-одат ва анъаналари ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади». [7]

Миллий мафкура халқнинг ўтмишини келажаги билан боғлашга хизмат қилар экан, бу борада миллий маънавиятимизнинг асосларидан бири ҳисобланган адабий меросимизнинг хизмати беқиёсдир. Шу жиҳатдан қараганда, Сўфий Оллоҳёр ижоди ўзбек адабиёти, жумладан, ўзбек миллий мафкурасининг ажралмас қисми ҳисобланади.

XVII - XVIII аср ўзбек адабиёти тарихида алоҳида давр ҳисобланади. Истиқлолгача яратилган дарслик ва

[7] Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008. - 29-30 бетлар.

қўлланмалар, илмий ва услубий манбаларда бу давр ёзма адабиётида бир - бирига зид икки хил йўналиш мавжудлигига алоҳида урғу берилган. Жумладан, шундай манбалардан биридаги таърифни келтирамиз: «... адабий ҳаракатда ҳаётнинг асосан икки мактаби бўлиб, бири моддий ва маънавий бойликларни машаққатлар эвазига бунёд этувчилар мактаби, иккинчиси эса меҳнаткашлар эвазига кун кўрувчилар мактаби, ҳар иккала мактабларнинг ҳам ўз ихлосмандлари ва намояндалари бўлган»[8].

Биринчи мактаб намояндалари сифатида Турди Фароғий, Раҳимбобо Машраб, Ҳувайдо, Мавлоно Вафоий, Нодир, Мулло Масти Охунд, Нишотий, Муҳаммад Ҳоксор, Акмал ва бошқаларни санаб ўтиш анъана тусига айланган. Иккинчи гуруҳ шоирлари, албатта, диний - маърифий адабиётнинг вакиллари эди. Булар Сўфий Оллоҳёр, Шайх Ҳасанқули Аҳсаний, Муҳаммад Тоҳир Эшон Хоразмий, Умар Боқий, Ишратий Бухорий сингари шоирлар бўлиб, улар ижодида кўпроқ тасаввуфий қарашлар бўртиб кўзга ташланади. Бу давр адабиётини икки гуруҳга бўлиб ўрганиш, умуман, бундай бирёқламалик адабиётимизнинг ҳамма даврларини ўрганувчиларга хос бўлган камчилик эди. Аслида Раҳимбобо Машраб ёки Ҳувайдо шеъриятида тасаввуфий қарашлар Сўфий Оллоҳёр ёки Шайх Ҳасанқули Аҳсаний ижодидаги диний-маърифий тасвирлардан кам даражада эмас эди.

Машрабга маънавий пири комил ҳисобланган Иброҳим Адҳам подшолик тахтидан, давлату бойликлардан батамом воз кечган, дарвеш жандасини кийиб, сўфийликни ихтиёр этган шахсдир. Унинг қарашларида меҳнатсиз топилган

[8] Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. 3-том. –Т.: Фан, 1978. - 187-бет.

жамики бойликлар ҳаромдир. Мансур Ҳалл ҳам ана шу нарса ҳукмрон эди, яъни нафсни ва покиза яшашга кўникишдир. У ўғли А васият қилган эди: «нафс сени эгаллаб олиш уни эгаллаб ол».

Нафс мумтоз-маърифий адабиётда алоҳи унинг талқинини биз Аҳмад Яссавий, Сулайм Сўфий Оллоҳёр ва бошқа ўнлаб шои учратамиз. Машрабнинг пири комили М таълимотининг асосини нафсни тийиш в ташкил қилган бўлиб, тасаввуф адабиётида б ранг-баранг шакллардаги илоҳий-маърифи топган. Машрабнинг бу адабиётдан мумкинмиди? Масалага шу нуқтаи наза истиқлолгача бўлган адабиётни ўрганув гуруҳларга бўлиши нотўғри эканлигини кў илғор фикрли ижодкор сифатида м шоирларнинг ҳеч бири диний адабиётни четла

XVII - XVIII асрлар ўзбек адабиётида ант шакл ва жанрларда баракали ижод қили адабиёти ўзига хос мавзу ранг-баранглигига х бир шоир ижодида ўзига хос мавзу йўнал Шоирнинг ҳаётга ёндашиши, мавзу танлаши эттириши ва талқин этиши кўп жиҳатдан мақсадларига боғлиқдир. Сўфий Оллоҳёр иж холи эмас эди. У ўзбек мумтоз шеъри анъанавий жанрларнинг аксариятида фойдаланади.

XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII аср ўзбек адабиётининг маънавий- маърифий аҳамиятини Сўфий Оллоҳёр адабий меросисиз тасаввур этиш қийин. Чунки, мазкур даврларда Сўфий Оллоҳёр ранг-баранг жанрларда бадиий жиҳатдан адабий-маърифий аҳамиятга молик етук асарлар яратган шоирдир. Келтирганимиздек, коммунистик мафкура даврида Сўфий Оллоҳёр ижодига диний адабиёт сифатида қаралиб, унинг асарлари бир ёқлама ўрганилди. Бугунги адабиётшуносликда Сўфий Оллоҳёр ўзбек адабиётидаги бой анъаналарни давом эттирган ва ўзига хос мактаб ярата олган, унинг ижоди ўзбек мумтоз адабиёти билан ҳамоҳанг тарзда юзага келганлиги ўз исботини топмоқда.

Хўш, Сўфий Оллоҳёр ким эди, уни қандай давр ва муҳит юзага келтирди? Умуман, унинг шахсияти ҳақида қандай маълумотлар бор? Сўфий Оллоҳёр адабий-тарихий манбаларда Миёнкол тарзда номланган воҳада дунёга келган. Миёнкол (баъзи манбаларда Миёнколот) ҳозирги Самарқанд вилоятининг Оқдарё ва Қорадарё оралиғидаги кенгликда жойлашган ҳудуддир. Хонликлар даврида бу воҳа Бухоро ва Самарқандни ажратувчи 12 фарсанг узунликдаги девор билан бўлинган. Миёнкол деҳқончилик учун қулай жой бўлиб, Хатирчи, Иштихон, Пайшанба, Қалъаи Дабусий ва бошқа шаҳарларни, шунингдек, бир неча қишлоқларни ўз ичига олган. Кейинчалик Зарафшон водийсининг Самарқанд билан Хатирчигача бўлган оралиғидаги ерлари Миёнкол деб аталган.

Миёнкол воҳаси адабий-маданий марказ бўлгани билан ҳам тарихда алоҳида ўрин тутади. XVI аср шоири ва

тазкиранависи Ҳасанхожа Нисорий «Музаккири аҳбоб» («Дўстлар ёдномаси») асарида Миёнкол ҳокими Абдулмузаффар Рустам Баҳодирхонга бағишлаб махсус фасл битиб, бу ҳудуднинг ўзига хос табиатини, ҳурлардан аъло одамларини улуғлайди[9]. Тазкиранавис Мутрибий ҳам «Тазкират уш-шуаро» асарида келтиришича (асарнинг яратилиши 1604-1605 йилларга тўғри келади), бу даврда Миёнколда Қотилий, Собитий, Завқий, Юмлий, Нозимий, Аминий, Зоҳидий каби бир неча шоирлар етишиб чиққанлар. Айниқса, Завқий Миёнколийнинг «Ноз ва Ниёз» маснавийси машҳур бўлган. Шу даврда яшаган тазкиранавис Малеҳо Самарқандий ҳам «Музаккири аҳсоб» асарида Миёнкол шоирлари ҳақида маълумотлар келтиради. Тазкирада Шиҳоб Миёнколий тахаллусли шоир қасидагўйликда машҳур бўлгани, унинг баъзи маснавийлари 400-500 байт атрофида эканлиги ҳам кўрсатиб ўтилган [10].

Бу маълумотлар Миёнколда ҳам ўзига хос адабий муҳит ривожланганлигини кўрсатади. Сўфий Оллоҳёр ана шундай заминда туғилган, адабий муҳит таъсирида вояга етган. Лекин шоирнинг туғилган жойи, йили ва ҳаёти тўғрисидаги аниқ маълумотларда ҳали қатъий бир тўхтамга келинган эмас. Шу боис тадқиқотчилар Сўфий Оллоҳёр ҳаётини ўрганишда янада ҳаққонийлик сари қадам ташламоқдалар. Чунончи, В.Абдуллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида, шунингдек, «Ўзбек адабиёти тарихи» 5 томлик

---

[9] Ҳасанхожа Нисорий. "Музаккири аҳбоб". –Т.: Абдулла Қодирий номидаги Мерос, 1993. -35-36 бетлар.

[10] Бу ҳақда қаранг: Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи, 2 китоб, -Т.: Ўқитувчи, 1967 . («Мутрибий, Малеҳо Самарқандий» қисмлари) 17-22 бетлар; Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. –Т.: Ўзбекистон, 1993 йил. («Тазкиралар ва уларнинг хусусиятлари» қисмлари); Сувонқулов И. Сўфи Оллоҳёр. –Т.: Фан, 1995. -8-12-бетлар.

китобининг учинчи томида шоир ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилган: «Сўфи Оллоёр (1616-1706)... Самарқанднинг ҳозирги Оқдарё туманига қарашли Янгиқўрғон яқинидаги собиқ Минглар қишлоғида, Оллоқул (Темирёр) хонадонида дунёга келган. Бу шахс, масжид қошидаги мактабда таҳсил кўрган, Бухорога йўл олиб, Жўйбор муҳитида тарбия топади » [11].

Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Сўфий Оллоҳёр ижодини ўрганишга киришган тадқиқотчилардан бири Рашид Зоҳиддир. 1991 йилда унинг вақтли матбуотда шу мавзуга бағишланган бир неча мақолалари нашр этилди, «Сабот ул-ожизин» китобини чоп эттирди. Р. Зоҳид шоирнинг туғилган санаси тўғрисида шундай хулосага келади: «Шу вақтгача Сўфи Оллоёрнинг туғилган йили ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Лекин Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон» асари Сўфи Оллоёр таржимаи ҳолига оид яна баъзи нарсаларни аниқлаш имконини беради. Мазкур тазкирада Боборахим Машраб билан Сўфи Оллоёрнинг замондош эканлигини далилловчи тарихий лавҳа бор. Тазкирада Машрабнинг вафот санаси ҳижрий 1123 (мил. 1711) йил, 57 ёшида, деб аниқ қайд этилган. Икки замондош ўртасидаги мулоқот уларнинг ёшларида тафовут катта эмаслигидан гувоҳлик беради. Шунга асосланиб, Сўфи Оллоёрнинг таваллуд санасини 1650 йиллар деб тахмин қилсак бўлади. Бу сананинг ҳақиқатга яқинлигини «Рисолаи азиза»даги Сўфи Оллоёрнинг таржимаи ҳоли ҳам тасдиқлайди.» [12]

[11] Ўзбек адабиёти тарихи, 5 томлик. III том,- Т.: Фан, 1978. - 191- бет.
[12] Зоҳид Р. Сўфи Оллоёр. // «Ислом нури» газетаси, 1991. -15-сон.

Тадқиқотчи юқоридаги манбага асослан
Сўфий Оллоҳёр 1662-1665 йилларда мадраса
1670 йилларнинг иккинчи ярмида божхо
тўралик лавозимига тайинланган, 1690 й
Ҳабибуллоҳ ҳузурига борган. Бироқ, адаби
Мусурмонов «Ўзбекистон адабиёти
ҳафталигининг 2011 йил 14 январ сонида
умрини қисқартиришга ҳожат йўқ»[13] ном
қилинган мақоласида Р. Зоҳид асосланган м
қаландарон" асарининг мавжудлигини асосл
қиладики, бу ҳолат Р. Зоҳид мулоҳазалари
чиқишга сабаб бўлади.

Р. Зоҳид «Сўфи Оллоёр ҳақида нималарн
номланган мақоласида Сўфий Оллоҳёрнинг т
мавҳум қолдириб, Сўфий Оллоҳёр XVII ас
Самарқанд элидаги Минглар отлиқ овулда т
деган маълумотни беради.

Р. Зоҳиднинг фикрича, «шоирнинг ота
даврининг солиҳ ва тақволи кишиларидан бўл
ўзбекнинг нўғой уруғидандир. У ҳақни таниг
эталар каби ўз фарзандининг икки дунё илм
ориф инсонлардан бўлишини ният этиб, 12 ёш
Бухородаги мадрасалардан бирига таҳсилга бе
Таълим натижасида Оллоҳёр улуму зоҳ
билан боғлиқ дунёвий илмлар)дан яхши ха
баъзи муваффақиятларга эришади. Ўткир қоби
толиблар орасида фарқланиб туради. Билимга
ва ишга қобил Оллоҳёрнинг бу хислатлари по

[13] Мусурмонов Э. Машрабнинг умрини қисқартиришга ҳожат йўқ.// «
а санъати» ҳафталиги, 2011. – 3-сон.

етиб боради. Тақдир тақозоси билан 25 ёшида уни Бухоро амири ўз яқинига олиб, бож маҳкамасига тўра лавозимига тайинлайди»[14].

Адабиётшунос олим С.Рафиъиддинов Сўфий Оллоҳёрнинг туғилиши ва вафоти билан боғлиқ янги маълумотларни келтиради. Унинг кўрсатишича, шоир ҳижрий 1130 (милодий 1720) йилда Самарқанд атрофидаги Мингия деган ўзбек қабилаларидан бирининг оиласида дунёга келади. Вафот этган йили маълум эмас, лекин Сурхондарёнинг Денов яқинидаги қишлоқлардан бирида дафн этилган [15].

Юқоридаги қайд этилган изоҳлардан Сўфий Оллоҳёрнинг туғилиши ҳақида турлича тахмин ва қарашлар борлиги аён бўлмоқда. Адабиётшунос И. Ҳаққулов Сўфий Оллоҳёрнинг сўфиёна қарашлари талқинига бағишланган мақоласида ҳам бу мавзуни янада кенгроқ ёритишга алоҳида эътибор беради[16]. Мақолада баён этилишича, ҳали манбаларда шоирнинг шахсияти ва ҳаёти тўғрисида бир тўхтамга келинмаган ва хилма-хил фикрлар мавжудлиги таъкидланган. Чунончи, Хожа Пўлатқори Муҳаммад ўғли уни ўзбекларнинг Мингия қабиласидан бўлган, хижрий 1133 (мил. 1723) йилда туғилган деб кўрсатган. Хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук» асарида шоир ўтарчи уруғидан бўлганлиги кўрсатилган[17]. И. Ҳаққулов Сўфий

---

[14] Зоҳид Р. Сўфи Оллоёр ҳақида нималарни биласиз? //Шарқ юлдузи , 1991. 5- сон. 154 – бет.

[15] Рафиъиддинов С. Фатво ва такво китоби. Сўфи Оллоёрнинг «Маслак-ул муттақин» китоби ҳақида. //Ислом нури, 1992, 16- сон.

[16] Ҳаққул И. Сўфи Оллоёр - мутасаввуф адиб. //«Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1993, 1-сон, 3-9-бетлар.

[17] Термизий Хожа Самандар. Дастур ул-мулук. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1997. - 14-бет.

Оллоҳёрнинг туғилган вақтини ҳижрий 1130 (мил. 1720) йил эканлиги ҳақиқатга яқин деб ҳисоблайди ва унинг қабри Денов яқинидаги қишлоқлардан бирида жойлашганлигини таъкидлайди. Шоир яшаган воҳа зиёлиларидан бири И. Бекмуродов унинг туғилган йилини 1644, вафот этган санасини эса 1724 йил деб ҳисоблайди[18]. Аммо академик Б.Валихўжаевнинг «Мулоқот» журнали-нинг 1996 йил, 3 - сонидаги «Миёнкол адабий муҳитида Сўфи Оллоёрнинг мавқеи» мақоласида ва филология фанлари доктори Ш. Сирожиддиновнинг «Сўфий Оллоҳёр илоҳиёти» (1-қисм,-Т, 2001) рисоласида Сўфий Оллоҳёрнинг туғилган ва вафот этган йили санасини манбалар асосида 1634-1721 йиллар деб кўрсатилган, бизнинг фикримизча ҳам шундай. Шоирнинг шахсиятига доир барча манбаларда кўрсатилишича, у мадрасани тугатгач, Бухоро хони хизматига киради ва божхонада тўрачилик вазифасини бажаради. Ушбу ўринда Сўфий Оллоҳёр божхона фаолияти билан боғлиқ шахсияти ҳақида баъзи бир маълумотларни беришни лозим топдик. Ёзма манбаларда Сўфий Оллоҳёр ниҳоятда қаттиққўл ва раҳмсиз божгир бўлганлиги кўрсатилган. Албатта, бож – давлат хазинасини тўлдирувчи, давлатнинг бойлигини мустаҳкамловчи даромад усулидир. Шу жиҳатдан қараганда, бож йиғиш усули мамлакат ҳукмдорларининг асосий таянч манбаларидан ҳисобланган. XVII-XVIII асрнинг бошларида Бухорода «давлат ҳаражатлари фақат зарбона даромадлари ва савдо божлари ҳисобига қопланарди. Бундай шароитда ҳукумат хилма-хил усуллардан: муддатидан олдин ёки яширилган хирож йиғиш, савдогар ва ҳунармандлардан

[18] Бекмуродов И. Каттақўрғоннинг қисқача тарихи. – Самарқанд: Зарафшон, 1993. - 76-бет.

тамға солиқлари олиш ва ҳоказо усуллардан фойдаланар эди»[19].

Бож давлат харажатларини қоплашнинг манбаига айланганлиги сабабли мамлакат ҳукмдори бож йиғувчилардан қаттиққўл ва раҳмсиз бўлишни талаб этиши, табиий ҳол эди. Бунинг устига XVIII асрнинг бошларидаги ўзаро низолар ва ғалаёнлар натижасида рўй берган вайронагарчилик Бухоронинг бутун хўжалигини, айниқса, шаҳар хўжалигини таназзулга учрашига олиб келди. Эътироф этилганидек, ҳатто Самарқанддек гавжум шаҳар ҳам ҳувуллаб қолган, 1740 йилда шаҳарда деярли аҳоли яшамаган, фақат қўрғондагина қарийиб 1000 та оила қолган. Иқтисодий асосдан маҳрумлик Бухоро ва Хивада хонлик ҳокимиятининг сусайишига сабаб бўлган.

Демак, Сўфий Оллоҳёрнинг божгир вазифасини бажаришдаги қаттиққўллиги ўзининг ижтимоий заминига эга эди. Лекин бундан қатъий назар Сўфий Оллоҳёрнинг божхона хизматида раҳмсизлик билан иш тутиши халққа салбий таъсир этган. И. Ҳаққулов тадқиқотида бу ҳақда қуйидагиларни келтирган: «Саид Туркистоний ушбу вазифа билан боғлиқ бир воқеани ҳикоя қилади: «Кўп жаббор, раҳмсиз, шиддатлик бир божгир эрди. Халқига зулм қилиш одати бор эди. Бир кун замонасининг машҳур ва маъруф шайхларидан Ҳабибуллоҳнинг бир шогирди тожирлардан қочиб, мол олуб, божхонага маълум қилмоғонлиги сабабдан божгир Оллоёр тарафиндан ушланиб, қамчиланиб, қаттиқ жабрлантирилди, боши ёрилди, қон оққан ҳолда шайхга келиб, божгир Оллоёрдан шикоят қилди. Шайх (Ҳабибуллоҳ) эса ўшал шогирдига «Сен сабр қилғил, Аллоҳ т - дилини очиб, юмшоқ кўнгил қилса ажа Оллоёрнинг ҳақига хайрлик дуолар қилдилар»[2 Сўфий Оллоҳёр кўп ўтмай бу касб, манса келмаслигини англайди. Ўзининг инсонпарварликка хос эмаслигини тушунади.

И. Ҳаққулов Сўфий Оллоҳёр ва Шайх ўртасидаги муносабатларни ёритар экан, шо шайхни зиёрат қилганлигини баён этади. шоирга қараб «Бу жой мансабдорларнинг жой ва ғарибларнинг жойидир»,- дейди. Шу таъсирланиб, «Тавфиқ Аллоҳдан, иноят Кибр Зулжалолдандир, ё шайх», – деб жавоб а Оллоҳёрда ҳам ҳақ йўлига мойиллик келган Шайх Оллоҳёрда қобилият борлигини се муридлари қаторига қабул қилади ва шоир шайхдан сабоқ олиб, комиллик мартабасига эри

Шундан кейин Сўфий Оллоҳёр раҳмдил, м сифатида ўз гуноҳлари учун тавба-тазарру даражасига кўтарилган. Тадқиқотчи Р. Зоҳи Оллоҳёрнинг бож маҳкамасидаги фаолияти ма таълимига мос келмаслиги билан боғли воқеанинг ҳикоят шаклини келтиради. Оллоҳёрнинг шафқатсизликдан ҳақни та киришини таҳлил этар экан, Саид Туркисто Ҳаққул кузатишларидан фарқ қиладиган яна

[19] Ўзбекистон халқлари тарихи. 2-жилд. –Т.: Фан, 1993. - 34, 47-48 - бетлар.

[20] Ҳаққулов И. Ғойиблар ҳайлидан [illegible] 1994. -285-бет.

[21] Ҳаққулов И. Сўфи Оллоёр мутасаввуф [illegible] 1993. 1-сон, 3-бет.

SaiDGHTI AR
№

келтиради: «Шул соат Оллоёр тўранинг кўнглиға ғавғо тушди, ўзининг ёмон ишларини эсига келтириб йиғлади. Сўнгра Оллоёр тўра тавфиқ қувватидин бир ҳол бўлиб, надомат чекиб шайх ҳузурига боради, пир муҳаббатида муридлик тилагини айтиб йиғлайди. Шайх Ҳабибуллоҳ Оллоёрдаги талабни кўриб, уни қабул қилади, вале икки шарт била: «Аввал бутун Бухоро бўйлаб тиланчилик қилгайсан; иккинчиси, қассобга бориб, янги сўйилган қўйнинг калласини, тўрт оёғини, тезакли қорнини бошингга ичакларини бўйнингга боғлаб ва кийиб бир йўла бу шартларни бажаришга киришасан». Кимсан, Оллоёр тўранинг Бухоро кўчаларида тиланчилик қилиб юрганини кўрган шаҳар аҳли, ҳатто унинг ўғил-қизлари (Муҳаммад Содиқ, Амина ва Ҳалима) ҳам «отам ақлдан озиб қолибди» деган ўйга борадилар. Оллоёр иккинчи шартини ҳам муваффақият билан адо этади. «Айтмишлар: Оллоёр қассоб тарафидан шайхқа етгунча вилоят сағири мақомина етмиш, баъзилар айтмишлар, зикр мақомини топти».[22]

Сўфий Оллоҳёр ҳаёти билан боғлиқ бу ривоятларнинг турлича талқинларда мавжудлиги шоир ҳаётидаги муҳим бир ўзгаришга - у ҳам бўлса покланишга қаратилгандир. Сўфий Оллоҳёрнинг мадрасаларда ўқиш, хон маъмуриятида тўралик мартабасида ишлаш вақти, унинг фаолиятида ҳаётни ўрганиш, халққа зулм ўтказиш ва унинг ҳақига хиёнат қилиш эса Оллоҳ олдида кечирилмас гуноҳ эканлигини англаш даври эди. Шоир «Сабот ул-ожизин»да ўз дўстлари ва фарзандларига қилган насиҳатларида ана шу ҳақиқатни ифода этади:

---

[22] Зоҳид. Р. Сўфи Оллоёр ҳақида нималар биласиз? //Шарқ юлдузи журнали, 1991, 5-сон. - 154-бет.

Била олмам ниҳони тарбиятдин,
Олиб эрдим илик нафсониятдин.

Пушаймонман илик олғонларима,
Тамаъ нонига қўл солғонларима...

Кечурмас бўлсангиз сиз мандин, эй қавм,
Мани ҳолимга мушкулдур сабо явм.

Тониб мандин ёниб авроъ кишини,
Тутунг маҳкам ани қутлуғ ишини.

Керак муршид деган монанди уммон,
Муборак ботини пур дурру маржон». [23]

Шундай қилиб, хоннинг божгири Оллоҳёр тўра Ҳақ кўнглига солган инсоф-диёнат билан ўз муршиди - шайх Ҳабибуллоҳни топади. Таъкидлаганимиздек, у ўн икки йил унинг тарбияси ва раҳнамолигида қолиб, мусулмон оламида машҳур Сўфий Оллоҳёрга айланади. Шоир ўз пири муршиди раҳнамолигида инсоний комилликни тарғиб этувчи «Маслак ул - муттақин» («Тақволилар маслаги»), «Мурод ул - орифин» («Орифлар муроди»), «Махзан ул - мутеъин» («Мутеъинлар хазинаси»), «Сабот ул-ожизин» («Ожизлар саботи») каби тўртта китобни ёзишга эришади.

Сўфий Оллоҳёрнинг шайх Ҳабибуллоҳни муридига айланиши ҳақсеварликдан бўлак ҳар қандай фикр ва тушунчалардан фориғ бўлиши эди. Шоир бундай эътиқодини адабий ёдгорлик сифатида қолган қайд этилган китобларида ифодалайди.

[23] Сўфи Оллоёр. Саботул-ожизин. Манзума. –Т.: Чўлпон, 1991. -115-бет.

1.2. Комил инсон тушунчасининг бадиий талқини

Комил инсон тарбияси Шарқда кўпчилик буюк алломаларнинг диққатини ўзига тортиб келган. Бу мавзудаги асарлар шунчалик кўпки, улар ислом таълимотига бўлган қизиқиш ва унинг моҳиятини англаб етишга уринувчилар сафи кенглигини кўрсатади. Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон»ида ёзилишича, Шайх хожа Абдулхайрдан «Тасаввуф нима?» деб сўраганларида «Бошингда не бўлса чиқариб ташлаш, қўлингда неки бор қўлдан чиқариш ва бошқалардан сенга нима озор етса ранжимаслик», деган экан.[24]

Сўфий Оллоҳёр шеърларида комил инсон тарбияси, ахлоқий - таълимий фикрлар шоирнинг ҳаётий тажрибаси маҳсули сифатида юзага келади. Ҳар бир инсон тарбия топиши, комил инсон бўлиб етишувида пирга суяниши ҳаёт ҳақиқатидир. Зотан, Сўфий Оллоҳёр ўз камолотида ана шундай йўлни босиб ўтган эди. Шоир ана шу ҳаёт ҳақиқатини образли тасвирлар билан беришга эришади:

Жон чекиб, ғусса ютуб, то жигаринг қон ўлмаз,
Мақсадинг ҳосил ўлуб, мушкулинг осон ўлмаз.

Бошини доша уруб дона элакдин ўтмай,
Мушт емай, ўт ичина солмасалар нон ўлмаз.

Эй йигит, маслаҳатинг билгали бир пир керак,
Бекамон ўқ неча тузлук била паррон ўлмаз. [25]

---

[24] Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. - 4-5-бетлар.

[25] Монографияда Сўфий Оллоҳёр ижодидан келтириладиган намуналар Иноятуллох Сувонқуловнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган «Сабот ул-ожизин» ва «Баёзи

Келтирилган парчада комил инсон бўлиш йўлида машаққатлар чекишга тўғри келиши таъкидланади. Шоир ўз ғоявий ниятини турли бадиий қиёслар орқали ифодалашга эришади. Инсон мақсадига етиши, бирор мушкулини осон қилиш учун жон куйдириши, яъни ўз мақсади йўлида курашиши керак. Шоир ана шу мақсадига етишишни бадиий тасвирда доннинг нонга айланиш жараёни билан беради. Доннинг боши тошга урилиб, майдаланмаса, у элакдан ўтмайди. Демак, дон то элакдан ўтишгача янчилади ва унга айланади. Ун ҳам ўз-ўзидан нонга айланмайди. Ун сув билан қоришиб хамирга айланиши, мушт билан пишитилиши, ўтга қиздирилган тандирга ёпиштирилгач, қизариб нонга айланади. Худди шундай ўқ ҳам камон бўлмаса отилмайди, унинг тузлуқда туриши бефойдадир. Парчада шоирнинг бадиий нияти инсонга машаққат чекиш, бирор пиру муршиднинг этагидан тутиб, унинг насиҳатларини олишни уқтиришга қаратилганлиги билан ўзига хос қимматга эгадир.

Сўфий Оллоҳёрнинг тасаввуф йўлига кириши ва шу йўналишда етук асарлар яратиши тасодифий ҳодиса эмас. Шарқ, жумладан, ўзбек адабиёти тарихидаги йирик сиймолар ислом таълимотининг моҳиятини англаб етишган ва ўз асарларида бу таълимотни тарғиб этишган эди.

Бу ғоя асосида яратилган бадиий адабиёт ўз тараққиётига эга бўлиб, унинг юзага келиши VIII асрларга тўғри келади. [26]

Убайдулла Аламкаш» қўлёзма асарларидан, шунингдек, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси адабиёт музейида сақланаётган «Сабот ул-ожизин» ёхуд Мажмуолиёти Сўфий Оллоҳёр » қўлёзма нусхасидан олинди.

[26] Н. Комиловнинг Тасаввуф «Ғойиблар ҳайлидан ёнган чироқлар» мақолалар тўплами, 13-58-бетлар. мақоласи ҳамда «Тасаввуф» китобида бу ҳақда батафсил маълумотлар берилган.- Т.: Ёзувчи, 1996. Шу сабабли ҳам биз масаланинг бу томонига кўпроқ эътибор қаратмадик.

Сўфий Оллоҳёр ўз пири - шайх Ҳабибуллоҳ ўқувида бўлар экан, унинг инсонни комиллик руҳида тарбиялашдаги бу юксак таълимотининг кучини сезди, муршидидан бу борада билим олди ва уни тарғиб қиладиган асарлар ёзди.

Исломнинг дастлабки даврида мақомот, тариқат асосларини ишлаб чиқиш, сўфийлик йўриқларини, вазифаларини белгилаш ҳамда илоҳий ҳақиқатни эл ўртасида тарғиб қилишда ва бу соҳани бойитишда Зуннун Мисрий (796-861), Боязид Бистомий (вафоти 875), Жунайд Бағдодий (вафоти 910), Ҳаким Термизий (вафоти IX аср охири) ва Мансур Халлож (858-922) каби алломаларнинг хизмати беқиёсдир. Кейинчалик Абдусаид Абулхайр (967-1049), Абдуллоҳ Ансорий (1006-1089), Аҳмад Яссавий (вафоти 1166), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) кабилар хизмат қилдилар. Шубҳасиз, Сўфий Оллоҳёр уларнинг асарлари ва фаолияти билан маълум даражада таниш эди. Буни биз «Сабот ул-ожизин» китобидаги мутасаввуфлар ҳақида яратилган ҳикоятлар мисолида аниқ сезамиз.

Маълумки, ҳаётдаги туҳмат, иғво, ғараз, ҳасад каби разилликлардан ўтмиш алломалари ҳам бенасиб қолмаган. Жумладан, ислом таълимотининг йирик тарғиботчиси ва шоири Аҳмад Яссавийга ҳам бўҳтонлар ёғдирилган эди. «Сабот ул-ожизин»да шундай сатрлар келтирилган:

Битибдур бул Ҳасан ул яхши банда,
«Китоби танбеҳ уз-золин» ичинда.

Бу айғон фирқаким золу музилдур,
Шариат аҳли бу элдин хижилдур.

Инонсун деб тақи бир неча беақл,
Қилурлар Хожа Аҳмаддин муни нақл.[27]

Бу парчада Сўфий Оллоҳёр бир неча беақл кишилар Хожа Аҳмад Яссавийга турли ёлғон нақлларни ёпиштиришга ва одамларни ишонтиришга уринганлигини эслатади.

Гарчи «Сабот ул-ожизин»да бу нақлнинг тўла баёни келтирилмаган бўлсада, шоирнинг фикрий йўналишида бу туҳмат ўз аксини топган. Адабиётшунос И.Ҳаққулов Сўфий Оллоҳёрга бағишланган мақоласида[28] масалага ойдинлик киритган. Нақл этилишича, Аҳмад Яссавийнинг тариқатида шуҳрат доираси кенгайиб, муридларининг сафи кўпайгани сайин мухолифларининг хуружлари кучайган экан. Улар ниҳоят шундай бир миш-мишни тарқатишибди: гўёки Яссавийнинг зикр мажлисларида эркаклар билан биргаликда юзи очиқ хотинлар ҳам иштирок этармишлар. Бу гап шариат ҳукмларини қаттиқ муҳофаза этувчи Хуросон ва Мовараннаҳр олимларига бориб етибди. Хуллас, улар бу гапнинг тўғри ёки нотўғрилигини текшириш мақсадида тафтишчиларни жўнатишибди. Хожа Аҳмад ҳазратлари буни олдиндан сезиб, чорасини ҳам ўйлабдилар. Текширувчилар ортга қайтганда, Яссавий шогирди Жалол отанинг қўлига бир ҳуққа тутқазиб, улар билан қўшиб юборибди. Олимлар уни очибдилар. Қарасалар, унинг ичида бир неча пахта ва бир чўғ бўлиб, на пахта ёнмаган ва на чўғ ўчмаган, иккаласи ҳам асл ҳолича турганмиш. Яссавийдан шубҳаланган шариатчилар дарҳол бу тимсолнинг маъносига етибдилар.

---

[28] Ҳаққулов И. Сўфи Оллоёр мутасаввуф адиб. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1993 йил, 1-сон.

Чунончи, агар эркагу хотин бир аҳли ҳақ мажлисида бирлашиб, баробар зикр ва ибодат этсалар, Ҳақ таоло уларнинг қалбларини ҳар турли нафсоний ғараз ҳамда майллардан поклашга муқтадир. Рамз орқали Яссавий айтмоқчи фикр ана шундай бўлган экан. Лекин орадан йиллар эмас, асрлар ўтса ҳамки, Аҳмад Яссавийнинг зикр мажлисларида аёлларнинг қатнашиши билан боғлиқ бўҳтонларнинг давомчилари тугамаган. [29] Сўфий Оллоҳёр Аҳмад Яссавийга чуқур ҳурмат билан қарайди, унга нисбатан айтилган бўҳтонларни инкор этади:

Худони дўсти бўлса Хожа Аҳмад,
Қилурми ҳеч мунингдек бидъати бад.

Шариатда эди ул офитоб,
Қолибдур бизга ул эрдин китоб.

Ўшал султон битибдур балки, онда,
Чиқар мундоғ фариқ охир замонда.

Анингдек фирқа малъуни Худодир,
Аларни феъли суннатдин жудодир.

Бу ишлар бешаку райб, эй, мусулмон,
Ўшал қутби замонга эрди ёлғон.

Қаю эрдинки нақл этса бу ишни,
Инонманг зинҳор андоғ демишни.

---

[29] И. Ҳаққул. Сўфи Оллоёр мутасаввуф адиб. //"Ўзбек тили ва адабиёти" журнали. –Т. :1993 йил, 1-сон, 6-7-бетлар.

Вали бўлса улуғ йўлдин тоярму,
Хилофи шаръи пайғамбар этарму.

Ани шаънига ёлғондур бу афъол,
Агар чин бўлса эрмас соҳиби ҳол.

Вале билмасмиз ул айғон кишини,
Қилиб ўтган экан шайтон ишини.

Олиб борса киши аҳду аёлин,
Кўтарур беҳамиятлик вуболин.

Сўфий Оллоҳёр Аҳмад Яссавийни «шариатнинг офтоби» деб аташи, ундан китоб қолганлигини эслатиши, унинг асарлари ва мумтоз қарашлари билан яхши таниш бўлганлигини кўрсатади. Сўфий Оллоҳёрнинг асарлари ҳам устоз адибларники сингари ўзбек тасаввуф адабиётига қўшилган муносиб ҳиссадир. Уларнинг ҳар бирида ислом маърифатининг ўзига хос йўллари ва қоидалари тарғиб қилинган. Жумладан, «Маслак ул - муттақин» намоз, рўза, закот ва фитр каби зарурий масалаларни мухтасар ҳолатда шеърий йўлда баён этган. Мадрасаларда махсус ўқитилган ушбу асарни толиби илмлар қисқача «Маслак» деб номлашган. [30] С. Сайфиллоҳ ўринли таъкидлаб ўтганидек, «Маслак ул-муттақин» да инсон маънавияти, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, тоза-покиза бўлиб юриш Ислом ақидалари

[30] Бу асар шу ном билан Сайфиддин Сайфиллоҳнинг «Фатво ва такво китоби» (Т: Фан, 2005 йил) рисоласида, Исомиддин Салоҳийнинг «Сўфи Оллоёр: маънавият қирралари» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992 йил, 17 июл) мақоласида ёритилган.

билан боғлиқ ҳолда тасвирланади»[31]. «Мурод ул-орифин» китоби ўн олти фаслдан иборат бўлиб, уларда сўфийликнинг одоби хусусида фикр юритилади. Бундан ташқари, шоирнинг «Маҳзан ул-мутейин» ва «Нажот ул-толибин», «Фавзун-нажоб» каби асарларида ҳам ислом динининг турли йўналишлари, мавзулари ҳақида баҳс юритилади. Биз санаб ўтган асарлар форс тилида бўлиб, фақат «Сабот ул-ожизин» ўзбек тилида битилган манзумадир. Туркий тилда яратилганлигидан бўлса керак, «Сабот ул-ожизин» Туркистонда кенг тарқалган, XIX аср ва XX асрнинг бошларида Қозон, Боку, Тошкент, Бухорода кайта-қайта нашр этилган. Бу асар ўзига хос илоҳийнома бўлиб, унда дин, шариат ҳақида фикр юритилади, дин вакиллари ҳақида ҳикоялар келтирилади, инсонни комилликка чақирувчи ахлоқ ва насиҳатга бой манзумалар берилади.

Сўфий Оллоҳёр юқорида биз санаб ўтган китоблардан ташқари, турли мавзуларда ёзилган лирик шеърларнинг ҳам муаллифидир. Улар Ҳамид Сулаймон номидаги қўлёзмалар фондида «Ашъори Оллоёр», «Рубоийот» номи билан сақланмоқда.

Сўфий Оллоҳёр ижодкор устоз шоирларнинг анъаналарини давом эттириш билан бирга ўзига хос маърифий мактаб ярата олган сиймодир. Агар Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний каби шоирлар ёки Хожа Аҳрори Вали, Маҳдуми Аъзам каби алломалар сўфийя тариқати таълимотларини ижтимоий ҳаётга тадбиқ этишда намуна кўрсатган бўлсалар, Сўфий Оллоҳёр бу тариқатнинг барча даврлар учун долзарб, умуминсоний, ахлоқий-

[31] С. Сайфиллоҳ. Фатво ва тақво китоби, 2004 йил, 37 – бет.

таълимий қарашларини ибодат жараёнига, мактаб-мадрасалар таълим тизимига олиб кирди. «Сабот ул-ожизин»да баён этилган қарашлар кўп жиҳатдан Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний шеъриятидаги фикрларга яқин туради.

Маълумки, Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний шеърларининг ахлоқий-фалсафий, илоҳий илдизлари тўғридан-тўғри «Қуръон» ғоялари ҳамда Муҳаммад пайғамбар ҳадисларига боғланади. Академик Б. Валихўжаев ибратли бир фикрни ёзади: «Сўфиянинг моҳиятини Қуръони карим ва ҳадиси шариф ақидаларини турли тарзда тарғибот, мажлислардаги суҳбатлар, хонақолардаги зикр, ваъз айтиш, шеърий ва насрий асарлар ёзиш, шарҳлар битиш воситасида оммалаштириш ҳамда шу жараёнда мутакаллим муршиднинг мўмин ва мўминотга инсон ва уни ўраб олган оламни (сағир ва кабир) англашга интилиши ташкил этади».[32]

Академик Б. Валихўжаев ўз мақоласида тасаввуфнинг ўзига хослигини, тасаввуф фалсафасида «Сен» (Худо) ва «Мен» (банда) ўртасидаги фарқ маълум даражада йўқолади, натижада «Сен» «Мен»га айланади ва унинг «Сен»лиги «Мен» ликда сингиб кетади деб ҳисоблайди.

Ахлоқий қадриятлар Сўфияда инсоннинг ўзлигини таниши ва Оллоҳ таолонинг зотий сифатларини англашга йўналтирилган бўлиб, у Оллоҳ таоло яратганларнинг мўъжизаси ҳисобланмиш Инсон маънавиятини шакллантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган.

Сўфия адабиётининг забардаст намояндалари Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Шайх Худойдоди

[32] Валихўжаев Б. Сўфия ва тасаввуф. //«Зарафшон» газетаси, 1997 йил 9 август.

Вали, Сўфий Оллоҳёр, Холис Тошкандий каби шоирларнинг шеърий ва насрий асарлари халқ орасида кенг тарқалгани ҳам бу мулоҳазаларни исботлайди.

Сўфий Оллоҳёр шеъриятида «Қуръон» ғоялари ва ҳадиси шариф ақидаларини ҳам, инсоннинг Оллоҳга етишиши, у билан бирикиш ҳолларини ҳам кузатамиз. Бу ўринда И. Ҳаққуловнинг қуйидаги фикрини келтириш ўринлидир: «Худога муҳаббат, охирги нафасгача шу севги ғами билан кун кечириш, тавбаю тазарру, сабру тоқат ва маънавий шижоат, ёлғизликдаги хаёл ва тасаввур камолоти, тўғрилик ва самимият, нафсдан ғолиблик, фақру фано булар тасаввуфдаги бош масала ҳамда талаблардир»[33].

Оллоҳга муҳаббат, охирги нафасгача шу севги ғами билан кун кечириш, тавбаю тазарруни ифодалашнинг асосий ифода шаклларидан бири «муножот»лардир. Муножотлар «Холиқо», «Худованда», «Ё раббона», «Ё илоҳа» каби мурожаатлар билан бошланади. Муножот атамашунослик луғатида алоҳида жанр сифатида киритилган.

Муножот арабча сўз бўлиб, ялиниш, ёлвориш маъносини билдиради. Унда банданинг Яратгувчига нажот (қутулиш) умиди билан қилган лирик мурожаатлари, тавба ва илтижолари акс этади. Навоий каби хамсанавис шоирлар достонларини «ҳамд», «наът», «муножот» сингари анъанавий боблар билан бошлаганлар.

«Муножот» жанри адабиётимизда ўзига хос анъана тарзида яратиб келинган. Сўфий Оллоҳёр «Сабот ул-ожизин»да «Муножот» шеърий шаклидан кенг фойдаланади

[33] И. Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърият. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1991. - 37-бет.

ва уларда ўзининг худосеварлик қарашлар
эришади.

Бу шеърий шаклнинг туркий адабиёт
намунаси Аҳмад Яссавий ижодида яратил
«Муножотнома»си икки хусусияти билан
Асарнинг бошида шоир худога нисбатан ў
унга бўлган муҳаббатини баён этади. Икки
дин аҳлига, мўмин-мусулмонларга мурожа
шоир Оллоҳни танимаганлар, дини, иймон
вайронлар»ни ўзи яратган «Ҳикматлар»ни
таълим олишга даъват этади. «Муножотном
ва иккинчи қисми бир-бири билан мант
Шоир ўз ҳикматларининг мукаддима қисмид

Мени ҳикматларим фармони суб
Ўқуб уқсанг ҳама маънийи Қуръ

Сўфий Оллоҳёр яратган «Муножот»ла
кўра Аҳмад Яссавий асарига яқин турад
тавба-тазарру руҳи устунлик қилади.
«Муножот»ида ҳикматларни тарғиб қили
Худони англашга даъват этилади. С
муножотлари ҳам аниқ мақсадга қарати
ажралиб туради. «Сабот ул-ожизин» бир неч
ташкил топган бўлиб, Сўфий Оллоҳёр
қўйганлар ва уларнинг тақдири ҳақидаги ҳ
«Муножот» ларни келтиради. Биз буни «

[34] Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. –Т.: Ғафур Ғулом номидаг
нашриёти,1991. - 198-бет.

баёни», «Дар баёни Пулсирот», «Беҳишт ва дўзах баёни» каби манзумаларда кузатамиз.

«Дар баёни Пулсирот» манзумасида нақл қилинишича, жаҳаннамда бир кўприк бўлиб, у Сирот отлиқ гузаргоҳ ҳисобланади. Пулсирот қиличнинг тиғидан тез, қилдин ингичкадир. Одам шу кўприкдан ўтмоғи керак. Қадам қўйса, ўтса яхши, бўлмаса унинг ости жаҳаннамдир. Ортига қайтишга йўл йўқ, муваккил одамни ортига қайтишга қўймайди. Шунда қўрқинчдан одамнинг юраклари қон бўлиб, кўзларидан ёш тўкилади, лекин қутулмоқнинг иложи йўқ. Фоний дунёда Оллоҳни таниганларгина бу кўприкдан осонгина ўтадилар. Шоир тасвирига кўра, бундай инсонлар яшин тезлигида, баъзилари шамолдек, югурук отдек осонгина ўтадилар. Лекин баъзилари эса Сирот кўпригидан йиқилиб, жаҳаннам бағрига кетадилар: «Илоҳий, айлагил ул кунни осон».

Демак, манзумадаги асосий мақсад инсон фоний дунёда Оллоҳни таниши, унга муҳаббат қўйишига қаратилган. Шу сабабли ҳам шоир Худодан бандасига раҳм-шафқат тилайди, ҳаётлигида уни тарбияловчи пирга ҳамроҳ этишни ўтиниб сўрайди. «Муножот»да тавба-тазарру руҳи етакчилик қилган.

Илоҳи, бандани соҳиб надам қил,
Сироти шаръ узра соҳиб қадам қил.

Ҳидоят пириға топшур қўлумни,
Иноят кўйига кенг қил йўлимни.

Маосий лойига тойдурма пойим,
Биҳишти мағфиратни айла жойим.

Карамлик подшоҳо, кирдикоро,
Раҳимо, мағфиратлик Биру боро.

Агар чандики беҳаддур гуноҳим,
Саломат қил хусрлардин, илоҳим.

Агарчи сони йўқ исён қилибмиз,
Умид улки, сани воҳид билибмиз.

Илоҳо, бирлигингни хурматидин,
Саломат қил, у кўпрук меҳнатидин.

Аҳмад Яссавий «Муножотнома»си билан Сўфий Оллоҳёрнинг «Сабот ул-ожизин» манзумасининг вазни бир хиллиги эътиборга лойиқдир. Яна диққатга молик жойи шундаки, Сўфий Оллоҳёр мумтоз адабиётнинг йирик вакили бўлган бу устознинг асарларини қунт билан мутолаа қилган, ҳатто унинг асарларидаги айрим байтларга ҳамоҳанг сатрлар битган. Аҳмад Яссавий «Муножотнома»сида шундай бир байт келтиради:

Инонсун деб таки бир неча беақл,
Қилурлар Хожа Аҳмаддин муни нақл.[35]

Бу байтга ҳамоҳанг сатрларни Сўфий Оллоҳёр Аҳмад Яссавий ҳақида айтган ҳикоятда учратамиз (бу ҳикоят юқоридаги саҳифаларда таҳлил этилган).

[35] Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1991. -199-бет.

Муҳаммад пайғамбар ва унинг ҳадисларини тарғиб этиш мумтоз адабиётда алоҳида саҳифани ташкил этади. Бундай шеърлар Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний ижодида етакчи ўринда туради. Аҳмад Яссавий «Ўн саккиз минг оламга сарвар бўлгон Муҳаммад» ва «Ал-каззобу ло уммати» деди, Муҳаммад» каби сатрларида пайғамбар таълимоти билан элни «ғариб бирла етимга» мурувватга чорлаши, «йўлдан озқон гумроҳ»ларга тўғри йўлни кўрсатиши, «рост юрган қулини» ғоятда эъзозлаши, «ёлғончилар қавмини уммат»га қўшмаслиги ва Оллоҳдан ўзгага тобе бўлмасликка даъват ғояси устунлик қилади. Биз бундай руҳни Сулаймон Боқирғоний ғазаллари, ҳикматлари ва «Охир замон мухаммаси»да ҳам кўрамиз. Муҳаммад пайғамбар ҳаёти ҳақида ҳикоят-маснавийлар яратиш анъанаси ҳам Аҳмад Яссавий ижодида ўрин олган. Унинг «Муҳаммадни билинг зоти арабдур» маснавий ҳикояти шундай хусусиятга эга. Бу ҳикоят Муҳаммад алайҳиссалом таржимаи ҳолининг поэтик тасвири сифатида юзага келган. Сўфий Оллоҳёр бу анъанани янада мукаммалроқ тарзда давом эттиради. Агар у «Дар баёни иймони пайғамбарон» манзумасида Муҳаммад Мустафони барча пайғамбарларнинг «беҳтарини» деб улуғласа, «Ҳикояти ҳазрат расул акрам саллалоҳу алайҳи», «Уҳуд тоғинда ҳазрат пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак тушлари шаҳид бўлгони» манзумаларида пайғамбар образига эпик тасвирлар орқали муҳаббат билдиради. Сўфий Оллоҳёр яратган ҳикоятларда Муҳаммад алайҳиссалом «шаҳи дунёу дин», деб эътироф этилади, «замину осмоннинг халқу хайли у эр туфайли яратилганлиги» билан фахрланади. Шоирнинг Уҳуд тоғи билан боғланган ҳикоятда Муҳаммад пайғамбар

ислом динини тан олмаганларни мусулмон қилганлиги тасвири берилган:

Ажаб кун тушди мўъминлар бошиға,
Умар келди пайғамбарнинг қошиға.

Деди йиғлаб: аё султони аброр,
Дуо қилғил қирилсин барча куффор.

Ва лекин қилмади ул дуои бад,
Ҳикоятга дуо қилди Муҳаммад.

Ўшал рўзики анбух, эрди куффор,
Абу Суфёну Холид эрди солор.

Ижобат бўлди пайғамбар дуоси,
Мусулмон бўлдилар ҳар иккалоси.

Ул икки эр билан кўп аҳди туғён,
Уҳуд кофирлари бўлди мусулмон.

Сўфий Оллоҳёр бу ҳикоятда Муҳаммад пайғамбар «Йўлдан озғон гумроҳ»ларга ҳам меҳр-шафқатли бўлганлигини тасвирлашга эришади. Чоҳарёрларнинг иккинчиси – Умар мўминлар бошига мусибат солган ғайридинларга ўлимни истаб, Муҳаммадга мурожаат этганда, у ўз душманларига ҳам ёмонлик тиламайди. Ғайридинлар ўзларининг тўғри йўлларини топишларини тилаб дуо қилади. Натижада, пайғамбар дуоси ижобат бўлиб, уҳудлик

ғайридинлар қавмига ҳидоят уруғи сепилади, улар мусулмонликни қабул қиладилар. Уҳудлик кофирларнинг бошлиқлари Холид ва Абу Суфиённинг мусулмончиликни қабул қилиши минглаб шаҳарларда Муҳаммад пайғамбарнинг тарафдорлари кўпайишига сабаб бўлади.[36]

Мумтоз адабиётда меърож воқеаси ҳам алоҳида мавзудир. Бу туркумдаги асарларда Муҳаммад алайҳиссаломнинг Оллоҳ ҳузурига кўтарилиши таъриф этилган. «Меърожнома»га оид китобларда таъкидланишича, Муҳаммад алайҳиссалом Каъба яқинида ухлаб ётганида унинг олдига фаришта Жаброил учар от Буроқ билан келган. У отга миниб Жаброил алайҳиссалом билан биргаликда Қуддусга қараб учган. Йўлда ҳар хил воқеаларга дуч келган, муқаддас жойларни зиёрат қилган. Куддусда Одам, Иброҳим, Мусо, Исо каби пайғамбарлар билан учрашган, биргаликда намоз ўқишган. Муҳаммад алайҳиссалом Оллоҳни ва унинг яратган ғаройиб нарсаларини ўз кўзи билан кўриш учун Жаброил алайҳиссалом, Буроқ ва Рафрафлар «воситасида кўкка кўтарилади.[37] Ниҳоят, етти қават осмонни, жаннату дўзахларни, пайғамбарларни ва бошқа ҳар хил ажойиботларни кўради. Энг асосийси, Оллоҳ дийдорига етишади.

Ривоятларда айтилишича, пайғамбар сафарининг иккинчи босқичи исроъ ва меърож – шунчалик тез содир бўлганки, у қайтиб келгач, ҳали ўрни совимаган, кўзадаги сув ҳам тўкилиб улгурмаган экан». [38]

---

[36] Холид ибн Валид қадам жойи Самарқандда ҳам мавжуд. Руҳобод ёнида (Умаров кўчасида) Холид ибн Валид қабри ва қабр тошида эса ёзувлар бор.

[37] Изоҳ: Пайғамбаримиз тош устига чиқиб Буроққа минади, шунда тош ҳам кўтарилади. Пайғамбаримиз «қол» дейди, Лекин ундан ажралмаган мазкур тош ҳозиргача Қуддусда муаллақ турмоқда деган тушунча мавжуд.

[38] Бу парча С. Боқирғонийнинг "Боқирғон китоби"(Т.: Ёзувчи, 1991.)да берилган луғат ва изоҳлар қисмидан олинди. Уни И. Ҳаққул ва С. Рафиъиддинлар нашрга тайёрлаганлар.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг Оллоҳ ҳузурига кўтарилиши воқеаси–меърож Аҳмад Яссавийда «Ҳикояти меърож», Сулаймон Боқирғонийда «Меърожнома», Сўфий Оллоҳёрда «Дар баёни тасдиқи меърож» номи билан берилган. Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғонийда тасвирланган воқелик бир-бирига яқин туради, яъни Муҳаммад алайҳиссаломнинг Оллоҳ ҳузурига кўтарилиши ва Оллоҳ дийдорига етиши ўз ифодасини топган. Лекин шоирлар бу воқеликни ўзига хос шаклда ифодалашган. Аҳмад Яссавийда мураббаъ шаклидан фойдаланилган, Сулаймон Боқирғонийда эса мураббаънинг фақат жуфт мисралар (б – а – в – а) қофияланиш шаклида битилган. Сўфий Оллоҳёрда маснавий шаклидан фойдаланилган бўлиб, унда Муҳаммад пайғамбарнинг Оллоҳ дийдорига етишиш ҳақидаги сюжетнинг тасвири берилмайди. Балки, Муҳаммад алайҳиссаломнинг меърожда бўлганлиги ҳақиқат эканлиги, унга шубҳа қилиш мумкин эмаслигини тасвирлаш етакчи ўринда туради. Сўфий Оллоҳёр ижодидаги бу хусусият, биринчидан, маънавий устозларининг ижодидаги мумтоз мифологияни такроран тасвирлашдан чекинганлигини кўрсатади. Ўзи танлаган шакл эса Муҳаммад алайҳиссаломнинг меърожда бўлиб, Оллоҳ дийдорига етганини инкор этувчиларга жавоб вазифасини ўтайди. Иккинчидан, Сўфий Оллоҳёр меърож масаласида Оллоҳнинг иноятига шак келтирмасликни тарғиб этади. Оллоҳ иноят этса бир дамда ўз дийдорини кўрсатишга шубҳа билдирмайди. Бу билан шоир Оллоҳнинг ишқи билан ёниш, унга меҳр-муҳаббат уйғотишга даъват этади. Шоир ёзади:

Бариға сидқимиз, иқроримиз бор,
Эмас ҳеч қайси иш Тенгриға душвор.

Мақоми сидрау нажми малакни,
Биҳишт Арш Курсию на фалакни.

Агар бир кечада кўрсатса не кам,
Вагар бир дамда кўрсатса не шак ҳам.

Нечук ким айласа қодир худодир,
Чора учун, демак, қулдин хатодур.

Учинчидан, Сўфий Оллоҳёрнинг тасаввуфий қарашларида ривожлантирилган анъаналардан яна бири нафс тушунчасидир. Маълумки, нафс – ўзлик, руҳ, зот маъноларига тенг бўлиб, сўфийлар инсонни тўғри ва эзгу йўллардан оздирувчи, барча тубанликларга «доя»лик қилувчи майлларни нафсга нисбат берадилар. Муҳаммад Абу Ҳомид Ғаззолий бу ҳақда шундай ёзган эди:
«... нафс деганда инсондаги ғазаб ва шаҳват қувватларини ўз ичига олган тараф назарда тутилади. Нафсни бу маънода тушуниш аҳли тасаввуфда ғолибдур. Улар нафс деганда инсондаги барча мазмум (нафратли) сифатларни ўзига жамлаган зўравон кучни назарда тутадилар ва шу боис бундай дейдилар: «Доимо нафсга қарши курашиш ва мудом уни синдириш лозим, зеро, пайғамбар алайҳиссаломнинг «Энг қаттол душманинг ўз ичингдаги нафсингдир» деган ҳикматларида шунга ишора қилинган». [39]

[39] Ғаззолий Муҳаммад Абу Ҳомид. Ихёу улумид-дин. Араб тилидан Мансур Абдулазиз таржимаси. –Т.: «Ёшлик» журнали, 1990 йил, 6-сон, 70-71 - бетлар.

Илоҳи, бандаман, бечорадурман,
Ҳавойи нафс ила оворадурман.

Эрурман барча нуқсонимға иқрор,
Мусулмон ўғли қилмас ишларим бор.

Демак, нафсга берилиш, унга қарши курашмаслик, нафсни жиловламаслик инсонни мусулмончиликдан чиқаради, дину имондан ажратади. Нафс кенг тушунча бўлиб, «тасаввуф аҳли етти нафс борлигини эътироф этадилар:

1. Нафси аммора – инсонни ёмонлик, риёкорлик, бетамизликларга завқлантирувчи нафс. **2. Нафси лаввома** – бад ишлардан пушаймон қилувчи, тергаш, парҳезкорликка қодир нафс. **3. Нафси мулҳтама** – илоҳий йўл-йўриқлар ва жозибага илҳомлантирилган нафс. **4. Нафси мутмаинна** – имон хотиржамлигини таъминлайдиган, хатоликлардан асрай оладиган нафс.

5. Нафси розия – Оллоҳдан рози нафс. **6. Нафси марзия** – Оллоҳ ризосини қозонган ва унга мақбул бўла олган нафс. **7. Нафси Сўфийя** – қусур ва иллатлардан батамом покланган соф нафс. Сўфиийлар назарида нафс инсонни дунёга боғлайдиган бир «занжир». У одамни ҳақиқатдан йироқлаштиради. Шу боис нафсга ҳоким бўлмоқ керак. Уни янчмоқ учун ранжу меҳнат камлик қилади, жиҳод лозим. Бу жангда эса Оллоҳнинг лутф ва ёрдамига таянмоқ шартдир».[40]

---

[40] Нафс ҳақидаги бу таъриф Аҳмад Яссавий «Ҳикматлар» китобининг изоҳларидан олинди. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1992. -256-бет.

Ислом адабиётида дил поклиги ва руҳ комиллиги нафс ва руҳ зиддиятларида кенгроқ ўз ифодасини топган. Муҳаммад Абу Ҳомид Ғаззолий таърифлаганидек, «Жон (руҳ) инсондаги билувчи, идрок қилувчи илоҳий неъматки, Оллоҳ таоло ўзининг «Айтинг, жон қодир эгамнинг ишидандир», деган қавлида жоннинг шу маъносини кўзда тутганки, у ҳақиқатан ҳам бандаси моҳиятига етиши мушкул бўлган илоҳий нарсадир».[41] Тасаввуф адабиётда руҳжон инсонни тўғриликка, покликка, Оллоҳни таниш ва англашга даъват этувчи куч сифатида кўринади. Шу жиҳатдан қараганда, Нафс ва Руҳ инсоннинг Оллоҳга бўлган иштиёқини кучайтиришда бир-бирига зид бўлган воситадир. Руҳ ва Нафс образи Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний ижодида ҳам ўз ифодасини топган. Бу ўринда Боқирғоний шеъриятида яратилган Нафс ва Руҳ мунозарасига мурожаат этиш масаланинг моҳиятини ойдинлаштиради:

Нафсим айтур, бу дунёнинг мулкин бўлсам,
Хитой, Қирғиз, Қипчоқ Ҳиндистонни олсам,
Оғибон Чин, олтун, кумуш танлик қилсам,
Бахт этса, бир ганж тузиб етойин дер.

Руҳим айтур, дин ишини яхши қилиб,
Эзгу, ёвуз жумласини Рабдин билиб.
Тунлар бўлса тоат бирла ўро туриб,
Кундуз бўлса, савму салот ўтойин дер.[42]

---

[41]Ғаззолий Муҳаммад Абу Холид. Ихёу улумиддин. Араб тилидан Мансур Абдулазиз таржимаси. // Ёшлик журнали. –Т.;1990 йил, 6-сон, 7-бет.
[42] Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. –Т. : Ёзувчи, 1991. - 26-бет.

Сўфий Оллоҳёр шеъриятида ёмон нафсни пок руҳга тобе этиш асосий мақсад ҳисобланади. Умуман олганда, мумтоз адабиётда илоҳий-руҳий, тасаввуфий-руҳоний ҳаётнинг туб мазмуни ҳам нафсни поклашга қаратилгандир. Бу жиҳатдан қараганда, унинг «Нафси шумнинг баёни» манзумасида қўйилган асосий мақсад ҳам нафси амморани – инсонни ёмонлик, риёкорлик, бетамизликларга завқлантирувчи нафсни нафси мутмаина – иймон хотиржамлигини таъминлайдиган, хатоликлардан асрай оладиган нафсга айлантиришга қаратилганлиги билан алоҳида қимматга эга.

Қўюб андозаи ҳолича юкни,
Ибодат йўлиға кўндир бу лукни.

Бу меҳнат бирла ул аммораи дун,
На бўлғай мутмаина бўлса бир кун.

Семиз кўп қилма бу туллак итингни,
Қутуруб ёрмагай токи бетингни.

Исломда нафс тарбияси алоҳида масала ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Нафс тушунчаси ислом таълимоти пайдо бўлганидан ҳозиргача исломшунослар талқинидадир. Бизга замондош исломшунослардан бири профессор, доктор Маҳмуд Асъад Жўшон ҳазратларига «тасаввуфни қандай таърифлайсиз ва шарҳлайсиз», деб савол берилганида, қуйидаги жавобни қайтарган эдилар: «Тасаввуфда икки ғоя мавжуд: биринчиси, яратувчимиз Оллоҳ таолони таниш-билишга қаратилган ғайратлар бўлиб, кишидаги ўз

Парвардигори ҳақидаги билимнинг, яъни маърифатуллоҳнинг зиёдалашуви ортишига йўналган саъйи-ҳаракатлар. Иккинчиси, кишининг ўзига, нафсига қаратилган ғайратлари демак. Тасаввуф, бир томондан Аллоҳни билмоқ ва танимоққа йўналтирилган жидду-жаҳдни, иккинчи томондан, кишининг ўз нафсини тарбиялаш, «маърифатуллоҳ» дейилса, иккинчисига «таҳзиби ахлоқ» ёки «тазкия-и нафс» (нафсни поклаш) дейилади»![43]

Демак, кишининг ўз нафсини тарбиялаши ва поклаши мумтоз адабиётининг ҳам асосий масалаларидан саналади. Сўфий Оллоҳёр ўз манзумасида нафсни тарбиялашнинг бирдан-бир йўли ибодат, деб тушунади. Шундай қилингандагина нафс покланади. Сўфий Оллоҳёр инсонни гумроҳлик ва гуноҳга бошлаган нафснинг бадиий қиёсларини топади: «туллак ит». У семиртирилса, қутуради, ўз эгасининг бетини ёради. «Илон» уни асраган сари зиёни тегади. Шоир Нафсни йўқотишнинг йўлини Руҳга тобе бўлиш, унинг измига тушиш, деб билади.

Агар нафс Руҳга итоат этмаса, у ҳолда инсон ёши улуғ бўлса-да инсоний қиёфасини йўқотади:

Эрур холо ки товба боби мафтуҳ
Ёмон нафсингни қилгил тобии руҳ.

Агар нафсинг сани етмиш бошингдин,
На бўлгай фойда етмиш ёшингдин.

---

[43]Жўшон Маҳмуд Аъсад. Тасаввуф ва нафс тарбияси. //Сирли олам . Т.,1997 йил, 12-сон, 10-бет.

Агар нафсинг муродин изламаксан,
Агар саксанга умринг етса саксан.

Сўфий Оллоҳёр ва унинг ижодини ҳозирги давр мафкураси билан боғлайдиган ўзига хос томонлари қуйидагича изоҳланган ҳолда хулосаланади: [44]

1. Сўфий Оллоҳёр ижоди, хусусан, унинг «Сабот ул-ожизин» асари туркий маърифат адабиётнинг ёрқин намуналаридан бири ҳисобланади. Туркий мумтоз адабиётнинг йирик намоёндалари Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний ва бошқа шу каби ижодкорларнинг асарларидаги ахлоқий-маърифий ғоялар мағзи Сўфий Оллоҳёр ижодида мужассамлашган.

2. Ахлоқий-маърифий ғоялар ҳамма даврларда одамларни тарбиялашнинг муҳим воситаси ҳисоблангани каби бугунги кунда унинг қадр-қиммати янада юксакдир.

Шу жиҳатдан қараганда, Сўфий Оллоҳёр асарларидаги ахлоқий-таълимий фикрлар бизнинг замонамиз кишиларига ҳам ўгит бўлади.

3. Сўфий Оллоҳёр ижодидаги комил инсон моҳиятининг бадиий ифодаси ва унинг моҳиятини англаш ҳар хил ақидапарастликлар вужудга келишининг олдини олади.

Демак, Сўфий Оллоҳёрнинг «Сабот ул-ожизин» асари ислом дини мутасаввиф адабиётнинг моҳиятини тўғри англашда ўзига хос илмий-маърифий ва адабий манбадир. «Сабот ул-ожизин»да нафсга қувват берадиган, инсонни гуноҳ ва гумроҳликка бошқарадиган таъмани ҳам

[44] Аллоёрова Н. нинг "Сўфи Оллоҳёр ва шеърий маҳорат" монографиясида (2003) "Сабот-ул ожизин" асари тўғрисида умумлашма хулосалар баён этилганлиги сабабли биз унинг тадқиқини ушбу фикримиз билан тугаллаймиз.

такаббурликка берилиш, тақво ва ибодатни унутиш каби омиллар сифатида ифодаланган. Умуман олганда, бу асарда Сўфий Оллоҳёр адабиётидаги илоҳий тасаввуфий анъаналарини давом эттирган санъаткор сифатида кўринади. Энг муҳими, «Сабот ул-ожизин» комил инсон масаласини бош ғояга айлантира олгани билан ҳозирги давр кишиларини ахлоқ-одоб, юксак иймонли қилиб тарбиялаш қимматига ҳам эгадир.

Шоир ўз даврининг фарзанди. Унинг шахсияти ва ижодига XVII асрда Туркистон заминида юзага келаётган дастлабки иқтисодий ва ижтимоий бўҳронларнинг, юрт парокандалигининг ва эл тарқоқлигининг салбий оқибатлари ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Амир-амалдорларнинг улусга кўрсатаётган зулмлари ва бидъатчи шайх чаламуллаларнинг диний саводсизликлари, мактаб-маориф ишларининг илми урфондан йироқлашиши Сўфий Оллоҳёр ижодининг асоси бўлди. Унинг мактаб ва мадраса илми толибларини саводли, бидъат ва зулмат дунёсининг кушандаси қилмоғи учун қўлига қалам олиб, маърифий руҳдаги асарлар ёзишга ундади. Унинг бош вазифаси ўз даврининг комил Инсонини яратиш эди. Бу мақсадда шоир ўзининг "Сабот ул-ожизин" каби буюк асарларини майдонга келтириб, авлодлари учун ўлмас хотира қолдирди.

II-БОБ
«САБОТ УЛ-ОЖИЗИН» АСАРИНИНГ ЖАНРЛАР ОЛАМИ

2.1. Шоир шеъриятида тўртлик-муножотлар

Сўфий Оллоҳёр ижодига хос асосий маърифий қарашлар унинг «Сабот ул-ожизин» асарида ёрқин ўз ифодасини топган. Бу асар жанрига кўра маснавий шаклида битилган бўлса-да, унинг сўнгида шоир лирикасининг ажойиб намунаси сифатида тўртлик-муножотлари ҳам келтирилади. Сўфий Оллоҳёр бу шаклдаги шеърларини «рубоиёт батариқаи муножот», деб атаган. «Рубоий – Шарқ шеъриятининг машҳур анъанавий жанрларидан бири. Фалсафий, ижтимоий, ишқий-ахлоқий мавзулардаги тугал бир ғоя тўрт мисрада ифодаланади. Бироқ Сўфий Оллоҳёр шеърларининг вазни ва мазмунидан келиб чиқилгани ҳолда рубоий эмас, балки шартли равишда тўртлик-муножотлар деб атадик. Чунки шеърларнинг тузилиши шаклан рубоий жанрини эслатса ҳам, улар рубоий учун талаб этиладиган аруз вазнидаги ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам йўналишларида ёзилмаган. Қолаверса, бундай шеърларда рубоийларга хос бўлган фалсафий-дунёвий, ижтимоий-сиёсий, ишқий-ахлоқий маънолар эмас, балки Сўфий Оллоҳёрнинг Оллоҳга бўлган илтижолари, маърифий-тасаввуфий қарашлари акс этган. Шу сабабли ҳам Сўфий Оллоҳёр лирикаси таҳлилига киришар эканмиз, аввал кичик тўртлик-муножотларнинг ғоявий-бадиий қимматини ўрганишни мақбул кўрдик.

«Сабот ул-ожизин» Сўфий Оллоҳёрнинг маснавий шаклидан маҳорат билан фойдалана олганлигини кўрсатади. Асарда шоир қаламига мансуб 18 тўртлик-муножот ўрин олган. Шоирнинг бу шеърларни муножот усулида ёзилганлигига ишора қилишининг боиси шундаки, унда бу жанр талабига хос Оллоҳга тавба-тазарру руҳи устунлик қилади. Муножотлардан ҳар бирининг дастлабки сатри «Ҳолиқо» илтижоси билан бошланади.

Шоир тўртликларни «Сабот ул-ожизин» асарининг хотима қисми сифатида келтиради. Бунинг боиси шундаки, асарда баён этилган диний-маърифий фикрлар, ғоялар тўртлик-муножотларда ҳам ўзининг лирик ифодасини топади. Шоир «Сабот ул-ожизин»даги турли маърифий тасвирлар, фоний ва боқий дунё ҳақидаги қарашлар, инсоннинг фоний дунёдаги гуноҳ ва савоб ишлари тўғрисида тегишли хулосага келади ва уларни ўқувчида ҳис-туйғу уйғотадиган тасвирлар орқали очиб беради.

Шунингдек, тўртлик-муножотларда лирик қаҳрамоннинг Оллоҳга тавба-тазаррулари, илтижолари кучли ҳаяжонланиш, фоний дунёда гуноҳ ишларга қўл урганидан афсусланиш туйғулари битилган. Масалан, биз «Сабот ул-ожизин»да Сўфий Оллоҳёрнинг жаннатга ўтиш учун қилинган гуноҳ ва савоб ишлар ўлчови – боқий дунёдаги тарози, кўприк ҳақидаги эпик тасвирларни, ҳикояларни ўқиймиз. Тўртлик-муножотларда бундай эпик тасвирлар берилмайди, албатта. Лекин Сўфий Оллоҳёр ўша тасвирдаги воқеаларга ишора қилиш билан фоний дунёда гуноҳга ботган банданинг дўзах азобига тушиш ҳолатини гавдалантира олади. Биринчидан, бундай тасвир тўртлик-муножотларда

«Сабот ул-ожизин» асарининг тугалланмаси вазифасини ўтаганлигини эслатса, иккинчидан, Сўфий Оллоҳёр ўзига хос юксак маҳорат эгаси эканлигини ҳам ойдинлаштиради.

Ҳар бир тўртлик-муножотларда худога мурожаат қилиб, ундан ёрдам, кечирим сўраш илтижоси билан бошланган. Биринчи тўртликни келтирамиз:

Холиқо, қойилман ўз нуқсонима,
Кўп жафо қилдим ўзимни жонима.
Зоти покингдин иноят бўлмаса,
Ҳеч ишончим йўқ, амал қилғонима.

Оллоҳни унутиш, айш-ишрат, фароғат уйқусига берилиш, турли хил баҳоналар билан илоҳий даъватлардан чекинишни фақат Сўфий Оллоҳёр шахсияти билан боғлаш бирёқламаликдир. Бадиий адабиёт умумлаш-малик хусусияти ва қонуни тига эга бўлганидек, тўртлик Оллоҳёр учун бир восита сифатида хизмат қилгандир. Жанр талабига кўра тўртлик мустақил асар ҳисобланади. Лекин мавзу йўналиши билан улар туркумлашиб кетиши мумкин. Сўфий Оллоҳёр тўртликларини ҳам бир мавзу тасвирланган туркум тўртликлар, деб ҳисоблаш учун асослар бор. Биринчидан, бу тўртликларнинг мантиқий йўналиши битта. У ҳам бўлса фоний дунёда ҳаёт кечираётган инсоннинг Оллоҳга тавба-тазаррусини акс эттиришга, уларнинг фоний ва боқий дунё ҳақидаги кечинмаларини ифодалашга қаратилган. Иккинчидан, тўртликлардаги тасвир бир лирик қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари натижаси ҳисобланади. Шунга кўра, Сўфий Оллоҳёр яратган 18 тўртлик-муножотлар

ўзининг мантиқий боғланиши ва яхлит бутунлигига эгадир. Сўфий Оллоҳёр навбатдаги тўртлигида Тангридан ўзининг кўплаб қилган гуноҳларини кечиришини ва айбларини ошкор қилмасдан яширишини илтижо қилиб сўрамоқда:

Холиқо, қилдим фиъоли гандани,
Қилмағил расво мани шармандани,
Сен агар раҳмат ниқобин ёпмасанг,
Айби кўп нуқсони кўпдур бандани.

Кейинги тўртлигида шоир мўмин-мусулмон бажариши лозим бўлган диний аҳкомларни, жумладан, тоат-ибодатни мукаммал бажармаганлиги учун ўзини айбдор сезмоқда. Шу сабабли Сўфий Оллоҳёр бажара олмаган амалларининг идишини кемтик деб билади. Унинг устига лирик қаҳрамон ўзини исён балчиғига ботган ғофил банда деб билмоқда. Агар Оллоҳнинг ўзи ушбу бадкирдор бандага раҳмат назари билан боқмай, унинг кўзидан пушаймонлик ёшларини оқизмаса, ҳоли вой:

Холиқо, тўктум ибодат тосини,
Сан тузарсан бандани кам косини,
Қўлларинг булғонса исён лойиға,
Оқизурсан мағфират дарёсини.

Бироқ бу каби илтижолар Сўфий Оллоҳёр учун етарли эмас. У кейинги тўртлигида гуноҳи бисёрлигидан даҳшатга тушиб, уларнинг жавобини қандай беришини билмай аросатда. Маҳшар куни бўладиган савол-жавобдаги ночор

аҳволини кўз олдига келтирган шоирнинг дилини ғам-ғусса ўртамоқда. Унинг якка-ягона умиди фақатгина раҳмли ва меҳрибон Оллоҳдан:

Холиқо, қилдим гуноҳи беҳисоб,
Тонгла сан сўрсанг, не бергайман жавоб?
Мен очарман жўрми исён чеҳрасин,
Сен ёпарсан авфи раҳматдин ҳижоб.

Диний тушунчаларга кўра инсоннинг охирати кўп жиҳатдан унинг сўнгги қилган ишига айтган каломига боғлиқ. Дорулбақога риҳлат қилишдан олдин савобли иш ва илоҳий калимани айтиш саодатга, Тангрининг раҳматига эришган кишиларгагина насиб бўлади. Ушбу қалтис дақиқаларда шайтони лаъин ҳам қараб турмасдан инсоннинг жонига ҳамла қилишга, уни ўзи билан гуноҳкорлар маконига олиб кетишга шай турар экан. Буни яхши тушунган шоир биру-бор Оллоҳга муножот қилиб ўзини осийлар сафида эмас балки, ўзи ёрлақаган бандалар қаторида бўлишини сўрамоқда:

Холиқо, қилдим гуноҳи беадад,
Жон берур ҳолатда сан бергил мадад,
Нафси шайтон илгидин қутқармасанг,
Бўлди мушкул ҳолимизга, ё Аҳад.

Мумтоз шеърияти анъанасига кўра Сўфий Оллоҳёр шеърларининг, тўртликлар туркумининг охирида ўзининг тахаллусини келтириб, қайсидир маънода гуноҳкор илтижоғўй банданинг шахсиятига аниқлик киритади.

Шунингдек у "ўтарчи" сўзидан тажнис бадиий санъатини ясаб уни икки маънода: биринчиси уруғ маъносида, иккинчиси фоний дунёдан боқий дунёга ўтувчи маъносида қўлланмоқда. Бу эса тўртликлар туркумининг бадиийлигига самарали таъсир қилиб, шоирнинг поэтик маҳоратининг юксаклигидан далолат беради. Оллоҳ мислсиз қудрат соҳиби. Унинг аввали ва охири йўқ. Шу сабабли фақатгина у бандани инсоният душмани бўлган шайтоннинг ёвуз домидан ва таъсиридан қутқариб қолади. Шоир наздида нафс ҳам шайтоннинг тузоқларидан биридир:

Холиқо, ё аввало, ё охиро,
Нафси шайтон жонима бўлди бало.
Гарчи Оллоҳёр ўтарчидур ёмон,
Қўймагил душман қўлига мубтало.

Гарчи лирик қаҳрамон бу жаҳоннинг каж ишларига, дунё ташвишларига, мол-дунё ташвишига берилиб ғафлат ботқоғига ботган бўлса-да, гуноҳларининг кечирилишига умид боғлайди. Жисман вафот этгач, руҳининг раҳматга эришишига ишонади. Зеро, ноумид шайтон:

Холиқо, тутдум фароғат хобини,
Истадим доим жаҳон асбобини.
Гарчи Оллоҳёр эрур ғарқи гуноҳ,
Оч анга ўлганда раҳмат бобини.

Сўфий Оллоҳёр ўзидаги гуноҳлар учун Оллоҳ олдида тавба-тазарру қилса ҳам, бадиий асар қонуниятига кўра

унинг ана шу тазаррусида ҳаётдаги минглаб мусулмончиликни унутган, лекин у дунё талабларидан қўрқувга тушиб, яна унинг талаб-қонуниятларини бажаришга киришган, ўз гуноҳлари учун Оллоҳдан кечирим сўраётган бандаларнинг кечинмалари умумлашади:

Холиқо, умр айладим фони билан,
Эмди баданг зор жони билан,
Гарчи Оллоёр эрур зору забун,
Жонини ол нури иймони билан.

Холиқо, пой ишларим бош айлагил,
Хирмани тоат манга чош айлагил,
Мунда тавфиқим чироғин қўлга бер,
Анда иймонимни йўлдош айлагил.

Холиқо, афви айла ўтган ёшима,
Яхши қулларни ато қил қошима,
Гўр ичида келса икки сўрғучи,
Анда сан раҳм айла ёлғуз бошима.

Холиқо кўнглумда дунёйи дуни,
Ман эрурман бандаларнинг озғуни.
Гарчи банданг бунда бўлса русиёҳ,
Юзларин оқ айла машҳар куни.

Холиқо, ҳайф ўти моҳи солимиз,
Бўлмади нофиъ аёлу молимиз,
Сан ҳисобимизни осон этмасанг,
Рўзи маҳшарда на кечгай ҳолимиз?

Холиқо, ярлоқа халқи оммани,
Ўртада мандек маосий хомани,
Ҳажрда ҳар кимга келса бир битик,
Анда бергил, ўнг қўлумга номани.

Таъкидланганидек, Сўфий Оллоҳёрнинг ҳаёти ўрганилган манбаларда унинг туғилган жойи ва у мансуб уруғнинг номланиши тўғрисида икки хил қарашлар мавжуд. Биринчи бобда айрим ўринларда унинг уруғи ва туғилган жойи «минг», бошқа ўринда эса «ўтарчи» номи билан боғлаган эдик. Тўртликда келтирилган «ўтарчи» сўзи унинг шоир уруғи тўғрисидаги баҳс-мунозараларга ҳам қисман ойдинлик киритади.

Демак, Сўфий Оллоҳёрнинг «Сабот ул-ожизин» таркибида келтирилган тўртликлари ушбу манзуманинг мантиқий давоми, ғоявий ҳосиласи сифатида ҳам намоён бўлади. Айни пайтда улар мустақил асар сифатида шоирнинг мумтоз-маърифий қарашлари, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ кечинмаларини умумлаштиради. Амал инсоннинг ўз тириклигида бажарган ишлари мажмуидир. «Сабот ул-ожизин» тасвирига кўра, Тангри инсоннинг фоний дунёдаги амалларини тарозига солиб ўлчайди. Тарози ва кўприк воқеалари мантиқан бир-бирига боғланади. Фоний дунёда яхши амал-ишларни бажармаган банда боқий дунёда Пулсирот кўпригидан ўта олмайди. Жаҳаннам сари йиқилади. Ҳар икки тўртликнинг ҳам асосий ғояси инсонни тириклик вақтида яхши амалларни бажаришга, боқий дунёда тарози ва кўприк олдида масъулият сезишга даъват этади.

Холиқо, кам изладим қўйи амал,
Яхшилардек юрмадим сўйи амал.
Сан карам бирла қиёмат даштида,
Айлағил оғир тарозуйи амал.

Ёки:

Холиқо, дийдамға ашки жори бер,
Кўнглима доим муҳаббат ёри бер.
Оби кавсардин мани сероб этиб,
Ҳам яна кўприк ўтарда ёри бер.
Холиқо, лутф айла жанноти наъим,
Қилмагил ҳаргиз гирифтори жаҳим,
Ман гуноҳлик қул эрурман Сан Ғафур,
Ман хатолик бандадурман Сан Карим.

Холиқо, туз айлагай сан роҳимиз,
Мустажоб этгил дуову оҳимиз.
Тонгла ҳайрон бўлса халқ ўз ҳолиға
Мустафони қил шафоат хоҳимиз.

Ёки:

Холиқо, лутф эт гадойи зотинга,
Бандадурман, розиман ҳар коринга.
Мағфират дарёсига ғарқоб этиб,
Кўзларим шойиста қил дийдорингга.

Сўфий Оллоҳёр тўртликларини бир бутунликда таҳлил этиш унинг ўзига хос композицион қурилиши – лирик қаҳрамон кечинмаларининг, тавба-тазарруларининг жойлашиш ўрни мавжудлигини кўрсатади. Аввало, биз унда ҳаётда кўп ёмон йўлларга кириб, сўнгра Худони таниб,

мумтоз-маърифий ғоялар билан ақл ва кўнгилни поклаб, комиллик даражасига эришган инсонни кўрамиз. Шу сабабли унинг кўз ўнгида умр йўли, қилган амаллари намоён бўлар экан, Оллоҳ олдида гуноҳлари борлигидан ўзини юзи кора деб ҳисоблайди. Тўртликлар туркумининг биринчи қисмида шоир лирик қаҳрамоннинг фоний дунёдаги амаллари тасвирини беради. Туркумнинг иккинчи қисмида худосизликдан комиллик даражасига етишган қаҳрамон боқий дунёда кутилаётган азоблардан саросимага тушади. Бу йўлда Оллоҳдан мадад сўрайди. Туркумнинг иккинчи қисмида яна ўзлигига, яъни фоний дунёдаги ҳаётга қайтади. Комиллик даражасига эришув учун ўзига илоҳий манбалар топади, инсон тўғри амалларни бажаришининг бош асосларини Худонинг иноятн ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг шафоати деб тушунади. Шу сабабли Оллоҳ ва Муҳаммад алайҳиссалом ёди билан яшаш унинг улуғ мақсадига айланади.

2.2. Ғазал ва унинг шоир ижодида тутган ўрни

Сўфий Оллоҳёр лирик меросининг катта қисмини ғазаллар ташкил этади. «Шахсий китоб жавонимизда сақланаётган «Баёзи Убайдулла Аламкаш» номли китобда Сўфий Оллоҳёрнинг 73 та шеъри мавжуд. Яна бир муҳим томони Убайдулла Ислом ўғли Аламкаш Сўфий Оллоҳёрнинг 18 та шеърига мухаммас боғлаган».[45] Убайдулла Аламкаш Сўфий Оллоҳёр ғазалларига мухаммас

[45] Сувонқулов И. Қалб ва руҳият ифодаси. //«Шарқ юлдузи» журнали,1996 йил, 4-сон, 189-бет

боғлаганлиги адиб ижодига бўлган қизиқиш унинг халафлари ўртасида кучлилигидан далолат беради.

Шубҳасизки, унинг бадиий ижод соҳасидаги дастлабки асарлари дунёвий ҳис-туйғуларнинг ифодаси сифатида юзага келган.

Сўфий Оллоҳёр ғазаллари ранг-баранг мавзу кўламига эга. Шоирнинг қўлимиздаги аксарият ғазалларида ишқий-маърифий ғоялар тараннум этилади. Уларда қўлланилган бадиий-тасвирий воситалар ҳам анъанавий шеъриятимиз услуби доирасидадир. Қуйидаги ғазалда шоир усталик билан поэтик санъатлар воситасида ажойиб бадиий тасвирларни яратади:

Кўрк учун тушди зилоли лаъла мушкин хатти хол,
Тутти суҳбат Хизр ила Кавсар қирғоғинда ҳилол.

Шоир ғазалнинг мақтасида талмеҳ ва ташбеҳ санъатларидан устомонлик билан фойдаланиб, ёрнинг сувдек тиниқ ва лаълдек қизил лабини Жаннатдаги Кавсар булоғига, лаб устидаги тим қора холини эса булоқ ёнида турган Хизр пайғамбарга қиёсламоқда. Бироқ ёрнинг лаби ним табассум ҳолатида бўлганлиги сабабли унинг кўриниши осмонга чиққан янги ҳилолни ҳам ёдга солмоқда. Мазкур байтнинг бадиий мукаммал ишланганлигининг яна бир белгиси айнан Кавсар булоғининг ва Хизрнинг ёнма-ён келишидадир. Нима учун ёрнинг гўзал дудоғини тасвирлаш учун шоир айнан шу икки тимсолдан фойланмоқда? Хизр мумтоз адабиётда ўлим билмайдиган доимий барҳаёт пайғамбар сифатида талқин этилган. Рабғузий ўз асарида Хизр алайҳис-салом ҳақидаги

ривоятлардан келтирар экан, ёзади: «Хизр маъниси яшил бўлур. Қаю тош уза Хизр алайҳиссалом ўлтирса ул тош яшарур эрди. Анинг учун Хизр аталди. Айтмишлар: Қаю ерда ўлтирса ул ер кўкарур эрди».[46]

Маълумки, Кавсар чашмасидан оқиб чиқувчи мўъжизавий сув оддий сув бўлмай, балки оби ҳаёт манбаи ҳисобланган. Уни мумтоз адабиётда Жаннат булоғи деб аташган. Демак, ёрнинг лабига эришмоқ, унинг ҳаётбахш каломидан баҳраманд бўлмоқ ошиқ учун абадийликка дахлдор тушунчалар каби қадрлидир. Навбатдаги мисрада эса шоир ёрни раъно гули каби тез ўзгарувчи, унинг висолига талпинувчиларга қаҳр қилувчи қаҳҳор сиймосида ҳам гавдаланувчи тимсол сифатида тасвирлайди.

Муддаийларни кўриб, қаҳр ила ёшургай юзин,
Эй, кўзум, ул ора тушти, эмди юз кўрмак маҳол.

Ёр ўзининг жамолини ҳар кимсага зуҳур қилмайди. Унинг висолига фақатгина чин ошиқ эришиши мумкин. Юзига кўзи тушган кимсани билган ёр унга нисбатан қаҳр қилади, зарда билан жамолини беркитади. Шоир лирик қаҳрамонининг кўзи ёрнинг юзига тушди. Бунинг жаримаси сифатида энди у ёрнинг юзини кўриши амри маҳол. Учинчи мисрада шоир тажоҳул-ориф бадиий санъати ёрдамида ёр кўзларининг қизарганлигини қизил май сабабидан эмасмикан, деб иккиланганда бўлаяпти. Бу кўзларнинг лолазор ичра шўх ўйнаб юрган кийикка муқояса этилаётганининг сабаби – ёр узорининг гулшан каби ҳусн ва

[46] Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қиссаи Рабғузий. Иккинчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1991. - 58 - бет. .

ифорда бемисл эканлигини, кўзларнинг эса ошиқни ўртовчи имо ишоралар манбаи бўлганлигини таъкидлашдир:

Наргиси мастинг ҳумори бодадин гулгунмудур,
Ё будурким лолазор ичра тушган ваҳши ғизол.

Кейинги мисраларда Сўфий Оллоҳёр ёрни таъриф ва тавсиф қилиб кўп гапирганлигини, бироқ хаёл ва фикр хом бўлса бу каби маза-матрасиз сўзлардан ҳеч фойда бўлмаслигини афсус билан келтирмоқда:

Эй хаёлим, хом эсанг мунча гапурмакдин на суд,
Эй сўзум, бир ера етмас ўлсанг, айғон ера қол.

Ёр шунчалик гўзал, шунчалик мукаммалки, уни таърифламоқчи бўлган банданинг тили ё ҳаракатдан қолади, ё гапини йўқотиб қўяди. Бунинг сабаби – ёрнинг васли иштиёқида ошиқ хаёлининг турғунсиз, субутсиз бўлиб қолганлигидадир. Дарҳақиқат, бундай хомхаёл маҳсули бўлган сўзнинг қадри не чоғлиқ бўларди, сўзнинг салобати йўқ бўлса, унинг эгасининг ёнида қолгани маъқул.

Сўфий Оллоҳёр тасаввуфий, ишқий мазмундаги шеърларидан ташқари дунёвий ишқ мавзусида ҳам ғазаллар ёзган. Шоир бундай шеърларида ижтимоий масалаларга ҳам оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган. Унинг қуйидаги байтлари фикримизни тасдиқлаб, уларда шоирнинг тақдир, замона ҳақидаги мулоҳазалари акс этган. Мисраларнинг мазмунига диққат қилинса уларда айни вақтда шоирнинг таржимаи ҳолига оид айрим маълумотларни ҳам илғаб олиш мумкин:

Ҳеч ишим рўйи замин ичра кифоят бўлмади,
Бахти кажимни сўроғин берди Қоф арқосида.

Қўл сунуб олғунча тегди давр аёғи ўзгага,
Кўз юмуб-очқунча умр ўтти жаҳон ғавғосида.

Билмадим ҳаргиз замона феълини қавлини рост,
Кўрмадим ҳасрат сўйидин ўзга гардун тосида...

Шеърнинг охирги байти – мақтаъсида Сўфий Оллоҳёр ўз паришонхотирлигини ёр сочи паришонлигига қиёслаб, ажойиб поэтик тугалланма яратадики, бундай усулни биз Зокиржон Фурқатнинг машҳур «Кашмирда» шеърида ҳам учратамиз:

Фориғ эрмас ҳеч ким ул дилрабонинг ишқидин,
Зулфига дилбасталиғ ҳар бир жувону пирда.

Айдим: «Эй, жон офати, зулфингга бўлмишман асир!»
Айди: «Бу савдони қўй, умринг ўтар занжирда!»[47]

Мазкур мисраларни Зокиржон Фурқат Суфий Оллоҳёрнинг ушбу мисралари таъсирида ёзганлиги байтнинг мазмунидан ҳам англашилади:

Дерсен, Оллоҳёр, лутф айлаб паришон бўлмағил,
Жамъ ўлурму хотирим гисуларинг савдосида.

---

[47] Фурқат. Танланган асарлар. –Тошкент : Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти., 1975. - 21 - бет.

Шоирнинг бу каби ғазалларида ёрнинг ташқи кўрки унинг маънавий латофати билан уйғун ҳолда намоён бўлади. Фикримизча, уларда тасвирланган севикли ёр ўзининг аниқ миллий хусусиятларига эга бўлган ўзбек ва тожик миллатларига мансуб қизлардир.

Меҳри андак ҳам вафосиға жавоси нечалик,
Феъли тожик, зоти ўзбекликда тураворсан.

Эгри абрў, ҳоли - ҳинду, зулф ҳар сў мушкбў,
Кўзи жоду, кипригу отқу, бало рафторсан.

Айдим, эй маҳ, сўзла зарра, бандани ҳоли табоҳ
Ғамза бирла, шукрилиллоҳ деди: «Оллоҳёрсан».

Унинг шу мазмундаги шеърларидан

Тешти кўксум, эзди бағрим доғи ҳижроним менинг,
Бу аламда мунча ғамда чиқмаган жоним менинг.

матлаъси билан бошланувчи шеъри ҳам ўрин олган.

Келтирилган мисолларга таяниб, Сўфий Оллоҳёр йирик ҳажмли асарларини яратганга қадар ҳамда улар яратилган даврда ва кейин ҳам кичик ҳажмдаги лирик шеърлар ёзиб турган, деб қараш мумкин. Бу табиий, албатта. Бу шеърларнинг кўпчилиги муҳаббат, дунёвий севги мавзуидадир. Айрим кишилар (афсуски, айрим тадқиқотчилар ҳам) мулоҳаза қилишларича, мумтоз шоирларимиз ёрнинг жамолини мақташга алоҳида (ҳаддан

кўп) ўрин беришиб, адабиётнинг ижтимоий вазифасини хотирдан соқит қилганлар. Бундай таҳлил асло ва мутлақо тўғри эмас. Чунки, мумтоз шоирларимиз кишиларни илғор фикрли, муносиб фарзанд қилиб етиштиришда адабиёт-нинг муҳим аҳамият касб этишини чуқур англаганлар. Улар хоҳ лирик, хоҳ эпик жанрда бўлсин тарбияга асосий эътиборни қаратишган. Жумладан, шеъриятимиз султони Алишер Навоий ўз туркий девонлари куллиёти «Хазойин ул-маоний»га ёзган сўзбошларида қуйидаги сатрларни битадилар: «Яна бир буким, гўйиё баъзи эл ашъор таҳсилидин ва девон такмилидин ғараз мажозий ҳусну жамол тавсифи ва мақсуд зоҳирий хатту ҳол таърифидин ўзга нима англамайдурурлар. Девон топилгайким, анда маърифатомуз бир ғазал топилмағай ва ғазал бўлғайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса, худ асру-беҳуда заҳмат зойиъ машаққат тортилгон бўлғай... Бу ғазаллар ғазолалар жилвагарлик соз, балки пардадарлик оғоз қилсалар, бу байтларнинг насиҳатсоз воъизлари ва маъвизапардоз носиҳлари мониъ бўлғайлар»[48]

Балки, бўлмас кўнглида ишқу муҳаббатдан асар,
Даҳр аро ҳар кимки, кўнгил берса молу жоҳға.

Ҳазрат Алишер Навоий адабиётда мажозий ишқнинг куйланишига катта эътибор бериб, уни комил инсонни тарбиялашдаги муҳим бир восита сифатида тилга олади. Зеро, улуғ аждодларимиз дунёвий ишқ инсон қалбини барча

[48] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Биринчи том, - Т.: Фан, 1997. - 21 – бет.

нопок доғлардан тозаловчи восита деб тушунганлар. Инсон очкўзлик, молпарастлик, каттахиллик, бедодлик ва ҳоказо иллатларни тарк этиши керак. Бу эса дунёвий ишқни қуйлаган шоирларнинг тафаккур шўъласи комилликка қаратилганидан далолат беради. Шу ўринда Саййид Сибғатуллоқ Эрвосий (вафоти 1860 йил)нинг қуйидаги ҳикматини келтириш ўринлидир.

«... Баъзан солик фақат мажозий ишқ йўли билан мақсад бора олади. Чунки мажозий ишқ ошиқ кўнглидаги дунё севгисини ёқиб йўқ этади. Ва бу севги яъни, молпарастлик, ҳою ҳавасга берилиш (таъкидлар бизники - Б. М.) бошқа унинг қалбига қайтолмайди».[49]

Сўфий Оллоҳёр фалсафий-дидактик шеърият тараққиётига ҳам катта ҳисса қўшган шоирдир. Унинг бундай мавзудаги шеърлари республикамизда янгича мафкура таркиб топаётган ҳозирги даврда маълум аҳамият касб этади. Шоир бир ғазалида ўзбек боласининг ширин тил, шоиста ахлоқ, камтарлик, саховатлилик, бирсўзлилик каби инсоний фазилатлар туфайли халқ ҳурматига эришганлигини улуғлайди:

Навмид ўлурму бандаеким раҳмат атосидин,
Ҳар дам нидои ояти «ло тақинтуво» чиқар.

Оллоҳқулининг ўғлидин айлар таажжуб эл,
Ким ўзбек ўғли саъйидин бу рангу бў (й) чиқар.

[49]Ҳаққулов И. Ғойиблар ҳайлидан ёнган чироклар. Мақолалар тўплами. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. -332-бет.

Ғазал мақтаъсида келтирилишича, ижтимоий ҳаёт талабларига мос инсон бўлиш учун аввало одамнинг ўзи тарбияли бўлиши керак. Тарбия шоир наздида инсонни ўзгартира оладиган куч. Шу маънода Абу Райҳон Берунийнинг қуйидаги сўзлари жуда ибратлидир: «... инсондаги хулқ-атвор ва ҳаёт тарзига келганда шуни айтиш керакки, инсон ўз иродасига эга бўлади. Бунда ўша шахс ўз нафсини (кўнглини) нима биландир тозаласа, уни нафсини руҳоний табобат билан даволай олса ва ахлоқ китобида айтиб ўтилган йўл-йўриқлар билан аста-секин ундаги дардлардан фориғ этса, бундай инсон мазаммат қилинадиган томонларини мақталадиган томонларга алмаштиришга ҳам қодирдир».[50]

Зеро, Сўфий Оллоҳёр ҳам панд-насиҳат руҳидаги ғазалларида тирикчиликнинг қадрига етишга, дунёда яхши кишилар қаторида фойдали, саховатли, иродали инсон бўлиб яшашга, ўтар дунёни ўйлаб ғам чекавер-масликка чақиради:

Жон, агар ҳам сиҳҳати тандур жаҳонда ғам ема,
Бул азиз меҳмон боринда ғуссаи олам ема.

Қавли бир эр олдида бошингни берсанг ярашур,
Зоти йўқ номард билан бир парчаи нон ҳам ема.

Бир қаричлик йўлга кирсанг кўйма бейўлдош қадам,
Бир мавиз олдингда ҳозир бўлса беҳамдам ема...

Тангдаст ўлдум деб, Оллоҳёр кўб фикр этмагил,
Юз надомад бирла оламдин кетарсан, ғам ема.

[50] Абу Райҳон Беруний. Тарвиҳалар, «Жавоҳирот китоби». -Т.: Мерос, 1991. -22-бет.

Шоирнинг айрим ғазаллари ижтимоий-ахлоқий мазмунга эга бўлиб, бундай шеърларида моддий дунё ҳою ҳаваларига ҳирс билан берилмаслик, ҳаётнинг мазмунини шоҳона қасру саройлар қуриб яшаш деб англамаслик, мансабга ружу қўйиб, дилозорлик қилмаслик, лаганбардорликдан узоқ туриш каби хислатлар ораста сатрларда ифодаланади.

Реал ҳаётий тасвирлар Сўфий Оллоҳёрнинг бошқа мавзудаги ғазалларида янада ёрқинроқ ифодасини топган. Бу ўринда «арзимас» радифли ғазалини назардан ўтказиш ўринлидир. Унда ҳаёт ҳақиқати фалсафий кечинмалар, маънавий-ахлоқий қарашлар орқали ўз ифодасини топган. Ғазалнинг ғоявий йўналиши дунёнинг фонийлиги, унга ҳавас қўймасликка қаратилган. Албатта, бу ғоя мумтоз адабиётнинг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Аҳамиятли жойи шундаки, шоир ана шу ғояни ҳаётий воқеалар асосида айтишга эришади.

Дунёда қасру сарой бунёд қилмак арзимас,
Охири вайрон эрур, обод қилмак арзимас.

Ҳаётда бино қуриш хайрли ишлардан биридир. Меъморий обидалар тарихимиздан қолган улуғ ёдгорликлардан ҳисобланади. Бу мисраларда айтилган фикрлар халқ учун қурилган меъморий-маданий иншоотлар, масжид ва мадрасалар, хонақо ва ҳаммомлар, турар жой бинолари, суғориш иншоотлари, кўприк ва оромгоҳлар кўзда тутилмайди. Балки, бунда Сўфий Оллоҳёр меҳнаткаш халқ ҳисобида ортиқча йиғилган бойлик, молу давлат эгасининг ким (йирик мулк эгаси) эканлигини рамзий намойиши

сифатида қурилган ҳашаматли бино-уйлар, «қасру саройлар»ни кўзда тутган, албатта. Чунки, эзилган ва тинкаси қуриган меҳнаткашнинг ғазаб ва нафрати кучайиши натижасида бу «қасру саройлар» албатта вайронага айланиши аниқ. Жамият тараққиётидан шу нарса маълумки, молу дунё инсонга вафолик қилмайди, ҳар қанча қасрлар қурилмасин, давлат йиғилмасин, у фоний дунёда қолади. Бундай фалсафий-ахлоқий кечинма адабиётимизда кенг тасвирланган. Чунончи, «Садди Искандарий» достонининг бош ғояси ҳам шундай ҳаётий ҳақиқатнинг бадиий ифодаси сифатида яратилган эди.

Оғритиб ҳар беваю бечорани шому саҳар,
Саъю кўшиш айлабон барбод қилмак арзимас.

Етимлар, ғариблар ва бева-бечораларга озор бермаслик, умуман, инсонпарварлик шоирлар ижодида алоҳида мавзу ҳисобланади. Жумладан, Аҳмад Яссавий ижодида «Етимлар бу жаҳонда хор экандурлар, ғариблар иши душвор экандур» каби сатрлар ҳам ана шу мавзуга қаратилган. Ёки қуйидаги парчага эътибор берайлик:

Ғарибларни кўрган ерда оғритмангиз,
Ғарибларга очиғланиб сўз қотмангиз.
Заиф кўруб ғарибларга тош отмангиз,
Бу дунёда ғарибликтек бало бўлмас. [51]

[51] Яссавий Аҳмад. Ҳикматлар. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. - 8-бет.

Бу байтлар билан Сўфий Оллоҳёр байтлари ўртасида мазмунан ҳамоҳанглик сезилади. Лекин ҳар икки шоир ижодида ҳам замонадаги ҳукмдор синф етимларни, беваларнинг ҳақ-ҳуқуқини топтаган, уларни қийнаган, деган маъно ўз ифодасини топган эмас. Балки, уларда шахснинг ахлоқий дунёси, маънавий камолати назарда тутилган. Ҳаётда яшаш ва тирикчилик учун муҳтожлик сезган кишиларга меҳрли, шафқатли бўлиш масаласи қуйилган. Ёки куйидаги байтда ҳам ана шундай ғоявий мақсад ифодаланган бўлиб, унда нафсу ҳавога берилиб, ғарибу бечорага озор етказиш қораланади:

Салтанат бирла ўлуб, нафсу ҳавони ушлабон,
Ҳар ғарибу хастага бедод қилмак арзимас.

Сўфий Оллоҳёр фоний дунёда мол-давлат учун одамлар бир-бирининг дилларини оғритишини ҳам ахлоқий нопоклик, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга мансаб ва амал учун талашиш, ҳар қандай адолатсизлик бўлганида ҳукмдорлар олдида қўл қовуштириб туриш ёки мансаб тегмаганлиги учун шовқин-сурон кўтаришни ахлоқсизлик, деб тушунади:

Дўстлар, бул бевафо дунёда молу мулк учун,
Бир-бирингни оғритиб, ношод қилмак арзимас.

Мансабу дунё учун аҳли ҳукумат олдида,
Қўл қовуштуруб турубон дод қилмак арзимас.

Шоирнинг фикрича, тўқсон икки уруғдан ташкил топган ўзбек миллатининг таркибига кирган хитой, қипчоқ каби элатлар бир ёқадан бош чиқариб халқ манфаати йўлида курашмоқлари лозим. Бироқ Сўфий Оллоҳёр яшаган давр ва муҳитда ҳукмдор доираларининг халққа ўтказаётган зулмлари, бедодликлари, маҳаллийчиликнинг авж олиши туфайли миллат пароканда бўлиб, уруғлар ўртасида турли келишмовчиликлар, урушлар рўй беради. Мазкур байтларда Сўфий Оллоҳёрнинг халқни бирлаштиришга бўлган интилишлари акс этмоқда, афсуски, бундай эзгу ниятлар бесамар кетди.

Маълумки, Сўфий Оллоҳёр умрининг бир неча йилини божхона хизматида ўтказган. Бу соҳада фаолият олиб борган бўлажак шоир божхона хизматчилари, шунингдек, мулла ва хожиларни оддий кишиларга нисбатан қилган адолатсизликларига, жабру ситамларига гувоҳ бўлган. Бироқ ушбу амалдорларни, диний арбобларни инсофга чақириш ҳеч қандай наф-натижа бермайди:

Бу хитой-қипчоқ сани сўзингга кирмасдур бугун,
Охир душман тутиб шаддод қилмак арзимас.

Олиғу солиғ билан муллою хожа-барчани,
Юз жафову жавр ила афсод қилмак арзимас.

Юқоридаги таҳлилимизда биз Сўфий Оллоҳёрнинг ўзбек миллати уруғларининг бирлашиб, халқ манфаатлари йўлида курашга чақирган эди. Қуйидаги мисраларда эса нафақат уруғларни, балки Туркистон ҳудудида яшаётган

туркий халқларни, тожик ва ўзбекларни, бошқа саҳройи халқларни бегона билиб, кеча ва кундуз мол-дунё учун урушлари, талашлари ва жабр дийдаларни хафа қилишлари арзимаслигини уқтирмоқда:

Турку тожик, ўзбеку саҳройиларни мол учун,
Кечаю кундуз уруб ношод қилмак арзимас.

Ғазалнинг мақтаъсида шоир ўзига мурожаат қилиб, ушбу бевафо дунёнинг фоний, ўткинчи эканлигини, унинг ишларига ўралашиб қолиб оқибат ва охиратни унутмасликни айтиб ўтмоқда. Ҳеч ким бу оламда абадий яшамайди, вақт соати етгач дорулбақога рихлат қилади. Шундай экан жон берувчи ҳар бир банда ўлим ҳақлигини тан олиши ва тақдирга тан бериши лозим:

Неча, Оллоҳёр, юрсанг ушбу фоний дунёда,
Жон берурсан охири, фарёд қилмак арзимас.

Мазкур ғазалнинг қимматли томони шундаки, унда муаллифнинг ижтимоий тузумга муносабати яққол сезилади. Сўфий Оллоҳёрнинг золим амалдор бўлганлиги ҳамда эзувчилар манфаатини кўзлаб, меҳнаткаш оммани алдовчи асарлар яратгани ҳақидаги даъволарни тамоман пучга чиқаради. Аксинча, у зулмга нишон бўлган бева-бечоралар, ғарибу хасталар, камбағал, илм аҳллари, умуман, оддий халқнинг ҳимоячиси эканлигидан далолат беради. Бундан ташқари, ғазалда дунё молига беписанд қараган, ҳар хил мансабларга иштиёқ кўрсатмаган, амалдорларга қуллиқ

қилишни ўзига ор билган илмпарвар, содиқ дўст, умумбашарий кайфиятлар соҳиби бўлган шоирнинг нуроний қиёфаси гавдаланади.

Бундай ғазаллар шоирнинг Бобораҳим Машраб ва Турдига ғоядош, ҳам-қадам бўлганлигини кўрсатади. Сўфий Оллоҳёр ўз шеърларини, албатта, чуқур ҳаётий тажрибалар асосида, ўзини ўраб турган ижтимоий-сиёсий ва кундалик ҳаёт воқеалари таъсирида яратган. Лекин ҳар бир ижодкор амал қилганидек, Сўфий Оллоҳёр ҳам бирор-бир фалсафий-назарий асосга таяниши табиий. Сўфий Оллоҳёр илк лирик ижодидан бошлабоқ нақшбандийлик тариқатини ўз ижоди учун фалсафий-назарий замин сифатида қабул қилган, деб қараймиз.

Аввало, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, шоирнинг айрим ғазалларида нақшбандийлик тариқатини қабул қилган шахснинг руҳий дунёси жуда чуқур ёритилади.

Дил ғамгин, хотир хазин, толеъ қаро, пешона шўр,
Қўл қуруғ, матлаб йироғ, душман қавий, жонона дур.

Бу шеърда жуда кўп иборалар соф сўфийёна маъноларда қўлланилган: қўл қуруғ-Тангрининг даргоҳига боришга ҳали тайёрлигим етарли эмас; матлаб йироғ - Тангрининг висолига етиш йўли жуда узоқ; қавий - нафс жуда зўр ёв; жонона дур - Оллоҳ висоли эса узоқда.

Сўфий Оллоҳёр сўфиёна ғазалларида тариқатнинг муносиб вакили бўла олиш машаққатлари ҳақида ҳам фикр юритади:

Роҳати банда қазосиға ризо бермакдур,
Ҳар киши кўнглини жам этса, паришон ўлмаз.

Ғами йўқдур киши оғритса бу Оллоҳқулининг,
Зарри холисни ушатган била арзон ўлмаз.

Ушбу ғазалнинг мақтаъсида Сўфий Оллоҳёрнинг маломатийлик ақидасига муносабати акс этган.

Юқоридагилардан англашиладики, Сўфий Оллоҳёр сўфийлик таълимотига чуқур ишонч билан муносабатда бўлган ва унинг ўзи ҳам тасаввуфнинг атоқли шайхларидан бири сифатида фалсафий, бадиий-эстетик фикр тараққиётига улкан ҳисса қўшган. У йирик шоир ва олим сифатида меҳнаткаш оммани пок ҳаёт кечиришга чақириб, катта обрў-эътибор топган. У бутун ақл ва тафаккури, борлиғи, вужуди билан «Бағри бирён, кўзлари гирён» кишиларга хизмат қилган.

Ўзбек шеъриятида ғазални ошиқона ғазаллар, орифона ғазаллар, риндона ғазаллар каби турларга ажратиб ўрганиш тамойиллари мавжуд. Ошиқона ғазалларга ошиқ ва маъшуқ, орифона ғазалларга ваҳдат ва вужуд (тангри ва инсон), риндона ғазалларга май ва дарвеш муносабатлари асос қилиб олинган. Шу жиҳатдан қараганда, Сўфий Оллоҳёр ғазалларининг асосий қисмини орифона ғазаллар ташкил этади. Сўфий Оллоҳёр зуллисонайн шоир бўлиб, унинг форс тилида битилган ғазалларида ҳам шу белги хусусиятни учратиш мумкин. Орифона ғазаллар битиш Сўфий Оллоҳёр ижодига хос, умумий, таъбир жойиз бўлса, услубий хусусиятдирки, бу унинг дунёқараши, ҳаётга ёндашиши,

илоҳий-маърифий тушунчаларни тасвирлашни ўз шеъриятининг бош йўналишига айлантиришдек улуғ нияти билан изоҳланади. Орифона ғазалларнинг моҳиятини тушуниш учун С. Рафиъиддиновнинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: «...тасаввуфда Аллоҳ маърифати ва зоту сифатларидан хабардор бўлган муршиди комил воситасида тариқатга қадам қўйган киши ориф дейилади. Баъзи тадқиқотларга кўра, ориф – Аллоҳ йўлида фано бўлган, лекин «баққоун биллоҳ» бўлмаган зотдир. Орифлик ўзликдан кечиб фоний бўлиш деган қараш ҳам бор. Зеро, чин ориф комил инсоннинг ўзидир, деб ҳам таъкидланган. Орифнинг ўзлигини кўрсатадиган сифатлардан бири унинг «фақр» мақоми шартларини тўла-тўкис адо этишидадир». Фақр-тариқат йўлига кирган орифнинг тўртинчи мақомидир. Фақирлик – бу моддий етишмовчилик ёки тиланчилик қилиш эмас, балки бу орифнинг Аллоҳу таборак олдида ўзини ожиз, ғариб ва фақир ҳис қилишидир».[52]

Оллоҳ йўлида ўзини фидо этиш, Оллоҳ олдида ўзини ожиз ва ғариб сезиш мавзуи Сўфий Оллоҳёр ғазалларининг асосини ташкил этади. Шоир бир ғазалининг матлаъсида ёзади:

Эй хуш ул умре, ки ўтса бир неча шайдо билан,
Танлари халқ ичра бўлса, диллари Оллоҳ билан.

Сўфий Оллоҳёрнинг ушбу байтдаги қарашлари нақшбандий тариқатидаги қўл ишдаю кўнгил Оллоҳда бўлиши ҳақидаги қарашларга мос тушади. Байтда шоир

[52] *Рафиъиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. -Т.: Фан, 1995. - 43-бет.*

ўзини халқ билан бирга сезган, унинг видосига шерик бўлган, лекин дили Оллоҳ ишқи билан ёнган кишининг умрини ҳақиқий умр деб ҳисоблаган.

Дилни Оллоҳга боғлаш инсоннинг унга бўлган ошиқлиги белгисидир. Мумтоз адабиётда, жумладан, Аҳмад Яссавий шеъриятида «Ҳақ таоло суйганларни гирён қилур», деб таърифланади. Демак, Оллоҳ риё қилмасдан кўз ёш тўккан ошиқларни суяди, чин гирёнлик – кўз ёш тўкиш Оллоҳга бўлган фидойиликнинг белгиларидан ҳисобланади:

Бағри бирён, кўзлари гирён ёронларни қўюб,
Ҳайф ўшал умре, ки ўтса бизнидек расво билан.

Келтирилган парчада Оллоҳнинг ишқида куйиб ёнмаган шахснинг изтиробли ҳаёти берилган. У ўз атрофида ҳақиқий ишқ бирёнлари ва гирёнларини кўриб, ўзининг умридан нафратланади, бундай умр унинг учун аянчлидир.

Сўфий Оллоҳёр «Сабот ул-ожизин»даги нафсга бағишланган маснавийсида нафсни илонга, аждаҳога тенглаштирган. Бундай қарашлар шоирнинг ғазалларида ҳам ўзининг чуқур ифодасини топади. Шоир ёзади:

Жон фидойи ул биродарким, бу дунё мулкидин,
Кўрмаса бир пул юзини, ўтса истиғно билан.

Аждаҳо бирлан тўқиш қилғон кишини эр деманг,
Эр ўшал эрдур, ки турса бандалик тамғо билан.

Бу байтларда бойликка ҳирс қўйиш қораланган бўлиб, Оллоҳ йўлида фидойи бўлган инсон ҳаёти фахрлик (ҳалоллик)да кечиши таъкидланган. Шоир пулга, молдавлатга ошно тутинган кишини аждаҳо билан тил топишган шахс деб ҳисоблайди ва уни одам санаш мумкин эмаслигини уқтиради. «Ҳақиқий эр - инсон ким?», деган муаммо ҳам шеърда ўз ечимини топади. Ҳақиқий эр, инсон бу бандалик тамғасига эга бўлган кишидир. Сўфий Оллоҳёр бандалик тушунчасини фақирлик, ўз ихтиёрини Оллоҳга топширган киши, қул маъносида қўллайди. Демак, «бандалик тамғо»ли киши – худонинг айтганларини бажарадиган фақир кишидир. Ғазалнинг мақтаъсида шоирнинг бундай қарашлари янада ёрқинроқ очилади:

Токай, Оллоҳёр, истарсан бу дунё лаззатин,
Қоч ўшал тандин, ки фикри бўлмаса тонгла билан.

Бу байтда ҳам кўтарилган мантиқий ҳукм – фахрлик ўз ифодасини топган. Ислом таълимотига кўра, бу дунё фоний бўлиб, инсон унинг лаззатларини исташи, унда боқий яшашни орзу этиши гуноҳдир. Кимнинг танида тонгла - эртанги кунни ўйламаслик фикри бор экан, бундай шахс ҳам гуноҳи азимга ботган кишидир. Эртанги кун – боқий дунёда яшаш, боқий дунёда фоний дунёдаги бажарган амалларига ҳисоб беришдир.

Орифлик – Оллоҳнинг олдида ўзини ожиз ва ғариб сезиш, ундан куч-мадад сўраш, фоний дунёдаги ҳар бир амали учун Оллоҳни ўзига йўлдош деб билиш. Бу тушунча Сўфий Оллоҳёр ғазалларида эҳтиросли кечинмалар

воситасида ўз ифодасини топган. Жумладан, «Айласанг» радифли ғазалида покланиш ишқи билан ёнган лирик қаҳрамоннинг кечинмалари умумлашади. Ғазалнинг матлаъси қуйидаги байт билан бошланади:

Ҳожатим улдир, Илоҳо, по ишим бош айласанг,
Мунда тавфиқ, анда имонимни йўлдош айласанг.

Сўфий Оллоҳёрнинг фикрича, инсоннинг энг ишончли суянчиғи Тангридир. Инсон ўз олдига қўйган мақсадларини Оллоҳ учун оёқ остидаги тупроқдек оддий билинган, бироқ инсон учун қадрли аҳамиятга эга бўлган ишларни бошдаги тож сингари мўътабар қилишни илтижо қилиб сўрамоқда. Иймоннинг бутун бўлиши икки дунё саодатининг калитидир. Гуноҳкор банда тавба-тазарру қилиб гуноҳлардан фориғ бўлса, покланса у соҳиби иймон бўлади. Бундай киши эса шоир назарида яратувчининг раҳматига эришади. Лекин бу хил даражаи аълога эришмоқ учун Оллоҳ томонидан бандага мурувват қилиниши даркор. Бу мурувват нимада намоён бўлишини шоир иккинчи байтида шундай келтириб ўтади:

Илкима бергил асойи ҳиммат, оғзима сано,
Кўнглима ишқ ўтини солсанг, кўзим ёш айласанг.

Ҳиммат ҳассасини қўлига олган ва оғзида ҳамду санони такрорлаб юрган, шунингдек, кўнглида Ҳақ ишқи ўти алангаланган, кўзида ёр ҳажри туфайли ёши аримайдиган кимса Сўфий Оллоҳёр наздида Тангри ёрлақаган кишидир. Шоир айнан шундай ҳолатга эришишни ўзига мақсад қилиб

олган ва шу ҳолатга етишишни Яратгувчидан илтижо қилиб тиламоқда. Бироқ, инсон Оллоҳга қилган исёнининг захмларидан фориғ бўлиши учун дастлаб покланиши лозим. Покланиш суви эса ўша инсоннинг кўз ёшидан иборат бўлиши зарур:

Бор умидим гарди исёнимни ювган оби авф,
Варна йўқтур жони бандангни қаро тош айласанг.

Сўфий Оллоҳёр учун ушбу илтижолари улуғ бир мақомдаги муножотдир. Агар Оллоҳ уларни қабул қилмаса инсоннинг жони бир қаро тош каби қадри йўқ жисмга айланиб қолиши мумкин. Шоир «қаро тош» ташбиҳидан жуда устамонлик билан фойдаланган. Тошнинг қоралиги кўнгилнинг зулмат ичида қолганлигини билдирса, тошнинг қаттиқлиги дилнинг, дийданинг тош каби қотганлигини англатади. Сўфий Оллоҳёрнинг лирик қаҳрамони худди шу қаро тош каби иқболи қора. Шу сабабли у гуноҳлардан сиёҳ бўлган чеҳрасини поклаб, айбларини кечириб, элдан яширишлигини қуйидаги байтда юксак маҳорат билан тасвирлайди:

Чеҳраи журмимни ёпғил пардаи иффат билан,
Анда мушкулдур, гуноҳим халқ аро фош айласанг.

Бир ҳикматда келтирилишича, банда агар айб қилса ва бу гуноҳи гуноҳи кабир бўлмаса, Оллоҳнинг раҳматига эришмоғи енгилдир. Бироқ, инсоннинг ўзи ўзининг гуноҳларини элга ошкор қилса, Тангри томонидан

қилинажак раҳматни йўққа чиқариши мумкин. Шунинг учун Сўфий Оллоҳёр Яратгувчидан гуноҳларининг фош бўлишига йўл қўймасликни, айбларини кечиришини, яширишини сўрамоқда. Агар шоирнинг бу илтижолари мустажоб бўлмаса, унда унинг ҳоли мушкул бўлади, у ҳам гуноҳкор бандалар қатори Оллоҳнинг раҳматидан мосуво бўлиши мумкин.

Яссавийнинг таъбири билан айтганда, пирсиз шогирдга шайтон устоз бўлади. Сўфий Оллоҳёр ўзини ноқобил, Ҳақ йўлидан тойган, субутсиз, адашган бир кимса билиб, ўзини пири комилга муҳтож сезмоқда, Тангридан етук муршидга эришишни ғазалнинг мақтаъсида шу тариқа илтижо қилмоқда:

Гарчи Оллоҳёрдур ноқобилу номустақийм,
Лутф этиб, бир муршиди комила йўлдош айласанг.

Орифона ғазалларда шоир инсон фақат худони таниши, унга ўз ишқи ва муҳаббатини изҳор этиши билан чекланиб қолмай, ўзи яшаган муҳитдан норозилиги, одамлардаги диёнат, иймон йўқолганлигини ҳам ифода этади. Сўфий Оллоҳёрнинг биринчи ғазалида орифона тасвирлар лирик қаҳрамоннинг ҳаётини кузатиши орқали очилган эди. Иккинчи ғазалда эса, инсоннинг Оллоҳга етишиши, атроф-муҳитдаги нопоклардан қочиши, поклик сари интилиши шоирнинг ўз кечинмалари орқали берилган. Орифона фикрлашнинг бундай кенгликлари барча мумтоз шоирларга хос хусусиятдир. Алишер Навоий ғазалларида ҳам бу хусусият кўзга ташланади. Таниқли адабиётшунос

А.Ҳайитметов танқидчи И.Ҳаққулов билан қилган суҳбатларидан бирида шундай фикрни баён қилган эди: «Ориф», «орифона» сўзлари худони билиш, таниш, унга берилиш маъноларини англатади. Шоир шеъриятидаги аксар орифона ғазаллари ҳаёт, инсон тақдири билан боғлиқ масалаларга бағишланган. Масалан, Навоий ўз давридаги кескин ижтимоий бўлиниш ва зиддиятлар ҳақида орифона характердаги бир ғазал ёзади».[53] Бу суҳбатда Алишер Навоийнинг «Шоҳнинг мунглуғ мушаввашлари била не нисбати» сатрлари билан бошланувчи ғазали фикр исботи учун таҳлил этилганки, бу мулоҳазаларни Сўфий Оллоҳёр шеъриятига ҳам тадбиқ этиш мумкин.

Ўзи яшаган муҳитнинг, ҳаётнинг манзараларини бериш, шу орқали ҳаётдаги ҳақиқат ўрнига ёлғончилик, диёнат ўрнига иймонсизлик эгаллаган ҳаётни кескин танқид қилиш Сўфий Оллоҳёрнинг «Қани?» радифли ғазалида янада теран тасвир этилади:

Ер юзида бир менингдек бандаи мискин қани?
Иззату ҳурматни қўйғон ва фақир ойин қани?

Ўтти умрум ғуссаи якка танҳолиғ билан,
Рози дил айтушқали бир неча соҳиб дил қани?

Эй Оллоҳёр, умид уздум жаҳон халқидин,
Барча элни тутти ялғон, ер юзинда чин қани?

[53] Ҳаққул И. Ғазал гулшани. Адабий суҳбатлар. -Т.: Фан, 1991. -7-бет.

Бу сатрларда ҳам фанолик ва бақолик тушунчалари ўзининг мантиқий асосини топган. Лирик қаҳрамон ўзини Оллоҳга итоаткор, унинг ишқида фидойи қул, деб ҳисоблайди. Фақирлик унинг асосий хусусияти ҳисобланади. Ҳаётда тўғрилик, софлик ўрнини риёкорлик ва нопоклик эгаллаганки, шунинг учун ҳам бу дунёдан боқийлик сари йўл олишни асосий мақсадига айлантиради.

Орифона фикрлаш Сўфий Оллоҳёрнинг тожик тилида битилган ғазалларига ҳам хос хусусиятдир. Унинг ўзбекча ғазалларида нақшбандийлик таълимотига содиқлик ва издошлик руҳи борлигини юқорида таъкидлаб ўтган эдик. Шоир тожик тилида битилган ғазалларида ҳам нақшбандия тариқатига содиқликни сақлаб қолади. Чунки, бу таълимот унинг дунёқараши ва эътиқодининг белгиси эди. Шоир ёзади:

Умрҳо бигизашт, Оллоҳёр, минбаъд аз каман,
Нақши пойи содиқон шав дар тариқи нақшбанд.

Мазмуни: Умрлар ўтди, эй Оллоҳёр, бундан кейин ҳам нақшбандия тариқатидаги содиқларнинг нақши пойи бўл.

Қўлни меҳнатга, дилни Оллоҳга боғлаш тариқати ҳам Сўфий Оллоҳёр ғазалларида етакчи мавзудир.

Шоир ўзи яшаётган ҳаётда, муҳитда Оллоҳ ишқида фидойи бўлмаган кишиларни, художўйликдан йироқ шахсларни кўриб қийналади:

Манзилам дур аст, дар роҳ уқбаҳо афтода аст,
Бори занжири тааллуққо баҳо афтода аст.

Мазмуни: Манзилим узоқ, охиратга олиб борувчи йўлим уқубатлардан заифлашган, унга алоқадор занжирларнинг кўпи узилиб кетмоқда.

Бу байтда ҳаётдаги кишилар ўз охиратини ўйламаслиги, натижада боқий дунёда жавоб бериш масъулияти йўқолганлиги ўзининг поэтик ифодасини топган. Шоир уни образли тарзда таърифлашга эришади. Сўфий Оллоҳёр охиратга борадиган йўлда инсонни оздирган қора кучни шайтоний нафс деб билади:

Менадонад кас аз ин манзил саломат жон барад,
Дар раҳи мо нафси шайтони ҳаво афтода аст.

Мазмуни: Инсон билмайдики, бу манзилда қачон жонга саломатлик бўлади, бизнинг йўлимизга инсонни тўғри йўлдан оздирувчи шайтоний нафси ҳаво тушгандир.

Ориф киши учун ҳаётда тўғри йўл Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари ва унинг Оллоҳга бўлган муҳаббат йўлидир. Шу сабабли Сўфий Оллоҳёр лирик қаҳрамони ҳам шу йўлни танлайди. Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётидаги илоҳий ҳол билан ўз тақдирини боғлайди, атрофидаги қадрдонларидан ажралиб, пайғамбар суннатларини ўз зиммасига олади:

Алвидо, эй дўстону ҳамнишинон, алвидо,
Бар сарам савдои хоки Мустафо афтода аст.

Мазмуни: Алвидо, эй дўсту қадрдонлар, алвидо, бошимга Мустафо хокининг савдоси тушди.

Муножот шеърий шаклларнинг барчасида воқе бўладиган адабий усулдир. Буни биз Сўфий Оллоҳёр яратган ғазаллар таркибида ҳам учратамиз. Агар шоир ўз тўртликларида «Э, Холиқо» мурожаати билан Оллоҳга илтижо қилиб, ҳаётдаги гуноҳлари учун унга тавба-тазарру қилса, бир ғазалида «Ё Расулоллоҳ» муножоти билан Муҳаммад алайҳиссаломга илтижо этади. Ғазалда ифода этилган тасвир ва шоир назарда тутган қарашлар юқоридаги тожикча ғазалда ифода этилган фикрларга вобастадир, яъни Сўфий Оллоҳёр ўзини Муҳаммад пайғамбар таълимотини вужуди билан бирга ҳис этади:

Ё Расулоллоҳ, гуноҳи кўб бу осий банданинг,
Қил карам бирла шафоат баҳрини менга равон.

Ё Расулоллоҳ, мани бечорага қилғил назар,
Кечаю кундуз мани кўнглимдадурсан бегумон.

Ё Расулоллоҳ, карам бирла манга лутф айлагил,
Барчани умидисан сан бу жаҳону ул жаҳон.

Ё Расулоллоҳ, мани бирдам қарорим қолмади,
Дардима қилғил даъво сансан шофеъи меҳрибон.

Расулоллоҳ, иноят қил висолингга мани,
Жонимни қурбон қилайин ҳамчу олмағил равон.

Сўфий Оллоҳёр ғазалиётидаги Расулоллоҳ ибораси ва унга бўлган илтижолар мумтоз шеъриятдаги адабий анъанадир. Биз бундай тасвирни Аҳмад Яссавий ижодидаги «Муҳаммад» радифли ғазалларда ҳам учратамиз. Ёки Аҳмад Яссавий чоҳарёрларга бағишлаб махсус ғазаллар ёзган бўлса, Сўфий Оллоҳёрнинг юқоридаги ғазалида уларнинг шаънига ҳам махсус байтлар битилган. Демак, пайғамбар ва унинг чоҳарёрлари мавзуси ҳам Сўфий Оллоҳёр ғазалларида инсоннинг покланиши, Оллоҳга бўлган муҳаббатни ифодалашнинг бир воситаси сифатида хизмат қилган.

Ҳаётий ишқ ва муҳаббат мавзуи мумтоз адабиётда қоришиқ ҳолда келиши, мумтоз шоирлар реал ҳаётни тасвирлашда ҳам маҳорат кўрсатганлигига мумтоз шеъриятимизда кўплаб далиллар мавжуд. Илоҳий ишқ ва ҳаётий ишқнинг шеъриятда қоришиқ ҳолда тасвирланиши қайд этганимиздек, кўпчилик ҳолларда бу мавзуни бир ёқлама таҳлил этиш ва ўрганишга ҳам сабаб бўлган эди. Ўтган асрнинг 90-йилларига қадар мумтоз шеъриятимиздаги илоҳий ишқ тасвири ҳаётий муҳаббат сифатида талқин этилганлиги бунинг далилидир. Кейинги йилларда А.Ҳайитметов, Н.Комилов, С.Олим, С.Рафиъиддинов ва бошқаларнинг тадқиқотларида бу мавзу ўзининг аниқлигини топмоқда. Жумладан, С.Олимнинг Алишер Навоийнинг «Ўн саккиз минг олам...», «Шўх икки ғизол», «Кўнглунг истар ёрлар...» ғазалларига битган шарҳлари[54] ҳаётий ва илоҳий ишқнинг қоришиқ ҳолда келиши ва уни тўғри англай билиш масаласига қаратилган. Шу жиҳатдан қараганда, Сўфий Оллоҳёр ғазалларида илоҳий ишқ тасвири ёнида ҳаётий

[54] Олим С. Луқмайи ҳалол. –Т.: Маънавият, 1997. -93 -109-бетлар.

муҳаббат мавзуи ҳам ёрқин ифодасини топганлигини кўрамиз. Шоир дунёвий ишқ мавзуида ўйноқи, шўх ғазаллар битар экан, ошиқ ва маъшуқанинг кайфиятига қараб, гоҳ хушнуд, гоҳ ғамгин мисраларни яратади. Қуйидаги байтларга назар ташлар эканмиз, Сўфий Оллоҳёр ёр образини яратишда, унинг портретини чизишда реалистик шоир сифатида намоён бўлади:

Сан бу нозуклик била ёр ҳур, ё айёрсан,
Ё пари, ё лолаву, ё гулшани бехорсан.

Кипригинг жоду, кўзунг оҳу, тишинг дурдоналар,
Соҳири сеҳри замон, ё кофири зуннорсан.

Талъатинг байзо, қамар ё жаннатул-маво юзунг,
Нисбатинг номеҳрибон, ё дўст, ё ағёрсан.

Соч узун, кутаҳ қадам, эй гул, хиромон юрма кўб,
Ёки қасдинг мендадурму, ё таманноворсан.

Кўзларингму наргису шаҳлодур, эй писта даҳан,
Нозу дардингдур фузун, бас, сан нечук беорсан.

Боғу бўстонлар аро ҳеч кўрмадим сандек пари,
Эй жафожу, демадинг кимсан, нечук афгорсан.

Ўртаб Оллоҳёрни ҳар дамда ҳижрон ўтига,
Раҳм этибон сўрмасанг ҳолим, нечук дилдорсан.

Келтирилган ғазал ошиқнинг ҳаётий муҳаббатга етишиш йўлидаги ишқий кечинмалари маҳсулидир. Унда аниқ лирик қаҳрамон – ошиқнинг ўз қалбига муҳаббат учқунини солган маъшуқанинг гўзал қиёфасини лафф ва нашр санъати воситасида таърифлашини кузатамиз. Бу гўзал шунчалик назокатлики, мисоли лола. Киприклари ошиқни ўзига ром этади, шу боис у сеҳргарга ўхшайди. Кўзи оҳуники каби дилни ром этса, тиши дур каби товланади. Сочи узун, қадамлари майда. Бу гўзалнинг ошиқ қалбини тирнаш қасди бормикин, боғда унинг кўз олдидан хиромон ўтади. Кўзлари эса шаҳло, оғзи шунчалик торки, гўё оғзи энди очилаётган пистага ва ғунчага ўхшайди.

Ғазалда келтирилган бундай ўхшатиш ва истиоралар, фикримизча, реалистик замин асосида қурилган. Ғазалда шу билан бирга илоҳиий тасвир ва ўхшатишлар ҳам ўрин олган. Аввало, шоир ҳаётий маъшуқасини жаннат гўзаллари бўлган ҳур ва париларга қиёс этади. Маълумки, кофир тушунчаси исломда динсиз кишиларга нисбатан қўлланилади. Зуннор эса мусулмон бўлмаган кишилар белига боғлаган, маълум бир рангдаги чилвирдир. Шоир маъшуқани кофири зуннорга қиёс этиш билан унинг ўзи яшаган оламда, ҳаётда ўхшаши йўқлигини таъкидлайди, шу билан бирга у ўз кўриниши билан эътиборни тортишига ишора этади. Чунки зуннор таққан кофирлар мусулмонлар ўртасида тезда кўзга ташланиши мумкин эди. Сўфий Оллоҳёр маъшуқанинг юзини ҳам ҳаётий ва илоҳий ташбиҳлар билан ифодалайди. Биринчи тасвирда унинг юзи қуёш ва ойга ўхшатилади, иккинчи тасвирда «Жаннатул маъво» – жаннат нури, ёруғлигига тушган нурга қиёсланади. Юқоридаги тасвирлар

Сўфий Оллоҳёр ҳаётий муҳаббат куйчиси ҳам бўлганлиги, лекин шу билан бирга илоҳий ишқ тасвирларидан ҳам унумли фойдаланганлигини кўрсатади. Муҳими шундаки, юқоридаги ғазалда илоҳий ишқ тасвирлари ҳаётий маъшуқанинг портретини чизишга, унинг ўзига хос хусусиятларини очишга хизмат қилган. Лирик қаҳрамон ҳам ишқнинг табиий ғам-ғуссасини чеккан, ҳаётий гўзалнинг нозу истиғноларидан зорланган ошиқдир. Маъшуқанинг ошиқ севгисига назар солмагани, уни ҳижрон оловида ёндиргани ғазалнинг интим руҳини белгилайди. Сўфий Оллоҳёр бошқа бир ғазалида ҳам ошиқнинг руҳий кайфиятларини ҳаётий ишқ замини билан очади:

Юрокимни тиғи ҳажринг қила берди пора-пора,
Кима айтайин бу дардим, на илож этай, на чора.
Аламингда кетти жоним, дам олурга йўқ мажолим,
Рангу мағзу устухоним на илож этар бу кора.

Ҳаёт сабоқларини фалсафий-ахлоқий қарашлар орқали ифодалаш Сўфий Оллоҳёрнинг қуйидаги байтларига ҳам хосдир:

Ҳар кимни бўлса нияти эҳсонда нон киби,
Гар солсалар танур ичинда сурхру чиқар.

Бир сўзда турмаган киши телфак нағу кияр,
Бир ерга етмаган сўза оғизидин лағу чиқар.

Бу байтларда шоир ўз сўзига амал қилмаган, ваъдасида турмаган, иймонсиз кишиларни қоралайди, уларни инсоний хислатлардан йироқ деб ҳисоблайди.

Сўфий Оллоҳёрнинг ғазаллари орасида марсия шаклдаги шеърлари ҳам учрайди. Масалан, қуйидаги ғазалда ёш вафот этган навжувон хусусида гап бориб, унинг ўн ёшида Қуръонни ҳифз этган нодир қобилият эгаси бўлганлиги афсус билан тилга олинади:

Чиқди Саййид Дониёл авлодидин бир хурдасол,
Булбули шўридаи дил, тўтийи ширин мақол.

Ҳар киши кўрса ани дер эрди жону дил билан
«Тегмасун бул норасида юзиға қаттиқ шамол...

«Кўб юрокни пора қилди ханжари фурқат билан,
Ўн ёшида ҳифзи Қуръон айлаган Саййид Камол.

Сабрдин ўзга на чора тобғуси севган қули,
Бу битик бўлса таки шойиста қилсун Ҳақ таол.

Демак, юқоридагилардан шу нарса аён бўладики, Сўфий Оллоҳёр ғазал жанри имкониятларидан кенг фойдаланган ва адабиётдаги рангбаранг мавзуларни ифодалашга эришган. Шоир ҳар бир лирик жанр имкониятларидан ўз истак-майлига кўра устамонлик билан фойдаланган. Ғазал жанридаги асарларда шоирнинг ички ҳис туйғулари, лирик кечинмалари тасаввуфий ғоялар қоришиғида акс этса, мухаммасларида диний-дунёвий, маънавий-маърифий

қарашлари нисбатан кенгроқ, тафсилотли баёнларда намоён бўлган. Шоир кенг фойдаланган тўртлик ва мураббаъ жанрларидаги шеърлари эса халқ оҳангида, ўйноқи, содда ва равон тилда ижод қилинган. Халқ қўшиқлари шаклидаги бундай тўртлик шеърлар яратган имкониятлар айниқса шоирнинг иқтидорини яққол намоён этган. Сўфий Оллоҳёр Аҳмад Яссавий каби тўртлик – мураббаъларида ўз фикрларини шу даражада енгил ва лўнда ифодалай олганки, уларни ўқиган ҳаттоки саводи йўқ, мадраса кўрмаган оддий одамлар ҳам худдики халқ қўшиғини тинглаб ором олгандек, тасаввуфий-фалсафий ғоялар уммонига ғарқ бўлади, маърифатланади. Бу ўзига хос ижод ҳозирги кунда ҳам етишиб келаётган баркамол авлод тарбияси учун ҳам маънавий қўлланма, ҳам эътиқод йўриқномаси вазифасини ўтаб келмоқда.

2. 3. Бошқа кичик лирик жанрлар

Мураббаъ ўзбек мумтоз адабиётдаги етакчи шеърий шакллардан биридир. Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний ҳикматлари ҳам ана шу шеърий усулда яратилган. Маълумки, мураббаъ ҳар банди тўрт мисрадан иборат шеърий шакл бўлиб, у ўзбек шеъриятида қадимий анъаналарга эга. Мураббаъ халқ оғзаки ижодида ҳам асосий шеърий шакл ҳисобланади. Халқона бу шеърий усулдан фойдаланиш фикрни ифодалашда ўзига хос қулайлик туғдиради. Профессор Р.Орзибеков мураббаънинг қадимийлик ва ўзига хос хусусиятини шундай таърифлайди: «Ўзбек шеъриятидаги мураббаъ шеър тарихи мелодий

эранинг дастлабки асрларига бориб тақалади, меҳнаткаш ҳалқ меҳнат жараёнини енгиллатиш ниятида дастлабки шеърларни тўқий бошлаган даврлардаёқ бир қанча мисраларни бир хил қофиядош сўзлар билан яратиш натижасида тўрт мисралик бандлар юзага келган».[55] Бу масалани адабиётшунос Н. Маллаев бошқача шарҳлайди: «Девону ҳикмат» даги бир неча ғазални мустасно қилганда, девон мураббаъ шаклидаги шеърлардан ташкил топган. Бандлари тўрт мисрадан ташкил топган шеър тури ўзбек халқ оғзаки ижодида (айниқса, қўшиқларда) ва ёзма адабиётда кенг тарқалган. Яссавий ва унинг издошлари, ўз мумтоз ва тасаввуфий маслакларини хат-саводи бўлмаган халқ оммаси ўртасида кенгроқ тарқатиш мақсадида, атайин тўртлик – қўшиқ формасидан фойдаланганлар».[56] Демак, мураббаъ жанри поэтик фикрни халқона ифодалашнинг энг қулай шаклидир.

Мураббаъ шеър туридан фойдаланган Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний ёки Сўфий Оллоҳёр фақат ўз мумтоз ва тасаввуфий маслакларини ифодалашни мақсад қилиб олган дейиш, бизнингча, ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки, мураббаъ шакли ўзбек мумтоз шеъриятининг ҳамма даврларида қўлланилганидек, ҳозир ҳам бу шаклдан фойдаланиш ўзбек поэзиясида етакчи мавқени эгаллайди.

Сўфий Оллоҳёр шеъриятида ҳозирча икки мураббаъ мавжудлигини аниқладик. Унинг ҳар иккаласи ҳам «кетти» радифи билан яратилган бўлиб, шоир уларнинг бирига «Бу назмни хитоб ўз нафсларига қилғонлари» шаклда қўллайди.

---

[55] Орзибеков Р. Ўзбек лирик шеърияти жанрлари – Т.: Фан, 2006, 89-бет.
[56] Маллаев Н. Ўзбек адабиёт тарихи. I китоб. –Т.: Ўқитувчи,1976 йил, 158-бет.

Мураббаълар жами 15 банддан иборат бўлиб, 60 мисрани ташкил этади. Уларнинг ҳар иккисида ҳам шоирнинг тасаввуфий қарашлари ўз ифодасини топган. Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний ҳикматларида шоирлар ўз номларини мураббаънинг дастлабки сатрларида келтириб, ўзларига мурожаат этишиб, қарашларини ифодалашга эришган. Сўфий Оллоҳёр ҳам бу анъанадан фойдаланган:

Оллоҳёро, эл кўби шошиб кетти,
Дарёлар ўтиб, уқболар ошиб кетти.
Сан мунда нечук тоқат этуб турғайсан,
Ҳамрозларинг санга қарашиб кетти.

Оллоҳёро, ўзинг билур кас кетти,
Ҳар ердаги мардуми сухан рас кетти,
Шаҳбозлар илгари талаб қилғанда,
Фарёдки, толеинг қуши пас кетти.

Оллоҳёро, вазъи нишонлар кетти,
Рухсораси ринду бағри қонлар кетти.
Сан мунда нечук тоқат этуб турғайсан,
Сирдош ёронларингки онлар кетти.

Сўфий Оллоҳёр мураббаъси ана шундай мумтоз-фалсафий қарашлар билан давом этади. Мураббаъдаги фикрларни илғаш, тушуниш ислом таълимоти билан мукаммал танишмоқни тақозо этади. Шеърнинг бутун ғоявий руҳи «кетти» радифига юклатилган бўлиб, «кетмоқ» шоирнинг бутун руҳий кечинмаларини, мақсад-идеаллари

нимага қаратилганлигини очишга хизмат қилади. Дунёнинг абадий эмаслиги, инсон умри фонийлиги масаласи Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал - Ғаззолийнинг «Охиратнома» («Эй фарзанд»...) рисоласида чуқур ифодасини топган. Имом Ғаззолий уқтиришича, сўфийликнинг туб моҳияти, аввало, жондан кечмоқлик, жон фидоликдир. Жондан кечишга қудрати етмаган киши сўфийлик билан машғул бўлиши шарт ҳам эмас. Имом Ғаззолий бандалик ҳақида фикр юритар экан, у уч асосдан иборат эканлигини ёзади: «Биринчиси – шариат ишларини давом эттириб, ҳимоя қилмоқ; иккинчиси – Оллоҳнинг тақдири азал ва қазои қадарига итоат этмоқ; учинчиси – Оллоҳнинг розилигини тилаб, нафс рози бўладиган нарсаларни тарк қилмоқ».[57] Демак, Сўфий Оллоҳёр мураббаъсидаги «кетиш» Имом Ғаззолий бандаликнинг маъниси ҳақидаги фикрларининг иккинчи ва учинчи асослари билан боғланади. Биз келтирган мураббаъ парчасининг учинчи бандида шоир «вазъ» сўзига ҳам алоҳида урғу беради. Ислом таълимотига кўра вазъ айтиш воизнинг бандани охиратини эслаб, Оллоҳ ҳузурида ўзининг ожиз эканлигини ҳис эттиришдир. Имом Ғаззолий вазъ тушунчасига изоҳ берар экан, ўз ўғлига шундай уқтиради: «... вазъ ўқишдан асосий мақсадинг халқни фоний дунёдан охиратга чорлаш, гуноҳдан ибодатга, очкўзликдан парҳезкорликка, бахилликдан саховатга, охират гумонидан комил ишончу эътиқодга, ғафлатдан хушёрликка, кибрдан тақвога даъват этмоқ бўлсин. Ва мардум қалбига охират

[57] Имом Ғаззолий. Охиратнома. («Эй фарзанд... » рисоласи). – Т.: Ёзувчи (таржимонлар Али Ботир, Исроил Субҳон), 1994. -18-бет.

ишқини жобажо эт, бу ўткинчи дунёга кўнгил бермаслик ва ибодат йўлларини ўргат!»[58]

Сўфий Оллоҳёр мураббаънинг иккинчисини ўз нафсига хитоб тарзида битади ва бунда «кетти» сўзига ўзининг ғоявий ниятини ифодалаш услубини сақлайди. Шоир нафсга хитобида бандаликнинг учинчи асоси бўлган – Оллоҳнинг розилигини тилаб, бу фоний дунё неъматларидан умидни узиш, нафс эҳтиёж сезадиган нарсаларни тарк этиш ва сўфийликнинг талабларини бажо келтиришда ўз ифодасини топгандир.

Афсуски, қафила - қафила қароси кетти,
Савти жараси можароси кетти.
Биз ғаминдалар ким била суҳбат қилалук,
Нон ютгувчи яхшилар сараси кетти.

Афсуски, боғи дарахтдан гул кетти,
Минг нолаи афғон ила булбул кетти.
Қай кўз билан дунёни тамоша қилалук,
Эл зубдаси асҳоблар тугал кетти.

Сўфий Оллоҳёр бошқа жанрлардаги асарлари сингари бу мураббаъларда ҳам дунёнинг фонийлиги, унга ҳавас қўйиш ортиқчалигини яна бир бор эслатади. Шоирнинг таъкидича, ҳаётда кўп яхши инсонлар бор эди, уларнинг суҳбати ширин эди. Афсуски, улар Оллоҳнинг розилигини олиб кетдилар. Шу жумладан, бу дунёда боғдаги чиройли гул ҳам, минг нола

[58] Ўша китоб, 18-бет.

- афгон қилган булбул ҳам омонатдир. Улар ҳам бир кун Оллоҳ розилиги билан кетгусидир.

Мухаммас шеърий шакли ҳам Сўфий Оллоҳёр шеъриятида муҳим ўринни ташкил этади. Ҳозирча унинг 6 та мухаммаси маълум бўлиб, улардан 4 таси ўзбекча, 2 таси тожик тилида битилгандир. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, Сўфий Оллоҳёр ғазалларига мухаммас битган шоирлар бўлишган. Аламкаш унинг 18 ғазалига мухаммас битгани маълум. Лекин Сўфий Оллоҳёрнинг бизгача маълум бўлган мухаммаслари тахмис хусусиятига эга бўлмай, уларнинг ҳаммасини шоир ўзи яратгандир. Бу мухаммасларни мазмун-мундарижасига қараб, уч гуруҳга: а) автобиографик характердаги мухаммаслар; б) мумтоз ғоялар тасвирланган мухаммаслар; в) реал ҳаёт манзаралар акс этган мухаммасларга ажратиб ўрганиш мумкин.

Сўфий Оллоҳёрнинг автобиографик хусусиятли мухаммаслари бевосита ҳаёт ҳақиқатига асосланганлиги билан аҳамиятлидир. Шоир ўз ҳаёт йўли, турмуш уринишларини шундай ифода этади:

Ўтти умрим бир неча кун ринду шайдолиғ билан,
Пораси ҳам бўлди барҳам олиғу солиғ билан,
Қуввати ашрафни сарф эттим аъзолиғ билан,
Ҳайф ўшал овқотиким, зоеъ кечти расволиғ билан,
Охират асбоби муътал қолди дунёлиғ билан.

Кош тавфиқим ҳакими қилса дардим чораси,
Битса доруйи муҳаббат бирла кўксум ёраси,
Тавба собуни билан кетса юзумни қораси,
Қайдадур халқ ўғлида мандек жаҳон ووораси,
На сипоҳийлиғ билан бўлдум, на муллолиғ билан.

Келтирилган бу бандларда умрини шод-хуррамликда ўтказган қаҳрамон ўз ҳаётининг мазмунсизлигини англаб етиб ва сўнгра яшаш тарзидан пушаймон бўлади. Бундай тасвир бевосита шоир Сўфий Оллоҳёр ҳаётининг йигитлик даврлари, ҳукумат хизматида бўлган йилларига тўғри келади. Бу йилларда сипоҳийлик – ҳукумат хизматида, хон маҳкамасида ишлашдан, муллолик, илмсеварлик, сўфийлик, тоат-ибодат соҳиби бўлиш каби ҳаёт чизиғи ўтган. Шоир ҳаётда мулло – илмли киши сифатида танилганлиги боис уни Бухоро хони божгирлик вазифасига ўтказди. Бу вазифа унинг сипоҳийлиги эди. Шоир сипоҳийлик даврида мансабдорлар имтиёзларидан фойдалангани, олиғ-солиғ ишларида қатнашгани ҳаётий ҳақиқат. Сўфий Оллоҳёр ҳаётининг бу даврлари беҳуда ўтганлигини англаш ва ҳис этиш эса унинг тақдирида янги бир саҳифа очилганлигини кўрсатади. Қайд этилганидек, бу Сўфий Оллоҳёрнинг муршид Ҳабибуллоҳ ҳузурига бориши эди. Шоир ўз ҳаётининг дастлабки давридан қониқмас экан, ўтган вақтларига ачинади, ҳаётда қилган кўп гуноҳ ишларидан афсусланади. Албатта, инсон ўз гуноҳини англаб етиши, элга қилган жабр-зулмини тушуниб, элнинг юзига қай йўсинда қарашидан ўзи уялиши ҳам унинг комиллик даражасига етиб бораётганлиги белгисидир. Лекин бу айблар юздаги доғ ёки кир бўлса-ку, уни сув билан поклаш мумкин. Афсуски, бу юзи қоралиғ дилдаги доғ, кечирилмас гуноҳдирки, уни ювишнинг иложи топилмайди. Мухаммасда шоир ўз ҳаёт йўли орқали ўзгаларни тўғриликка, софликка, умрини ҳалқнинг турмушига фойда келтирадиган ишларга сарфлашга чақиради.

Биз юқорида ғазаллар таҳлили мисолида Сўфий Оллоҳёр оғайнилари Фарҳод Оталиқ ва Оллоназарбийлардан гапи қочиб, ўз юртидан аразлаб кетгани ҳамда Ҳисор воҳасига бориб қолганлигини эслатган эдик. Шоирнинг «айлади» радифли мухаммасидан олинган қуйидаги бандда ҳам ана шундай ҳаёт ҳақиқати ифодасини топганлигини кўрамиз:

Айладим ҳарчанд насиҳат, ул гуруҳа бешумор,
Кирмадилар ҳеч ислоҳа у қавми бадшиор,
Ул гуруҳи, муфт авбошдин эттим қарор,
Бу сабабдин озими жониби мулки Ҳисор,
Бошима мискин, омий жой душвор айлади.

Парчадаги тасвирлардан аён бўлишича, шоирнинг қавмлари ўртасида қандайдир ихтилоф пайдо бўлган. Улар гуруҳларга ажралишиб, бир-бирлари билан можарога боришган. Сўфий Оллоҳёр Жануб томонга – Ҳисор мулкига кетишининг сабабини ана шу гуруҳ унинг насиҳатига қулоқ солмагани, ҳеч бир ислоҳ – яхшилик йўлидаги тузалишга кирмаганлигидан, деб ҳисоблаш мумкин.

Сўфий Оллоҳёрнинг бошқа бир мухаммаси мактуб тарзида битилган бўлиб, у мантиқий жиҳатдан юқоридаги мухаммасга боғланади. Унда ўз оғайнилари, жигар-гўшаларидан узоқда яшаган шоирнинг соғинч туйғулари битилган. Мухаммасда «Келибман зор айлаб Қаршию Косон» каби сатрларнинг мавжудлиги шоир бу шеърни ўз оғайнилари орасидан кетганидан сўнг битганлиги сезилади. Шеърнинг мазмуни биринчи мухаммасда тасвирланган қавм бошлиқлари ўртасидаги можарога боғланади. Шоир шеърда

Ҳотам каби сахий акасини тилга олади. Шеър тасвирига кўра, у қавм ўртасидаги можарога иштирок этган, жанжаллашаётган гуруҳ ўртасига тушиб, айбланган, жабр чеккан. Сўфий Оллоҳёр ўз элидан узоқда яшасада, бу воқеадан хабар топар экан, бағри эзилади, туғишган оғасининг ҳолини сўраб, қуйидаги сатрларни битади:

Жигарбандим, азизим, меҳрибоним,
Дилим, жоним, тамурим, устухоним,
Бериш айвонида Ҳотам нишоним,
Уруш майдонида Рустам иноним,
Нечук тушдинг аларнинг орасига.

Равон сарвим, гулим, боғим, баҳорим,
Отам бирла онамдин ёдгорим,
Яқин бил, эй, улуғим, ифтихорим,
Бошим, молим, таборим, ҳарна борим,
Кўрубман хотири ғампорасига.

Сенга етган машаққат, эй, эмукдош,
Бу мискин жонига бўлғай эди кош,
Эшиттим, барча қилган ишларинг фош,
Чиқар ҳар лаҳза бағрим чашмидин ёш,
Қизил қондур оқар рухсорасига.

Сўфий Оллоҳёрнинг автобиографик хусусиятли мухаммаслари икки жиҳати билан аҳамиятга эгадир. Биринчидан, улар бадиий асар сифатида кишилар ўртасидаги меҳр-оқибат, соғинч туйғуларини шакллантиришга хизмат

қилган. Иккинчидан, бу мухаммаслар ҳаётдаги тарихий воқеаларни тасвирлашига кўра шоирнинг таржимаи ҳолини ёритишга ҳамда у яшаган давр ҳаёт манзараларини чизишга ёрдам беради.

Адабиётда инсон ўзлигини йўқотиши, Оллоҳ кўрсатмаларини бажариш мақсадидан озиши, натижада кечирилмас гуноҳларга ботиши, шайтоний нафсга гирифтор бўлиши билан талқин этилади. Бундай тасвирларни Сўфий Оллоҳёрнинг «Сабот ул-ожизин» асаридаги маснавийлар, шунингдек, унинг лирик меросидаги тўртлик ва ғазалларида учратган эдик. Шоир мухаммасларида ҳам ушбу масалага мурожаат этилади. Ўрни келганда яна таъкидлаш жоизки, шайтоний нафс ислом адабиётида нафси аммора номи билан кенг ифодасини топган. Фариддин Аттор Руҳ фармонида олтита қувват - асос бўлиб, уларнинг ҳар бирини бир соҳибқирон ва қудрат деб ҳисоблайди. Аттор нафси аммора – шайтоний нафсни ана шу қувватнинг иккинчиси деб санайди.[59] Имом Ғаззолий эса, фарзандига мурожаат этар экан, шайтоний нафсга берилишни образли тарзда тушунтиради. Шайтон сенга: «Золимлардан тиллаю бойликларни олганинг маъқул, улар ёмон йўлларга сарфлагандан кўра, сен бева-бечора, камбағалу мискинларга тарқат, заифларга нафақа эт!»,- дея ҳийла қилади.

Сен шайтоннинг бу найрангидан ғофил бўлма, алданма! Чунки, шайтон шу тариқа кўпгина имони бут инсонларнинг ҳисобини ҳал қилган. Шайтон васвасасида бир яширин офатлар бор».[60] Шайтоний нафс инсонни дину диёнатдан

---

[59] Аттор Фариддин. Илоҳийнома. –Т.: Ёзувчи, 1994. - 12-бет.
[60] Имом Ғаззолий. Охиратнома. - 25- бет.

чиқарувчи, тоат-ибодатига раҳна солувчи кучдир. Сўфий Оллоҳёр яратган лирик қаҳрамон ўз ҳаётида шайтоний нафсга ҳамроҳ бўлганидан афсус чекади:

Нафси шайтон, ҳавойи ҳирсу кибр айлаб ҳужум,
Қилмишим қаттиғ экандур, толеим, айнуқса, шум,
Ҳар ҳумонинг соясини бошимга олғоч бўлди бум,
Кийганимни қилди қатрон, ичган ошимни заҳум,
Бул сабабдин барча мандин тарки девор айлади.

Шайтоний нафс масаласи Сўфий Оллоҳёрнинг «Кунам» радифли тожикча мухаммасида ҳам ўз ифодасини топган. Инсонни нафси амморага гирифтор этган Шайтон образи талқини адабиётшуносликда баъзи ишларда ёритилган.[61]

Маснавий Сўфий Оллоҳёр шеъриятида энг кўп қўлланилган шеърий шакллардан биридир. Чунончи, унинг йирик манзумаси «Сабот ул-ожизин» ҳам шу шаклда битилган. Шоир лирикасида ҳам бу шеърий шаклнинг 3 та ўзбекча, 1 та тожикча намунаси келтирилгаи. Бу маснавийлар панд-насиҳат, ахлоқ-одоб мавзусига бағишланган. Жумладан, шоир ўз маснавийларида ҳам шайтоний нафс масаласига мурожаат этар экан, шундай ёзади:

Шаҳвати нафс пайрави дев,
Яъни чун иллати риёву рев.

Мазмуни: Шаҳвати нафс девга ўхшайди, яъни, у ҳийлакор, икки юзламачининг иллати.

[61] Ҳаққулов И. Шайтонга ҳай беринг. //«Ватан» газетаси, 1971 йил 17 апрел.

Риё исломда инсоннинг ёмон хулқли эканлигини билдирувчи иллатдир. Сўфий Оллоҳёр ўзбекча маснавийларидан бирида яна ўзининг ҳаётий йўлини тасвирлашга эришади. Маснавийдаги тасвирлар лирик қаҳрамон ўз ҳаётини кузатиши, ўз турмушида содир бўлган воқеаларни таҳлил этиши маҳсули бўлиб, шоирнинг шу мавзудаги ғазал ва мухаммасларидан муҳим бир хусусияти билан ажралиб туради. Маснавийда шоирнинг ҳаётий тажрибаси асосида панд-насиҳат айтиш, ўзига замондош бўлганларга сабоқ бериш руҳи кучлидир. Маснавий лирик қаҳрамоннинг ўзи билан ўзи руҳан суҳбат қуриши усулида ёзилган. Унда лирик қаҳрамон ўзининг тўғри йўлини ақл-идрок, фикр ва мушоҳада орқали топади. Шоир божғирлик маҳкамасидан кетганлиги ва сўнгра Оллоҳ ишқи йўлида фидойи бўлганлигини шундай ёзади:

Неча кунлар, неча йиллар, неча ой,
Югурдим - елдим, аммо бўлмадим бой.
Бўлурман деб бўри, бўлдум фасиҳат,
Ўзумга бир куни қилдим насиҳат.

Келтирилган байтларда Сўфий Оллоҳёрнинг божхонада ишлаган давридаги шиддати, меҳр-шафқатда ҳаддан зиёда бегоналик[62] даражасига етиши ўз ифодасини топган. 25 ёшга тўлган Оллоҳёр тўранинг зулми шу даражага етган эдики, унинг номини эшитганлар зир титрашган. Шоир ўзининг бу ҳолатини «Бўлурман деб бўри», дея ифодалайди. Лекин

[62] Рашид Зохид. Сўфи Оллоёр ҳақида нимани биласиз? // «Шарқ юлдузи», 1991 йил, 5 - сон, 154-бет.

Сўфий Оллоҳёр божгирлик унга дастлаб бўрилик, сўнгра фасиҳат-шармандалик ҳолатини туғдирганлигини англайди. Инсон халқ ўртасида шарманда бўлган кезларда ўз турмуши, хатти-ҳаракати ҳақида ўйлаши, табиийдир. Бундай руҳий кечинма Сўфий Оллоҳёрда ҳам содир бўлган:

Дедим, эй тан, на савдодур, на ишдур,
Сипоҳига қилич бирла равишдур.

Қилич бобида бўлдим мисли воҳи,
Равишда қўшмоғон гову гиёҳи.

Қила олманг қанотсиз пашшага чанг,
Равиш бобида ит сандин қилур нанг...

Қўлингдан келмас ишни энди қил тарк,
Азиз жонингга келмасдин бурун марг.

Ўзимни пандим хуш келди ўзима,
Надомат хокини сурдум юзума.

Юқоридаги сатрларда шоир бу ҳақиқатни эслатмаса-да, у «бўриликдан» надомат чекишида муршид – Ҳабибуллоҳнинг беқиёс хизмати бор эди. Муршид ва муридлик муносабатлари тўғрисида тасаввуф таълимоти ўз қоидаларига эга. Ш.Шарипов бу ҳақда шундай бир фикрни баён этган:

«Маълумки, Сўфизм таълимотида тариқат йўлини пир раҳбарлигисиз адо этиш мумкин эмас. Ўрта асрларда

кимнинг пири йўқ бўлса, унинг пири шайтондир, деган ақида кенг тарқалган. Пирнинг асосий иши соликка ирфони маърифат ҳосил қилишидир. У муриддаги барча иллатларни тузатишга ёрдам беради».[63]

Муршид ва муридлик қоидаларини Сўфий Оллоҳёр яхши англаган. Агар шоир маснавийсида ёмонликдан яхшилик томон ўзгаришини тасвирлаган бўлса, бошқа бир асарида муршиди Ҳабибуллоҳнинг ўз камолотида улкан хизмати борлигини ғурур билан эсга олади. Бу асар Ҳабибуллоҳ ўлимига бағишлаб битилган марсиядир. Марсия форсий тилда битилган, жами 28 байтдан ташкил топган. Марсияда муршиднинг муридларни тарбиялашдаги хизматига юксак баҳо берилади:

Ҳама ёрон ба гирди ў буданд,
Саф зада чун сипоҳ гирди шоҳ.

Мазмуни: *Гўё сипоҳлар шоҳ атрофида саф бўлишгандек, ҳамма дўстлар унинг атрофида эди.*

Тарбият кард толибонро ҳама умр,
Рўз хуршед буду шаб моҳ.

Мазмуни: *Кундуз қуёш каби, оқшомда ой мисол умри давомида толибларни тарбия қилди.*

...Гашт пинҳон ба зеру минъи дарёғ,
Турфат-ул-айн аз назар ногоҳ...

---

[63] Шарипов Ш. «Лисон ут-тайр» ҳақиқати. – Т.: Маънавият, 1998. - 48-бет.

Мазмуни: *Афсус, сирли оламдан ўтти, кўз очиб юмгунча назардан кетти.*

Келтирилган парчада муршид Ҳабибуллоҳ умрини толибларни тарбиялашга ва ўқитишга сарфлаганини эслатади. Унинг меҳрибонлиги қуёш ва ойга тенглаштирилган. Таъкидланишича, дўстлари, шогирдлари шу қадар кўп эдики, худди сипоҳлар шоҳ атрофида турганидек, унга садоқат билан ёндошишарди. Шулардан бири Сўфий Оллоҳёр эди. Устозининг ўлими унинг қалбига алам ва изтироб солади. Қаддини букади, кўзларига айрилиқ ёшларини келтиради:

Алифи қоматам бубин дол аст,
Ҳамчу нун гаштаам зи ғусса дутоҳ.

Мазмуни: *Кўргиликдан алиф қоматим дол бўлди. Шу сабаб ғуссадан букилдим, нун бўлиб юрдим.*

Ҳаст бар ҳоли ман ду шоҳиди ман,
Ашки гулгуну чеҳра ҳамчунгоҳ.

Мазмуни: Менинг ҳолимни эслатувчи икки шоҳидим бор, қонли кўз ёшларимму шу хил чеҳраларим.

Марсияда муршид ўлимининг тарихи ҳам битилган. Сўфий Оллоҳёр бу санани қуйидаги мисраларда яширади: «Рав ба жаннатнишин Ҳабибуллоҳ». Марсия икки жиҳати билан аҳамиятлидир: биринчидан, шоир ўз муршиди

вафотига бағишлаб марсия битиши унинг устозга бўлган хурматининг рамзига айланган. Марсияда тарихда яшаган шахснинг меҳнатини қадрлаш ва улуғлаш руҳини ҳис этамиз. Иккинчидан, марсия адабиётимиз тарихида мавжуд таърих санъати асосида яратилган. Бу эса Сўфий Оллоҳёр бу жанрда ҳам қалам тебратгани, жанрнинг ички имкониятларидан хабардор эканлигини кўрсатади.

Сўфий Оллоҳёр лирикасининг мавзу доираси ва жанр ранг-баранглигини ўрганиш қуйидаги хулосага келиш имконини беради:

1. Сўфий Оллоҳёр ўз даврининг иқтидорли лирик шоирларидан бири ҳисобланади. Шоир лирикасининг мавзу кўлами ранг-баранг бўлиб, унда фақат мумтоз-маърифий қарашлар ифодаси бўлибгина қолмай, реалистик ҳаёт манзаралари ҳам маҳорат билан тасвирлангандир.

2. Сўфий Оллоҳёр лирикасидаги мавзу ва ғоя ислом таълимотининг узвий қисми бўлиб, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Алишер Навоий ва бошқа шу каби шоирларнинг адабий меросидаги мумтоз-маърифий таълимот билан муштарак хусусиятга эга. Сўфий Оллоҳёрнинг ишқий мавзудаги шеърлари илоҳий ва ҳаётий ишқдан таъсирланиш маҳсулидир.

3. Сўфий Оллоҳёр ўз ижодида ғазал, тўртлик, мухаммас, мураббаъ, маснавий, марсия, таърих каби лирик жанрлардан фойдаланган. Бу жанрлар шоирнинг мумтоз-маърифий ва ижтимоий-фалсафий қарашларини ифодалашга хизмат қилган. Сўфий Оллоҳёр шеъриятида автобиографик хусусиятли шеърлар ҳам мавжуд. Бу асарлар ҳам ўзига хос

бадиий қимматга эга бўлиб, шоир яшаган давр воқеаларини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

4. Сўфий Оллоҳёр шеъриятига адабий жанр талаби билан ёндашиладиган бўлса, маснавий етакчи ўринда туради. Форсий ва туркий тилдаги тўрт манзумаси шу шеърий шаклда яратилган, «Сабот ул-ожизин»да лирик руҳ ва лирик жанрлар (тўртлик, муножот) ҳам мавжуд. Сўфий Оллоҳёрнинг лирик шеърларида ғазал салмоқли ўринга эга.

III-БОБ
БАДИИЙ УСЛУБ ВА ТАСВИР МАҲОРАТИ

3.1. Тил жозибаси ва поэтик образ

Ўзбек халқи ўзининг узоқ асрлик бой адабиёти ва маданиятига эга. Бу адабиётнинг ўзига хос хусусияти, шакли ва мазмуни, ғоя ва услуби мавжуддир. Мустақилликкача яратилган тадқиқотларда ўзбек мумтоз адабиётининг баъзи йирик вакиллари мумтоз-мистик ғоя вакиллари сифатида талқин этилган. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфий Оллоҳёр ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларнинг ижодида ўзига хослик ўрганилганда, айниқса, лисоний услуб масаласида баъзан бир ёқлама фикр юритиш, уларнинг шеъриятидаги тил бойликларини шоир яшаган замондан ёки адабиётдан ажратиш ҳоллари мавжуд эди. Жумладан, Н.Маллаев Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат»и ҳақида фикр юритганда қуйидагиларни баён этади: «Биз «Девони ҳикмат»нинг XII аср тилининг ёдгорлиги эмаслигини юқорида эслатиб ўтган эдик. У тилдан тилга, котибдан котибга ўтиб борар экан, П.М.Мелиоранский айтганидек, тил жиҳатдан «замонавийлашар» эди.[64]

Аҳмад Яссавий асарларининг тили ҳақида айтилган бу фикрлар унинг соддалиги, ҳамма даврларда халқ учун тушунарли бўлганлиги билан изоҳланади. Н.Маллаевнинг нуқтаи назарига кўра, XII аср тили (Юсуф Хос Ҳожиб ёки Аҳмад Юкнакийнинг асарлари тилига қиёсланганда) мураккаб бўлиб, Аҳмад Яссавий асарларининг тили бунга

[64] Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. - Тошкент: Ўқитувчи, 1976. - 158-бет.

сира ўхшамайди. Жумладан, бундай талқинни Сўфий Оллоҳёр ижодига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Чунки унинг асарлари халқ тилига яқинлиги, соддалиги ва ҳозир ҳам ҳеч бир луғатсиз тушунарлилиги билан ажралиб туради. Бизнингча, юқоридаги кўчирмадаги «замонавийлаштириш» тушунчаси илмий асосга эга эмас.

А.Ҳайитметовнинг мумтоз адабиётимиздаги шоирлар асарларининг тили ҳақидаги қарашлари бу масалага ойдинлик киритади, деб ўйлаймиз. Олимнинг фикрича, ўзбек адабиёти тарихида бир адабий тил доирасида шартли равишда икки услубий йўналиш кўзга ташланади. Булардан бири Аҳмад Яссавий асос солган Туркистон услуби, иккинчиси эса эса Навоий асос солган Хуросон услубидир. А.Ҳайитметов ўз фикрини давом эттириб ёзади: «Ўзбек шеърияти соҳасида Туркистон услуби Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Бобур, Машраб, Сўфий Оллоҳёр, Турди, Муқимий, Завқий ижодларида бугун ҳам фаол истеъмолда бўлган жонли халқ тилига яқин туришга интилишда кўринса, Хуросон услуби Навоий, Нишотий, Мунис, Огаҳий, Комил, Аваз каби шоирлар ижодида анъанавий мавзуларга, образларга кенг ўрин беришда, улар форсий адабиёт ва форсий тил таъсирининг ниҳоятда кучлилигида намоён бўлади».[65]

Демак, Сўфий Оллоҳёр Аҳмад Яссавий асос солган Туркистон услубининг вакили бўлиб, унинг шеъриятидаги тил бойликлари халққа тушунарли, энг муҳими, шоир ўз асарини жонли халқ тилига яқин туришга интилганлиги

[65] Ҳайитметов А. Ўзбек адабиётида халқчилик ва халқчил услуб ҳақида. - «Ўзбек тили ва адабиёти», 1993 йил, 2-сон, 5-бет.

билан эътиборни тортади. Туркистон услуби «замонавийлаш»тириш маҳсули бўлмай, ҳар бир шоирнинг халққа тушунарли жонли тилда ёзиши, Хуросон услубида битилган шеърларда эса кўпроқ тушунарли бўлмаган сўзлар мавжудлиги сабабли, бу сўзларнинг маъносини билиш учун луғатларга мурожаат этилган. Хуросон услубини А.Ҳайитметов Навоий ижоди билан боғлар экан, Навоий форсийзабон халқлар ва уларнинг вакиллари билан кундалик ўзаро яқин муносабатда бўлганлиги, бу эса шоир ижодига таъсир қилган, деб изоҳлайди. Бир адабий тил доирасида икки услубий йўналишнинг бўлиши тарих ва аср билан белгиланмаган. Балки, тилдаги адабий услубларга издошлик нуқтаи назаридан содир бўлган. Масалан, Сўфий Оллоҳёр шеърий услубида Аҳмад Яссавий тили услубига оҳангдорлик сезилса, унга замондош бошқа шоирлар ижодида Навоий яратган Хуросон услубига яқинлик борлигини кузатиш шундан далолат беради.

Сўфий Оллоҳёрга замондош шоир Вафоий бир мухаммасида ёзади:

Бир мушт туфроқ эрур жисмим бу ғамфизода,
Сақфи ҳубоб янглиғ майхонаи ҳавода,
Солмоқ тилар оёқдин рўзи шароб бода,
Ёраб, паноҳ бергил ман зору номурода,
Ким, солди шайтон яна роҳи шарру фасода.[66]

Энди Сўфий Оллоҳёр мухаммасларидан бирининг дастлабки бандини келтирамиз:

[66] Асрлар нидоси. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. –Т.,1982. - 139-бет.

Не жафоларга мани гардун гирифтор айлади,
Бошима меҳнат солиб, халқ олдида хор айлади,
Фикр ила итдек кўнгулими занггор айлади,
Қайсиға сўндим иликим, даҳр ани хор айлади,
Қайси осон ишни тутдим, они душвор айлади.

Келтирилган парчалардаги тилнинг халқ тилига яқинлик ва тушунарлилик даражасини муқояса этамиз. Сўфий Оллоҳёр қаламига мансуб парчада ҳам «гардун», «гирифтор», «душвор» каби форсий сўзлар қўлланилади. Аммо бу сўзлар ўқувчига тушунарли бўлиб, улар ўзбек тили бойлигига айланган, ўзбек тилидаги сўзлар билан тенгма-тенг, аралаш ҳолатда қўлланиб келинади. Вафоийда эса форсий-арабий сўзлар кўпроқ учрайди. Унинг мухаммаси бандида эса «ғамфизода», «сақфи ҳубоб», «шарру фасод» каби сўзларни тушуниш учун, албатта, луғатларга мурожаат этишга тўғри келади. Вафоий шеърида «рўз», «номурод», «роҳ» каби яна форсийча сўзлар мавжудки, булар гарчи тушунилиши осон бўлса-да, умуман олганда, унинг шеъриятида форсий ва арабий сўзларни ишлатишга мойиллик кучлилигидан далолат беради.

Бир адабий тил доирасида ўзига хос услубий йўналишларнинг мавжудлиги яна бир муҳим хулосага келишга имкон беради: агар Хуросон адабий услубида форсий ва арабий сўзлар кўпроқ қўлланилса, Туркистон адабий услубида эса турли туркий сўзларнинг қоришиқ ҳолида қўлланишини сезиш мумкин. Масалан, Сўфий Оллоҳёр шеъриятида озарбойжон тилига ҳамоҳанглик ёки Хоразм шевасига хос сўз ҳамда иборалар берилган.

Масалан:

Жон чекиб, ғусса ютуб, то жигаринг қон ўлмаз,
Мақсадинг ҳосил ўлуб, мушкулинг осон ўлмаз.
Бошини доша уруб дона элакдин ўтмай,
Мушт емай ўт ичина солмасалар нон ўлмаз.

Келтирилган парчада ғазалнинг радифига айланган «ўлмаз» – ўзбек тилида «бўлмас» маъносини ифодалайди. Шунингдек, «доша» сўзи «тошга», «ичина» сўзи «ичига» мазмунини беради. Жўналиш келишигининг кўшимчаси «-га» нинг «-на», «-а» тарзида ишлатилиши ҳам Озарбойжон ва Хоразм шевасига хос хусусиятдир. Бу парчадаги «доша» - «тошга», «ичина» - «ичига» шаклида ёзилиши эски ўзбек тили талаффузи ва ёзилишига хос қонуниятдир. Бундай мисоллар Сўфий Оллоҳёр шеъриятида тез-тез кўзга ташланади. Шоир услубидаги тил ифодалари унинг Фузулий шеърияти ёки Хоразм шеваси билан яқиндан таниш бўлганлигини кўрсатади.[67]

Бадиий асар тилида шоир турли халқ шевасига хос сўз ва иборалардан фойдаланиши унинг маҳоратини белгилайдиган муҳим унсурдир. Шу билан бирга шоирнинг истеъдоди ва маҳорати тилнинг бадиий имкониятларини юзага чиқара билиш ҳам ҳисобланади. Тилнинг бадиий имконияти унинг маърифийлигини, таъсирчанлигини ҳам очади.

Академик А.Рустамов «тилнинг бадиийлиги нима?» деган саволга «Бадиийлик, бошқача қилиб айтганда, бадиият

---

[67] Аллаёрова Н. Сўфий Оллоҳёр ва шеърий маҳорат. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги Мерос нашриёти. 2003. - 93-бет.

бу гўзалликнинг нутқий кўринишидир»,[68] - деб жавоб беради. Албатта, ҳаётда гўзалликнинг кўринишлари кўп. Лекин уларнинг ҳаммаси адабиётда тил воситасида акс эттирилади. Шу жиҳатдан қараганда, Сўфий Оллоҳёр лирикасининг бадиияти унинг маҳоратини, истеъдодини ва ўзига хос услубини белгилашга хизмат қилади.

Бадиийлик кенг тушунчадир. Хусусан, шеъриятда бирор шоирнинг бадиий маҳоратини аниқлаш унинг ғоявий нияти, ҳаётий қарашлари, эстетик мақсадини англаш натижасида эришилади. Биз Сўфий Оллоҳёр шеъриятига бадиийлик нуқтаи назаридан ёндашар эканмиз, икки муаммони таҳлил этишни лозим топамиз:

1. Шоирнинг поэтик образ яратиш маҳорати.

2. Бадиий санъатлардан фойдаланиш маҳорати.

Маълумки, образ санъат ва адабиётда ўзига хос бир категориядир. Бу тушунча адабиётшуносликда образли нутқ, образли ифода, образлилик, образли тасвир каби атамалар билан ифодаланади. Бадиий адабиётда образ ва образлилик тасвирий нутқ демакдир. Поэтик образ яратиш Шарқ адабиётида ўзига хос анъанага эга. Шоирлар инсоннинг инсонга, табиатга, жамиятга ва илоҳиётга муносабатини акс эттириш учун анъанавий образ ва бадиий тасвир воситаларидан фойдаланадилар. Бу ўринда С.Рафиъиддиновнинг қуйидаги фикрларини келтириш мантиқий жиҳатдан асослидир: «Баъзи образларнинг бадиий аҳамиятини янада теран очиб бериш учун уларнинг узоқ асрлик такомилини, тадрижий ривожини билиш лозим. Масалан, образ яратишнинг восита, омилларидан бири

[68] Рустамов А. Сўз хусусида сўз. –Т.: Ёш гвардия, 1987. - 8-бет.

бўлган ташбиҳ санъати орқали юзни ойга, гулга, шамга, қуёшга ва бошқаларга ўхшатиш Шарқ шеъриятида, жумладан, араб, форс ва турк халқлари адабиётида анъанавий қоидага айланди. Айни пайтда зулф, қош, кўз, киприк, қабоқ, хол, ёноқ, оғиз, лаб, тиш, ўнгак, соч каби инсоннинг ҳар бир узви билан боғлиқ ўзига хос тасвирий воситалар ҳам анъанавийлик касб этди».[69]

Шарқ шеъриятида анъанага айланган бу поэтик образлар ижодкорнинг дунёқараши нуқтаи назарига кўра турлича мақсадларда қўлланилади. Жумладан, бу образлар мумтоз, мажозий ёки ўз маъноларини ифодалаш хусусиятига эгадир. Биз бундай образлардан Сўфий Оллоҳёр ҳам маҳорат билан фойдалангани, мумтоз ҳамда ҳақиқий маънода ҳам талқин этганлигининг гувоҳи бўламиз. Унинг шеъриятида қўлланилган поэтик образлардан бири юздир. Юз сўзига баъзан маънодош тарзда «ораз», «руҳ», «рухсор», «чеҳра», «жамол» каби сўзлар ҳам қўлланилади. Юз тасаввуф адабиётида ўзига хос талқинга эга. Юз дейилганда нур, имон нури, ирфон эшикларининг очилиши, ҳақиқий жамол пардаларининг кўтарилиши тушунилган. Қуйидаги байтларга назар ташлайлик:

Юз қамар, сўз мухтасар, хуршед пари дилдорсан,
Макка эъзозу Мадина файзи тавр анворсан.

Ёки:

Ҳайратоким, сўлди андоғ гул юзи тўлмай туриб,
Воаламҳо, ботти кўз тўймай туриб андоғ ҳилол.

---

[69] Рафиъиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат, -Т.: Фан, 1995. - 89-бет.

Адабиётда яратилган поэтик образларнинг асосий қисмини мумтоз-илоҳий тимсоллар ташкил этади. Худо, банда, жаннат, дўзах, нафс, шайтон, қиёмат, мурид, намоз, муршид, ишқ, арш, рўза, тарози, пулсирот, имон фаришта, меърож каби ўнлаб сўзлар мумтоз-маърифий адабиётда тез-тез қўлланиладиган сўзлардан ҳисобланади. Албатта, ҳар бир поэтик образ шоирона хаёл ва тафаккурнинг аниқ ҳис-туйғу, кечинма орқали махсус суратланишидир. Шу жиҳатдан қараганда, бу анъанавий поэтик образлар шеъриятда қанчалик кўп қўлланилса, унинг моҳиятини идрок этиш ва бадиий тасвирини бериш турлича бўлиши мумкин. Чунки ҳар бир шоир поэтик образни ўз дунёқараши орқали идрок этади ва ўз бадиий маҳорати даража-сида тасвирлашга уринади.

Поэтик образлар Сўфий Оллоҳёр шеъриятида жуда катта ўринни эгаллайди. Жумладан, унинг «Сабот ул-ожизин», «Мурод ул-орифин», «Маслак ул-муттақин» ва бошқа китоблари, шунингдек, турли жанрларда ёзилган лирик шеърларида тасаввуфий тушунчаларни ифодалаган кўплаб поэтик образлар қўлланилган. Шу сабабли ҳам тасаввуфий тушунчаларнинг бадиий адабиётда ишланиши, шеъриятда поэтик образ даражасига кўтарилиши, умуман, ислом адабиёти, шу жумладан, Сўфий Оллоҳёр шеъриятида алоҳида мавзудир. Бадиий адабиётда бир тушунчанинг ўзи ҳам катта тадқиқотга мавзу бўлиши мумкин. И.Ҳаққулов Аҳмад Яссавий шеъриятидаги поэтик образлардан айримлари ҳақида фикр юритар экан, жумладан, «туфроғ» поэтикаси бир неча маъноларда қўлланилганлигини таҳлил этади ва шундай хулосага келади: «Биз Яссавийдаги

«туфроғ» образининг мунда-рижасини ҳали тўлиқ талқин этганимиз йўқ. Унда мумтоз тушунчалар билан боғлиқ бўлмаган бошқа маъно «қатламлари» ҳам бор»[70]. Олим бу ўринда «тупроқ»нинг ҳаётий талқинларини назарда тутади. Демак, Сўфий Оллоҳёр шеъриятида ҳам илоҳий ёки ҳаётий тушунчалар бир неча хил маъно ва тасвирларда ифодаланган бўлиши, табиийдир. Биз диний-тасаввуфий поэтик образлар ҳақида фикр юритар эканмиз, Сўфий Оллоҳёр шеъриятида Яратувчининг поэтикаси қай даражада акс этганлиги ҳақида айрим фикрларни баён этамиз.

Оллоҳ мумтоз адабиётда Худонинг барча номлари, зоти ва сифатларини ифодалайдиган номдир. Сўфий Оллоҳёр лирикасида бу ном «Оллоҳ», «Холиқ», «Худо», «Ҳақ», «Ғафур», «Карим», каби номлар билан юритилади. Худонинг сифатларини тасвирлаш, хусусан, шоирнинг тўртликлари туркумида ёрқинроқ ифодасини топган. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, шоир тўртликлари Оллоҳга бўлган тавба-тазарру, муножот хусусиятига эга. Лирик қаҳрамон – банданинг тасаввурида Оллоҳ, энг аввало, «зоти пок» – поклик эгасидир. У гуноҳга ботган бандалари ўз айбларига иқрор бўлса, кечиргувчи – «мағфират дарёсида оқизувчи»дир. Оллоҳ меҳрибон, шафқатли – раҳмат эгасидир. Инсон фоний дунёдан боқийликка кетганда унинг ёлғиз ҳамроҳи, гуноҳлари учун дўзахга ёки тириклигида унга итоат этганлиги учун жаннатга жўнатгувчи ҳам ёлғиз шу исми Аъзамнинг ўзидир. Гуноҳга ботган банданинг қора юзини маҳшар кунида оқ айлагувчи ҳам шу улуғ зот

[70] Ҳаққулов И. Абадият фарзандлари. Адабий мақолалар. – Т.: Ёш гвардия, 1990 йил. - 53 бет.

ҳисобланади. Сўфий Оллоҳёр тўртликда Оллоҳ сифатларини турли тасвир ва таърифлар билан ифодалашга эришади. Шоир ёзади:

Ман гуноҳлик қул эрурман, сан Ғафур,
Ман хатолик бандадурман, сан Карим.

Бу сатрларда ғафур – афв қилувчи, кечирувчи, карим – сахий ва олижаноблик ҳам Оллоҳнинг сифатини ифодалайди.

Карим Оллоҳ номларидан бири сифатида қўлланилади. Карим ва банда ўртасида яқинлик мавжуд экан, бандада унга нисбатан кучли муҳаббат туйғуси уйғониши керак. Шундагина Карим бандасига раҳм-шафқатли бўлади.

Эй Карим, дардимни айтай раҳм қил менга,
Бу ғариб бечорани сан шод қилғил ҳар замон.

Бир Худони ишқида девонадурман оқибат,
Хуш ажаб савдони солди бошима андар жаҳон.

Сўфий Оллоҳёрнинг маснавийларида келтирилган қуйидаги байтларида ғариб бечора банданинг бошига тушган савдо ишқ савдосидир. Бу ишқ Оллоҳга бўлган муҳаббатдир. Ошиқнинг девоналиги Каримга бўлган кучли муҳаббатнинг рамзидир. Демак, шеърда Оллоҳнинг яна бир ўзига хос сифати очилади. Мумтоз адабиётда Оллоҳ ва унинг бандаси ўртасида мутлоқ боғланиш бўлишлиги алоҳида таъкидланади. Агар банда ўзини ҳаётнинг қайси жабҳаларида сезмасин кўнглини ҳамиша Оллоҳга боғласа, ўзини унга

итоатгўй ҳисобласа, шунда Оллоҳ ҳам бандасига меҳрибон бўлади, унга мадад беради, ҳаётига йўлдошлик қилади. Сўфий Оллоҳёр ёзади:

Эй хуш ул умреки, ўтса бир неча шайдо билан,
Танлари халқ ичра бўлса, диллари Оллоҳ билан.

Ёки:

Ҳожатим улдир, Илоҳо, пой ишим бош айласанг,
Мунда тавфиқ, анда имонимни йўлдош айласанг.

Бандасига бахт ёки ғам, омад ёки омадсизликни келтириш Оллоҳнинг муҳим сифатларидан биридир. Инсон тақдирида содир бўладиган ҳодисалар фақат Оллоҳдан эмас, аслида банданинг ўзига боғлиқ. Чунки Оллоҳ севган бандасига яхшиликни раво кўради. Севган бандаси эса Оллоҳ билан ўзини бирга ҳис этган, дилини унга боғлаган, унга кучли муҳаббат қўйиб, ишқ ўтида фидойи кишига айланиши керак. Сўфий Оллоҳёр ҳаётдаги ана шундай тақдирлар сифатини қаламга олар экан, буни Оллоҳ иноятн билан боғлайди:

Сани қилди Худо халқ ўғлина бош,
Менинг бағримни қон қилди, кўзум ёш.

Санга берди Худо юз неъмату ноз,
Манга минг дарду ҳасрат берди қиш, ёз.

Ато қилди сана давлат либоси,
Мани қилди тулонинг хоки поси.

Сани қилди Худо султон ғариби,
Мани қилди ғарибларнинг ғариби.

Мани бошимға хуш савдо тушубдур,
Кўнгул бозорига ғавғо тушубдур.

Ғариблик ҳам исломда илоҳий неъматдир. Ғарибнинг бошига тушган савдо ва қалбига тушган ғавғо худонинг ишқидир. Худонинг яна бир фазилати қиёмат куни жон берган кишиларнинг ҳаммасини бир-бирига дийдор кўриштиради:

Қиёмат кун ҳама жон бўлса бедор,
Насиб этгай Худо бир-бирга дийдор.

Сўфий Оллоҳёр лирикасида анъанавий поэтик образларни янгича маъно ва мазмун билан ифодалаш ҳам ўзига хос фазилат сифатида кўринади. Келтирилган биринчи байтда юз ойга қиёсланмоқда. Бундай қиёс юз нур манбаи эканлигини ойдинлаштиради. Байтдаги «анвор» ҳам нур бўлиб, юздаги нурнинг иккинчи сифати бўлиб юзага келади. Демак, Сўфий Оллоҳёр юз билан Оллоҳ нурини тасвирлашга эришади, бу нур ислом оламининг муқаддас саждагоҳи ҳисобланмиш Макка ва Мадинанинг файзи ҳисобланади. Иккинчи байтда эса юз образи мажозий маънода қўлланилган. Ғазалда тасвирланишича, Саййид Дониёл авлодидан Саййид Камол исмли саводли йигит ҳақидаги байтдаги «гул юзи» бирикмаси унинг ёшлиги, гулдек очилганлик вақтини билдирувчи истиорадир. Лекин шу гул

юзнинг тўлмаганлиги у йигитлик даврига етмасдан оламдан ўтганлигига ишорадир. Қуйидаги байтда ҳам инсоннинг ўзи билан боғлиқ поэтик тасвирлар келтирилган:

Эгри абру, холи ҳинду, зулфи ҳар сў мушкбу,
Кўзи жоду, киприги отқу бало рафторсан.

Шоир ташбиҳ воситасида қошни эгри, холни ҳинду – қора, зулфни ҳар томонга тарқалган, кўзни сеҳрли, киприкни отиладиган ўқдек найзадор деб ҳисоблайди. Бу поэтик тасвирлар айни пайтда ўз маъносида қўлланилган бўлиб, унда ҳаётий гўзалнинг портрети ифодаланади. Биз Сўфий Оллоҳёр яратган поэтик образлардан намуна тариқасида кўрсатдик, холос. Уларнинг ҳар бири шоирнинг поэтик маҳорати, мумтоз ва ҳаётий қарашлари ҳақида умумлашма фикрлар юритишга асос бўлади.

3.2. Бадиий санъат ва маҳорат

Сўфий Оллоҳёр шеърият қонунлари ва сирларини яхши тушунган шоирдир. Буни биз унинг шеърий санъатлардан маҳорат билан фойдаланганлиги мисолида ҳам кўрамиз. Маълумки, шеърий санъатлар маънавий ва лафзий санъатларга бўлинган. Маънавий санъатлар поэтик матнда сўзнинг маъно товланишига эга бўлиб, улар бадиий тилнинг тасвирий воситалари ҳисобланади. Ийҳом, тажоҳулул ориф, талмеҳ, тамсил, лаф ва нашр, муболаға, ташбиҳ, эътироз, илтифот, муаммо, луғз кабилар маънавий санъатлардир.

Лафзий санъатлар эса маънонинг шаклига, адабий сўз ўйинларига, қайтаришларга асосланади.

Шеърий санъат мумтоз ва ҳозирги адабиётшунослигимизда кенг ўрганилган.[71] Бу ўринда бизнинг асосий эътиборимиз Сўфий Оллоҳёр ўз лирикасида қўллаган поэтик санъатлар ва шоирнинг маҳорати ҳақида боради.

Талмиҳ. Бу санъатнинг ўзига хос хусусияти тўғрисида Атоуллоҳ Ҳусайний шундай ёзади: «Талмиҳ каломда машҳур қисса ё машҳур нодир шеър ёки машҳур мақолга ишорат этмактин ибораттур».[72] Демак, бу санъат талабига кўра шоир тарихий, афсонавий воқеаларга, масалларга, машҳур қаҳрамонлар образига ишора қилиш йўли билан ўз фикрини кучайтириб ифодалайди. Сўфий Оллоҳёр шеъриятида қўлланилган талмиҳларнинг кўпчилиги Қуръон образлари ва сюжетидаги тасвирларни ифодалашга қаратилган. Шоир ёзади:

Сўзи авло, феъли аъло, кони тамкину ҳаё,
Ҳусни Юсуф, ёши Яҳё, лутфи Исоворсан.

Байтдаги Юсуф, Яҳё, Исо номлари талмиҳдир. Бу образлар Шарқ поэзиясида анъанавий образ сифатида кўп мурожаат этилган. Юсуф образи Қуръонда келтирилган бўлиб, махсус «Юсуф» номидаги сура ҳам мавжуддир. Бу

---

[71] Ҳусайний А. Бадойиъу-с-санойиъ (Аруз вазни ва бадиий воситалар ҳақида). –Т.: Ғафур Ғулом ,1981; Зеҳний Т. Санъати сухан. Илми бақоъ ва мухтасари аруз. Душанбе: Ирфон, 1967; Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. –Т.: Шарқ, 1998. Т. Бобоев. Шеър илми таълими. –Т.: Ўқитувчи, 1996 йил ва бошқалар.

[72] Ҳусайний А. Бадойиъу-с-санойиъ, 33-бет.

сурада Юсуф ҳақидаги қисса «Қиссаларнинг афзали»[73] дейилади. Сўфий Оллоҳёр Юсуф образини Шарқ адабиётидаги анъанавий тасвирларга хос гўзаллик тимсоли сифатида поэтиклаштиради. Яҳё образи ҳам Қуръонда кенг ўрин олган (4-сура 83-оят; 3-сура 33-оят; 19-сура 1-оят) пайғам-барлардан биридир. «Инжил»да таъкидланишича, Яҳъё пайғамбар халқни Худо йўлига солган ва дарёда чўмилтириб тавба-тазарру қилдирган экан.[74] Рабғузий «Қиссаи Рабғузий»да Яҳёнинг онаси Исонинг онаси билан қариндош эди, деб ёзади ва у билан боғланган ривоятларни келтиради.[75] Яҳё пайғамбар бадиий адабиётда сахийлик белгиси сифатида тасвирланиб келинган. Лекин юқоридаги байтда Яҳё пайғамбарнинг ёши улуғ бўлганлигига ва кўп умр кўрганлигига ҳам эътибор қаратилмоқда.

Исо аллайҳиссалом образи Шарқ адабиётида кенг тасвирланган. Бу образ турли талқинларда – раҳмдил, ўликни тирилтирувчи, мулойим ва марҳаматли пайғамбар сифатида кўринади. Сўфий Оллоҳёр юқоридаги байтда Юсуфнинг гўзаллиги, Яҳёнинг кўп умр кўрганлиги, Исонини эса лутфу марҳамати орқали лирик қаҳрамоннинг ҳам ташқи, ҳам маънавий дунёсини тасвирлайди. Сўфий Оллоҳёр Сулаймон алайҳиссалом номини ҳам талмиҳ санъати сифатида тез-тез тилга олади. Шоир ёзади:

Аз нуфуси сер ояд файзи субҳоний ба даст,
Мўр будам, кардаам тахти Сулаймон ба даст.

---

[73] Қуръон. «Юсуф» сураси, III оят, қаранг: Қуръон. Ўзбекча изоҳли таржима, -Т.,1992. - 16-17- бетлар.
[74] Инжил. Библияни таржима қилиш институти. Стокгольм. 1992, Библия луғати, 15-бет.
[75] Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қиссаи Рабғузий. Иккинчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1991. - 42 - бет.

Бу байтда Сулаймон алайҳиссалом ва чумолилар ҳақидаги ривоят назарда тутилмоқда. Рабғузий келтирган ҳикоятга кўра, Сулаймон бир куни тахтида ўтирган эди, унинг тахтини кутилмаганда ел кўтаради. Аскар ва лашкарлари тахт остида юрар эди. Маълум бўлишича, унинг остини тўла чумоли қоплаб олган эди. Юқоридаги байтнинг «Мўр будам, кардаам тахти Сулаймоний ба даст» (Чумоли эдим, Сулаймон тахтини қўлимга олдим) мисрасида ана шу ривоят ўз ифодасини топган.

Сўфий Оллоҳёр лирикасида пайғамбарлар номи билан боғланган талмиҳларда Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг чоҳарёрлари Абу Бакр, Умар, Усмон, Ҳайдар Али билан боғланган сатрлар ҳам мавжуд. Сўфий Оллоҳёр лирикасида афсонавий халқ қаҳрамонлари номи билан боғланган талмиҳлар ҳам учрайди. Шоир бир мухаммасида ёзади:

Жигарбандим, азизим меҳрибоним,
Дилим, жоним, тамурим, устухоним,
Бериш айвонида Ҳотам нишоним,
Уруш майдонида Рустам иноним,
Нечук тушдинг аларнинг орасига.

Рустам образи туркий ва форсий халқларнинг оғзаки ижодида, шунингдек, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида жасур қаҳрамон, жангда жасорат кўрсатадиган ботир сифатида улуғланади. Сўфий Оллоҳёр бу бандда ўз туғишгани Фарҳод Оталиқ ҳақида фикр юритар экан, уни Рустамга тенглаштиради.

Ташбиҳ. Сўфий Оллоҳёр лирикасида ташбиҳ санъатидан кенг фойдаланилган. Маълумки, бу санъатда сифати ва бирор хусусияти билан ўхшаш бўлган икки ёки ундан ортиқ нарса, воқеа ва ҳодиса ўхшатилади, қиёсланади. Тожик адабиётшуноси Т.Зеҳний ташбиҳнинг бир неча хили мавжудлигини кўрсатиб ўтади.[76] Атоуллоҳ Ҳусайний эса «Ташбиҳ етти турдир»,[77] деб таъкидлайди. Демак, ташбиҳ бадиий адабиётда кенг қўлланилган ва илмий-назарий жиҳатдан ҳам кўп ўрганилган санъат. Сўфий Оллоҳёр шеъриятини кузатиш ҳам унда ташбиҳнинг ўзига хос бир неча турлари мавжудлигини кўрсатади.

1. Ташбиҳ сареҳ (тўлиқ ташбиҳ) бўлиб, унда бир нарса бошқа нарсага ташбиҳ воситалари (-дек, -дай, мисли, гўё, каби, янглиғ, так) ёрдамида ўхшатилади. Сўфий Оллоҳёр ташбиҳнинг бу турларидан фойдаланган:

Ер юзида бир менингдек бандаи мискин қани?
Иззату ҳурматни қўйғон ва фақир ойин қани?

Беқарору бенаво музтариб овворaман,
Лайлию Мажнун **каби** афсонадурман дар жаҳон.

Кейинги байтда Лайли ва Мажнун талмиҳ санъатига ҳам намуна бўла олади. Шу билан бирга тўлиқ ташбиҳ ҳам берилган. Байтда ўхшаган нарса лирик қаҳрамоннинг ишқда эл орасида афсона бўлишидир. Ўхшатилган нарса ишқ-муҳаббатда фидойилиги билан дунёда афсона бўлган Лайли

[76] Зеҳний Т. Санъати сухан. «Ташбиҳ» қисми, 42-61- бетлар.
[77] Ҳусайний А. Бадойиъу-с-санойи, 212 - бет.

ва Мажнуннинг ҳолатидир. Бу ўхшашликда «каби» кўмакчиси ташбиҳ воситаси бўлиб келмоқда.

2. Ташбиҳ муъкад (таъкид йўли билан ўхшатиш). Ташбиҳнинг бу усулида шоир ўхшаган ва ўхшатилган нарсаларни ўхшатиш кўшимчаларисиз кетма-кет ифодалайди. Сўфий Оллоҳёр ташбиҳнинг бу йўлидан кенг фойдаланади:

Кипригинг жоду, кўзинг оҳу, тишинг дурдоналар,
Соҳири сеҳри замон, ё кофири зуннорсан.

Бу парчада лафф ва нашр санъатидан фойдаланилган ҳолда киприк – жоду, кўз – оҳу, тиш – дурга ўхшатилмоқда. Байтда маъшуқанинг ўзи тажоҳилу ориф – билиб-билмасликка олиш санъати орқали «кофири зуннор»га ҳам қиёс этилган. «Кофир» ва «зуннор» тушунчалари мумтоз шеъриятимизда кенг қўлланилган. Кофир дейилганда ислом динини тан олмовчи, ғайри динлар тушунилади. Мажозий маънода эса севгида раҳмсиз маъшуқаларга нисбатан қўлланилган. Зуннор ҳам кофир сўзи билан мантиқан боғланади. Алишер Навоий «Лисонут - тайр» да шундай ёзган эди:

Боғлади зуннор юз минг аҳли дин,
То Масиҳ анфосидин жон топти тин.[78]

Демак, изоҳлангандек, зуннор белга боғланадиган бир чилвир, белбоғдир. Бу чилвирни белга ким боғлаган?

[78] Навоий А. Лисонут-тайр. Илмий-танқидий текст. - Т.: Фан, 1965 йил, 161-бет.

Мусулмон давлатларида яшовчи насронийлар маълум бир рангдаги чилвирни белига боғлаб юришга мажбур эканлиги белбоғидан кўриниб туриши керак эди. Шеъриятда зуннор сўзи аёл маъносида қўлланилса насронийлар белбоғи эса мажозий маънода, севгидаги вафодорлик, эътиқодни тан олмаслик мазмунини ифодалайди. Бу ўхшатишлар қўшимчалар орқали эмас, балки таъкид орқали амалга оширилади. Ёки қуйидаги байтда ҳам ташбеҳи муъкад лафф ва нашр билан уйғун ҳолда юзага келган:

Соч суман, гулгун бадан, ҳам лаб Бадахшон, тиш Яман,
Шиша кўнгул, гул жабин, ҳар маслаҳатдин борсан.[79]

Парчада соч – суман, бадан – гул, лаб – Бадахшон лаълига, тиш – Яман тошига, кўнгил – шишага, жабин, пешона – гулга ўхшатилган ва маъшуқа-нинг гўзал тасвири намоён бўлган.

3. Ташбиҳи машрут (шартли ўхшатиш). С.Рафиъиддинов Атойи поэтикасига оид рисоласида шартли ўхшатишларни «гар, агар, -ар, -са, эрса киби» сингари грамматик воситалар орқали бир нарсани бошқа нарсага маълум бир шарт билан ўхшатиш»[80] деб изоҳлайди. Шу жиҳатдан қараганда Сўфий Оллоҳёрнинг қуйидаги байти ўхшатишнинг бу турига мисол бўлади:

Ҳар кимни бўлса нияти эҳсонда нон киби,
Гар солсалар танур, ичидин сурхрў чиқар.

---

[79] Баёзи Убайдулла Аламкаш. – 215-сах.
[80] Рафиъиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. – Т.: Фан, 1991. -142-бет.

Бу байтда гар шартли ўхшатиш ҳосил қилган. Тандурга нонни ёпиш, уни пиширишдир. Демак, нон тандурга солинса у қизаради, пишади. Инсоннинг эҳсон қилиш нияти бўлса, у нон каби лаззатлидир. Бу ўринда эҳсон ва тандирдаги нонинг аҳамияти, моҳияти шакли тарзида ўхшатилмоқда.

4. Ташбиҳларнинг яна бир кўриниши ҳарфлар воситасида яратишдир. Ҳарфлар ҳам инсоннинг маълум кўриниши ва ҳаракатига ўхшатилган. Шеъриятда инсон қадди – алифга, унинг қарилиги ва белининг эгилиши-долга, қош – нунга, оғиз – мимга, лом – зулфга ўхшатилган ташбиҳлар учрайди. Бу баъди адабиётларда китобот санъати деб ҳам юритилади.

Бундай анъанавий ташбиҳларни биз Сўфий Оллоҳёр ижодида ҳам кўрамиз:

Алиф қоматам бубин дол аст,
Ҳамчу нун гаштаам зи ғусса дутоҳ.

Бу байтда алиф лирик қаҳрамоннинг қадди-қоматига ва унинг тиклигига ўхшатилмоқда. Бу эса қаҳрамоннинг ғам-ғуссани кўп чекиб, қадди букилганлигини эслатади. Нун ҳарфи ҳам ярим доира шаклида бўлиб, шоир қаҳрамондаги ғам-ғуссанинг кўплигини тасвирлаш мақсадида бу ҳарфни ҳам эгилган қоматнинг ташбиҳига айлантиради.

Сифатлаш. Сўфий Оллоҳёр шеъриятида кенг қўлланилган санъатлардан бири сифатлашдир. Шоир бу санъатда ўзига хос тасвирларни бера олганки, улар Сўфий Оллоҳёр шеъриятининг реалистик асосларини тўлароқ кўрсатишга хизмат қилган. Бадиий санъатнинг бу тури адабиётда ўзига хос вазифани бажаради. Ҳозирги замон

адабиётшуносликида сифатлаш маънавий санъатнинг муҳим бир шакли сифатида шундай таърифланади: «Нарса, воқеа-ҳодиса, тушунча ва кишиларнинг белги хислатларини аниқлаш, изоҳ-лаш, тавсифлаш усули сифатлаш дейилади».[81] Ўринли айтиб ўтилганидек, ёзувчи ўзининг ғоявий эстетик позицияси, диди, таъби ва «қудратли субъект истаги»га кўра ҳаёт материалини бадиий жиҳатдан қайта яратар экан, унга хос бўлган айрим белги ва хусусиятларни таъкидлашга ёки муайян тимсол, воситасида характерлашга интилиши мумкин. Бу иш кўпинча сифатлаш орқали амалга ошади.[82]

Сўфий Оллоҳёр яратган сифатларнинг кўпчилиги ҳаётий ишқ тасвирлари билан берилган. Таъкидлагандек, шоир ҳаётдаги реал маъшуқанинг тасвирини, унинг ташқи қиёфаси ва хатти-ҳаракатини ишонарли сифатлар билан ўз ғазалларида ифодалайди:

Соч узун, кутаҳ қадам, эй гул, хиромон юрма кўб,
Ёки қасдинг мандадурму, ё таманнаворсан.

Кўзларингму наргиси шаҳлодур, эй, писта даҳан,
Нозу дардингдур фузун, бас сан нечук беорсан.

Бу парчада маъшуқанинг сочи узун, қадамлари қисқа, оғзи пистадек кичиклиги сифатлаш санъати орқали ифодаланган. Қуйидаги байтда эса шоир сифатлашда санъати орқали янада юксак маҳоратга эришади. Байтдаги ҳар бир

[81] Асаллаева А., Раҳмонов В., Мусурмонкулов Ф., Бадиий санъат жозибаси. - Т.: "Янги аср авлоди", 2005. -13 -бет.
[82] Адабиёт назарияси. Икки томлик. I том. Адабий асар. – Т.: Фан, 1978 йил, 139-бет.

предмет нарсанинг белги-хусусияти ўзига хос бадиий тасвирда ифодаланади:

Жароҳатли таним, ҳасратли кўнглим, қайғули бошим,
Паришон ҳолатим, ёшли кўзим, ўтлуғ мижозим бор.

Келтирилган байтда «жароҳат» - таннинг, «ҳасрат» – кўнгилнинг, «қайғу» – бошнинг, «паришон» – ҳолатнинг, «ёш» – кўзнинг, «ўтлилик» –мижознинг сифатидир. Бу байтда келтирилган сифатлар оддий сифат эмас. (масалан, «қизил гул», «оқ каптар» каби). Унда образли манзара яратилган бўлиб, сифатлаш сифатланмишнинг белгисини ёки хусусиятини таъкидлаб қолмай, уни тўла характерлашга хизмат қилган. Сўфий Оллоҳёр бу сифатлар билан инсон ҳаётида мавжуд нарсаларнинг хусусиятини очишга эришган. Натижада, сифатлаш маълум даражада кечинмаларни ифодалаш хусусиятини ҳам олган. Таннинг жароҳати унинг қалбидаги азоб, танидаги «изтироблар», кўнгилдаги ҳасрат, азоб-уқубат, «қайғу» – инсон бошидаги ғам ва мусибат, «паришонлик» – инсон ўзлигини йўқотиши, «ёш» – инсон ғам билан ёки ишқ йўлида ўз дардини айтиб йиғлаши, «ўт» – инсон табиатига хос қизиққонлик, ўт юраклилик белгисини ҳам ифодалайди.

Бадиий образли сифатлашлар баъзан Сўфий Оллоҳёрнинг бир бутун ғазалларини ҳам ташкил этади. Натижада, сифатлаш қаҳрамоннинг қиёфаси, ички ва ташқи дунёси, табиати ва ҳаётдаги ўрни, руҳий кечинмаларининг хусусиятларини тўлақонли кўрсатиш воситасига айланган. Аҳамиятлиси шундаки, Сўфий Оллоҳёр бадиий тасвир

воситаларидан фойдаланишда ўзига хос маҳорат кўрсата олган. Ўзбек тили бойликларидан унумли фойдаланган, сўз санъатидан эстетик кучини англаган истеъдодли шоир сифатида кўрин-ган. Қуйидаги ғазал ана шундай маҳорат маҳсулидир:

Дил ғамгин, хотир ҳазин, толеъ қаро, пешона шўр,
Қўл қуруғ, матлаб йироғ, душман қавий, жонона дур.

Ёр толиб, ишқ ғолиб, хасм монеъ, сабр оз,
Даҳр пуркулфат, жафо кўб, лутф кам, заҳмат вуфур.

Зоти ақал, сонсиз касал, ғолиб ҳаво, тули амал,
Юз муаллақ, минг алил, ғам бениҳоят, ғусса зўр.

Ич тугун, ҳолат забун, ҳосил қавас, савдо жунун,
Йўл узун, аъдо фузун, етмак гумон, кетмак сурур.

Умр чусту пеша суст, хавфи хотам, ғам нуҳуст,
Эл кучук, йўл нодуруст, води хатар, азман футур.

Феъл ҳаб, ғафлат ажаб, ғусса маишат, ғам тараб,
Тил сучук, сар мунқалиб, зоҳир вараъ, ботин фужур.

Чашм тар, рухсора зард, хун жигар, оҳи саҳар,
Кош бўл фан бирла Оллоҳёр музтар бўлса кўр.

Ташбиҳ санъатига хос хусусият сифатлашда ҳам амал қилади. Яъни келтирилган ғазалдаги кўпчилик сифатлашлар

таъкидлаш йўли орқали яратилган. Грамматик қоидага кўра «ғамгин дил», «ҳазин хотир», «қора толеъ», «шўр пешона», «қуруқ қўл», «йироғ матлаб», «қавий душман», «дур жонон» шаклида бўлиши, яъни сифатловчи сифатланмишнинг олдида келиши керак эди. Шоир сифатлашнинг таъкид усулидан фойдалансада, сифатловчи ўз вазифасини англатган. Ғазалда сифатловчи ва сифатланмишнинг бирикиши кўчимлар, иборалар ҳосил қилган. Натижада, улар тугал бир кўчма маънони ифодалай олган. Предметнинг белгиси эмас, балки унинг хусусиятлари ва ҳолат белгиларини очган. Албатта, поэтик санъатларни қўллашдан мақсад фикрнинг таъсирчанлигига эришиш, ижодкорнинг ғоявий нияти жозибали тарзда ифодаланишини таъминлашдир.

Келтирилган ғазалда сифатлаш ана шундай вазифани бажара олган. Замонада яхшиликдан кўра ёмонлик, қувватдан кўра ғамгинлик устунлик туришини очишда сифатлаш руҳий манзаралар яратган. Умуман, ушбу ғазалда давр кишисининг кайфияти руҳий зиддиятлар орқали очилган.

Ирсоли масал. Байтларда масал, мақол ва ҳикматли сўзлардан фойдаланиш шеъриятда ирсолу масал деб юритилади. Бизнинг кузатишимизча Сўфий Оллоҳёр байтларда ифодаланган фикрнинг таъсирчанлигини, халқчиллик руҳини ошириш мақсадида ирсоли масал санъатидан ўринли фойдаланган. Қуйидаги байтлар бунга мисол бўла олади:

Қавли бир эр олдида бошингни берсанг ярашур,
Зоти йўқ, номард билан бир парчаи нон ҳам ема.

Бир қаричлик йўлга кирсанг қўйма бейўлдош қадам,
Бир мавиз олдингда ҳозир бўлса беҳамдам ема...

Қўлингдин келмас ишни эмди қил тарк,
Азиз жонингга келмасдин бурун марг.

Атоуллоҳ Ҳусайний ирсолу масал икки йўл билан ҳосил бўлишини кўрсатади. Биринчисида, байтда келтирилган масалнинг сўз ва тартиби ўзгартирилмай қўлланилади, иккинчисида масалда ўзгариш юз беради.[83] Келтирилган парчаларда ирсолу масал яратишнинг иккинчи шакли қўлланилган.

Биринчи мисрада «Баҳодир эрга бошингни эг», иккинчи мисрада «номардга ҳамроҳлик бўлса», учинчи мисрада «сафарга чиқсанг йўлдошинг бўлсин», тўртинчи мисрада «бир майиз топсанг ҳам бўлиб е» мазмунидаги мақол ва ҳикматлар берилган. Учинчи байтда эса «Қўлингдан келмас ишни қилма» ҳикмати мавжуд. Демак, ирсоли масал Сўфий Оллоҳёр шеъриятида ахлоқий-таълимий фикрларни ифодалашнинг воситаси сифатида кўринади.

Сўфий Оллоҳёр халқимизнинг жонли тил бойликларини, айниқса, халқ оғзаки шеъриятига хос ифода усулларини мукаммал эгаллаган шоирдир. Буни биз халқ достонларига хос сажъ санъати шоир лирикасида чуқур илдиз отганлиги мисолида аниқ кўрамиз. Одатда, адабиётшунослар бу

[83] «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1996, 3 - сон, 23-бет.

санъатни халқ достонларининг насрий бўлакларига хос усул деб тушунадилар. Чунки қофия санъати шеъриятта хос тамойил бўлиб, насрда қофияларнинг келиши сажъ деб юритилган. А.Ҳусайний сажъни лафзий санъатнинг юксак намунаси сифатида кўрсатар экан, унинг шеъриятда ҳам қўлланилишини ёзади: «Ўзга бир тойифа наздида (сажъ) назмда ҳам жорийдур. Бу тойифа икки гуруҳ бўлуптур. Бир гуруҳи дерким, сажъ ҳоҳ назм, ҳоҳ наср бўлсун, калом фосилаларининг охирги ҳарфта мувофиқ келмагидур»[84]. Адабиётимизнинг мумтоз назариётчиси ўз асарида сажънинг назмдаги кўринишларига бир неча мисоллар келтиради. Қофияланувчи сўзларнинг ҳижо миқдори тенг ва оҳангдош бўлса, мутавози сажъ деб айтилар экан. Аруз вазнида битилган шеърлар маълум бир ҳижо, ўлчамга бўйсунганидек, бу вазнда битилган шеърларнинг мисраларидаги ички сажълар – қофиялар, асосан, мутавози тарзида юзага келади. Сўфий Оллоҳёр бир ғазалида шундай ёзади:

Ёр толиб, ишқ ғолиб, хасм мониъ, сабр оз,
Даҳр пуркулфат, жафо кўб, лутф кам, заҳмат нуфур.

Зот ақал, сонсиз касал, ғолиб ҳаво, тули амал,
Юз муаллақ, минг алил, ғам бениҳоят, ғусса зўр.

Биринчи байтнинг дастлабки мисрасидаги «толиб», «ғолиб», иккинчи байтнинг биринчи мисрасидаги «ақалл», «касал», «амал» сўзлари сажъни ҳосил қилган. Сажъни ҳосил қилувчи сўзларнинг қўшилмаси рукнларнинг тенглигага

[84] Ҳусайний Атоуллоҳ. Бадойиъу-с-санойи, 135-бет.

(яъни, «ёр толиб», «ишқ ғолиб») асосланганлиги учун улар мутавозини ташкил этади.

Сўфий Оллоҳёр ғазаллари орасида байтлар тўлалигича сажъ усулида яратилганлари ҳам мавжуд. Бу эса шоирнинг халқ оҳангларини пухта билиши, шеърнинг мусиқийлигини таъминлаши, шу асосда шеърнинг эстетик таъсир кучини ошира олганлигини кўрсатади. Зотан, бадиий адабиётда сажъни қўллашдан кузатилган асосий мақсад ҳам ана шу мақсадга қаратилгандир. Халқ оғзаки ижодидаги насрий асарларда сажъ санъатининг қўлланилиши ҳам ўқувчининг шу асарга бўлган эътиборини ошириш, унинг қалбида жўшқинлик, мусиқавийлик уйғотиш, энг муҳими, завқлантириш, шу асосда унинг шуурига асарда мавжуд ғояни сингдиришга қаратилган. Масалан, халқ эртаклари бежизга «Бор экан, йўқ экан, оч экан, тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарға қақимчи экан...» каби узун сажълар билан бошланмаган. Сўфий Оллоҳёрнинг қуйида келтирилаётган ғазалида сажъ асарнинг бутун руҳиятига мусиқийлик таъминлай олган.

Элим, халқим ичинда гарчи кўб кўзгим сирожим бор,
Вале ғурбат ифм бўйнимға тушди, не иложим бор.

Юрогим пора, баҳрим ёра, ҳар манзилда сайёра,
Нетай чора насиб этгай диёра эҳтиёжим бор.

Жароҳатли таним, ҳасратугу кўнглум, қайғули бошим,
Паришон ҳолатим, ёшли кўзим, ўтлуғ мижозим бор.

Шабистоним, фиғоним, сўзи жоним, доғи ҳижроним,
Таним мағзи устухоним, кўзда бил ашки ажожим бор.

Матоъим дарду рахтим «ҳузн, хайлим ане зу шоҳи фақр»,
Мадорим фикру мулким, ранжу меҳнатдин хирожим бор.

Аламдин марҳамат, ғамдин фароғат, ғуссадин роҳат,
Надимдин салтанат ҳам масканатдин тахту тожим бор.

Маломат – нусратим, озору кулфат – давлатим, бахтим,
Маззаллат иззатим, мундоғ саодатдин ривожим бор.

Мани афгор дерман зор ҳар шому саҳар бисёр,
Дегайму: бор Оллоҳёр отлиғ абдурожим бор.

Энди ғазалнинг ҳар бир байтидаги сажъ ҳосил қилган сўзларни белгилаб чиқайлик: «элим», «халқим», «бўйним» (биринчи байт) сўзлари ғазал қофиясидаги «сирожим», «иложим»га ҳам оҳанг келган. Кейинги мисраларда ҳам байтнинг асосий қофияси билан боғланган ички қофия - сажъни ҳосил қилувчи сўзлар яратилган бўлсада, кўпчилик байтларда байт қофиясидан ташқи ҳолатдаги қофиялар тизими ҳам яратилади; «юрагим пора», «бағрим ёра» (иккинчи байт) бирикмасида биринчи - «юрагим» - «бағрим» ва иккинчи «пора» ва «ёра» сўзлари сажъни ҳосил қилган. Байтдаги бошқа сажълар «сайёра», «чора», «диёра» биринчи байтдаги сажънинг иккинчи қисмига қофиялланган. «Таним», «кўнглим», «бошим», «ҳолатим», «кўзим» сўзлари эса ғазалнинг асосий қофияси – «мижозим»га боғланиб, сажъни

юзага келтирган (учинчи байт). Кейинги байтдаги «шабистоним», «фиғоним», «жоним», «ҳижроним», «таним», «устихоним» сажълари ҳам шундай хусусиятга эга, яъни ғазалнинг радифидан олдин келган «ажожим»га боғланган (тўртинчи байт). «Рахтим», «матоъим», «хайлим», «мадорим», «мулким» сажълари ҳам ана шундай тамойил билан юзага келган (бешинчи байт). «Аламдин», «ғамдин», «ғуссадин», «надимдин», «масканатдин» (олтинчи байт) сажълари кўпроқ инсоннинг руҳий кечинмаларини ифодалашга хизмат қилган. Ҳатто байтнинг биринчи мисрасидаги «алам», «ғам», «ғусса» сўзлари бир мазмунга эга, яъни, синоним сўзлар бўлиб, уларнинг қайтарилиши маънони кучайтиришга хизмат қилган. «Маломат», «нусрат», «кулфат», «давлат», «бахт» «махаллат», «иззат», «саодат» - еттинчи байтда яратилган сажънинг ўзаги шундай. Улар бир туркумга, агар жоиз бўлса от сўз туркумига мансуб бўлиб, ўнга яқин қофиянинг ёнма-ён келиши сажъ тизимини ҳосил қилган ва шоирнинг маҳоратини кўрсата олган. Байтда шоир таъкидни кучайтиришга, шу асосда фикрнинг салмоқдорлигини ҳам оширишга эришган. Унинг фалсафий қарашларига кўра маломат бу давлат, озор – кулфат, давлат – бахт, мазаллат - иззатдир. Шоир ана шу тушунча-ларни ўзи учун бахт деб тушунади ва уларнинг ҳамроҳлигида ўз саодатини кўради. Ғазалнинг охирги байти, мақтаъсида «афгор», «зор», «бисёр», «бор», «Оллоҳёр» сўзлари сажъ санъатини ҳосил қилган. Сажъ ҳосил қилувчи бу сўзларда ҳам шоирнинг руҳий ҳолати, ҳаётдаги қийинчиликлар, ғам - ғуссасининг кўплигидан зорланиш ҳисси бўртиб туради.

Тажоҳули ориф санъати шеъриятда шоир ўзи тасвирлаётган нарсанинг характер ва хусусиятларини билсада, ўзини билмасликка олишидир. Сўфий Оллоҳёр бу санъатдан ҳам ўринли фойдаланган. Шоир ғазалнинг матлаъсида ёзади:

Сан бу нозуклик билан ё ҳур, ё айёрсан,
Ё пари, ё лолавул, ё гулшани бехорсан.

Сўфий Оллоҳёр бу байтда маъшуқанинг гўзаллигини, унинг чиройи илоҳий ёки афсонавий гўзаллардан қолишмаслигини тажоҳули ориф санъати орқали ифодаламоқда. Шоир ёрнинг кимлигини, унинг ташқи қиёфаси, қадди-қоматини билгани ҳолда бу қиёфани ўзи билмасликка олади ва сен ҳурми?, парими?, лолами?, тиконсиз гулшанми?, ё айёрмисан?, дея мурожаат этади. Ғазалнинг сўнгги байтлари ҳам тажоҳилу ориф санъати асосида юзага келган:

Кипригинг жоду, кўзинг оҳу, тишинг дурдоналар,
Соҳири сеҳри замон ё кофири зуннорсан.

Талъатинг байзо қамар ё жаннатул - маъво юзунг,
Нисбатинг номеҳрибон, ё дўст, ё ағёрсан?

Соч узун, кутаҳ қадам, эй, гул, хиромон юрма кўп,
Ёки қасоринг мендадурму, ё таманноворсан.

Тансиқ ус-сифот шеъриятда кенг қўлланиладиган санъатлардан
ҳисобланади. Тансиқ ус-сифот тасвир этилаётган нарса ёки шахсни бир қанча сифатлар билан кетма-кет тилга олиб кўрсатишдир. Т.Зеҳний бадиий санъатнинг бу турини «сифатчини» номи билан ҳам атайди. Бу атама сифат териш деган маънони беради. У бу санъатнинг хусусияти тўғрисида шундай ёзади: «баъзан барои тавсиф ва тасвири касе ё чизе ба таври болобардори ва ё бо роҳи сарзаниш сифатҳои муносиби якчинса барои як мавсуф қатор чида мешавад, ки ифодаро қувват медиҳат».[85] Демак, тансиқ ус-сифотнинг мақсади мисраларда келтирилган ифодани қувватлашга қаратилади. Биз бу санъатнинг ажойиб намуналарини Сўфий Оллоҳёр шеъриятида ҳам учратамиз. Шоир бир мухаммасида Фарҳод исмли акасининг турли хил сифатларини чизиш билан улуғлайди. Шеърдаги ҳар бир сифат Фарҳоднинг белги-хусусиятини очади, шоирнинг унга бўлган муҳаббатини янада кучайтиришга хизмат қилади:

Жоним, дилим, оғам, жигари дидаи тарим,
Эмукдошим, улуғим, фахрим, афсарим,
Ҳаргиз топилмас ўлкада ёқути аҳмарим,
Мазлуми бехилоф, шаҳиди муқаррарим,
Фарҳод умдан ул - амир отли шоҳварим.

Бу парчада «жоним», «дилим», «жигарим», «дидаи тарим», «улуғим», «фахрим», «афсарим», каби сўзлар тансиқус сифат бўлиб, шоир улар орқали ўзининг акасига

[85] Зеҳний Т. Санъати сухан. - Душанбе: «Ирфон», 1967. - 77-бет.

бўлган муҳаббатини изҳор этмоқда. Демак, тасвирий воситани ишлатишдан мақсад муайян ғояни очишга қаратилганидек, сифатларнинг қаторлашиб келиши инсоннинг инсонга бўлган меҳр туйғусининг кучлилигини ифодалашга хизмат қилган.

Шарқ шеъриятида қўлланиладиган маънавий санъатлардан бири тазоддир. Бу санъат талабига кўра байтда бир-бирига зид маъно ҳосил қилувчи сўзлар берилади. Масалан, мумтоз шеъриятимизга назар ташлайдиган бўлсак «шоҳ ва гадо», «меҳр ва жафо», «висол ва ҳижрон» каби бир-бирига зид маъно берувчи тазодларни кўплаб учратамиз. А.Ҳусайний тазоднинг луғавий маъносини бир-бирига душманлиқ ва номувофиқлик[86] деб изоҳлайди. Бизнинг назаримизда, тазодга хос маъно зидлигига душманлиқ сўзи мантиқан асос қилиб олинган. Сўфий Оллоҳёр шеъриятида ҳам бу санъатдан унумли фойдаланилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Хусусан, унинг «Сабот ул-ожизин» китобига киритилган тўртликларида тазоднинг яхши намуналари берилган.

Холиқо, тўктум ибодат тосини,
Сан тузарсан бандани кам - косини.
Қулларинг булғанса исён лойига,
Оқизурсан мағфират дарёсини.

Бу тўртликда «холиқ» ва «қул» образлари яратилган, яъни банданинг Оллоҳга бўлган илтижоси баён этилган.

---

[86] Ҳусайний А. Бадойиъу-с-санойиъ. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.-226-бет.

Аввало айтиш керакки, «холиқ» ва «қул» қаршилантирилган тушунчалардир. Бу тушунча «шоҳ» ва «гадо» сингари бир-бирига мантиқан боғланган, бири илтифот кўрсатувчи, иккинчиси ундан илтифот кутувчи. Мумтоз адабиётда ҳам «Оллоҳ» ва «қул» тушунчалари мантиқан боғланган бўлиб қул – инсон, банда ўзининг гуноҳ-лари учун Худодан илтифот кутади, кечирим сўрайди, ҳар қандай жазога ҳам лойиқ эканлигини тан олади. Шу билан бирга тўртликда тазод ҳосил қилган иборалар ҳам мавжуд. Шулардан бири «исён лойи» – «мағфират дарёси».

Бу иборалар бир-бирига зид маъно касб этади: «исён лойи» инсоннинг ҳаётда Худонинг борлигини унутиб, унга қарши туриб, турли хил жиноят ва гуноҳларга ботганлигидадир: «мағфират дарёси» эса инсоннинг ана шу гуноҳларини ювадиган, кечирадиган илтифотдир. Қуйидаги тўртликда ана шу фикр тазод йўли билан янада ойдинроқ тасвирланган:

Холиқо, қилдим гуноҳи беҳисоб,
Тонгла сан сўрсанг на бергайман жавоб.
Ман очарман журми исён чеҳрасин,
Сан ёпарсан авфу раҳматдин ҳижоб.

Тўртликдаги «жўрми исён» – жиноят ва исён, қаттиқ айбдорлик ва «авфу раҳмат» – Оллоҳнинг кечирими, меҳрибонлиги бирикмалари ҳам қаршилантириш санъатини ҳосил қилган. Сўфий Оллоҳёр Худога итоатсизлик туфайли «гуноҳга ботиш» ва «меҳрибонлик билан кечириш»

тушунчалари орқали тазод ҳосил қилган бошқа ташбиҳлар билан ҳам тасвирлашга эришади:

Холиқо, кўнглумда дунёйи дуни,
Ман эрурман бандаларни озғуни,
Гарчи банданг мунда бўлса рў сиёҳ,
Юзларин оқ айлағил маҳшар куни.

Тўртликдаги « рў сиёҳ » – юзи қаро ва «юзлари оқ» бирикмалари қаршилантирилган бўлиб, юзи қоралик гуноҳга ботиш, юзи оқлик гуноҳдан қутилиш маъносини беради.

Муболаға бадиий адабиётда тасвирланаётган нарсани бошқа нарсалар орасидан ажратиб кўрсатишга қаратилган санъатдир. Санъатнинг бу турида бирор нарса, хусусият, воқеа ва белги ўта кучайтирилиб, орттирилиб тасвирланади. Шоир Сўфий Оллоҳёр бир маснавийсида ёзади:

Биродарлар, ҳамма қасд эттилар боз,
Ота ўрнига бўлғай бир сарафроз.

Алар ҳар қайсиси шеру паланге,
Аларни олдида ман мўри ланге.

Бу парчада шоир ўзига нисбатан отаси ва унинг ўрнини босадиган улуғвор кишиларни таққослар экан, ўзини чўлоқ чумоли, уларни эса шер ва арслон деб ҳисоблайди. Демак, бу парчада шер ва арслон муболаға ҳисобланиб, ота ўрнини босадиган кишиларнинг куч-қудрати, баҳодирлиги улуғланган. Қуйида келтирилган парчада эса шоир ўз

қариндошларидан бирини улуғлаб, унга мақтовлар ёғдирар экан, бу шахснинг ўзгаларга нафи тегишини дарё, жойида ўлтиришини тоққа ўхшатади. Инсонни тоғ даражасида тасаввур этиш ҳамда дарё юришли деб ҳисоблашда белгини кучайтириш ва орттириш аломатлари мавжуд.

Нафъи натижа бергали дарё юрушлуғум,
Сайри ризо мақомида тоғ ўлтурушлугум.

Бир-бирига вазндош ва қофиядош бўлган сўзларнинг икки мисрада ёнма-ён келиши адабиётшуносликда тарсеъ санъати деб юритилади. Сўфий Оллоҳёр шеърларидаги эмоционалликни кучайтириш, шеърнинг таъсир кучини ошириш мақсадида бу адабий санъатдан ҳам унумли фойдаланади. Қуйидаги мисолларга эътибор беринг:

Жигарбандим, азизим, меҳрибоним,
Дилим, жоним, тамурим, устухоним.

Байтнинг биринчи мисрасидаги «жигарбандим» сўзи иккинчи мисранинг «дилим», «жоним» сўзлари билан, «азизим» – «тамурим», «меҳри-боним» – «устихоним» сўзлари билан вазндош ва қофиядош бўлиб, улар икки мисрада ёнма-ён келтирилгандир.

Бадиий санъат ижодкорга сўзнинг турли маъноли товланишларини кўрсатиш учун бир воситадир. Айни пайтда у ўқувчига ғоявий ва эмоционал таъсир қилиш воситаси ҳам ҳисобланади. Шу жиҳатдан қараганда, Сўфий Оллоҳёр шеъриятида қўлланилган бадиий санъатлар, биринчидан,

шоир Шарқ шеъриятидаги анъаналардан маҳорат билан фойдаланганлигини кўрсатади, иккинчидан, сўзларнинг асл ва кўчма маъноларини ифодалашда турли хил образ ҳамда поэтик манзаралар яратишда ўзига хос истеъдод соҳиби бўлганлигини ҳам ойдинлаштиради.

3.3. Вазн имконияти ва ифода

Сўфий Оллоҳёр шеърларини синчковлик билан кузатиш шоир бадиий санъатларнинг деярли ҳаммасидан унумли ва маҳорат билан фойдалана олганлигини кўрамиз. Сўфий Оллоҳёр шеъриятининг бадиийлигини баҳолашда унинг асарлари тили, поэтик образлар яратиши ҳамда бадиий санъатлардан фойдаланиши бирламчи омил бўлса, шоир қандай вазн имкониятларидан фойдаланганлиги ҳам масалани ойдинлаштирадиган иккинчи белгидир.

Сўфий Оллоҳёр шеъриятининг бадиий жиҳатлари ҳақида гапирар эканмиз, дастлаб унинг мураббаларига тўхталиб ўтишни лозим топдик. Шоир мураббаларининг ўзига хос томони шундаки, у а – а – б – а шаклида яратилган. Шу жиҳатдан бу шакл тўртлик шаклни ҳам эслатади. Лекин аҳамиятли жойи шундаки, Сўфий Оллоҳёр қўллаган шакл ҳозирги ўзбек шеъриятининг асосий шаклларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги шоирларимиз кўпроқ шу шаклдан (а – а – б – а) фойдаланмоқдалар.

Сўфий Оллоҳёр лирикаси асосан аруз вазнида ёзилган. Шарқ адабиётида анъанага кўра рубоий фақат ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам шажарасида ёзилган. Сўфий Оллоҳёр тўртликлари эса вазн эътиборига кўра, Шарқ

адабиётидаги анъанавий ўлчовдан фарқ қилади. «Сабот ул-ожизин» китобига киритилган 18 муножотнинг ҳаммаси рамал баҳрида ёзилган. Одатда бу баҳрда туюқ жанрини яратишда қўлланилган. Қуйидаги тўртликка эътибор берайлик:

Холиқо, қилдим фаоли гандани,
Қилмағил расво мане шармандани.
Сан агар раҳмат ниқобин ёпмасанг,
Айби кўп, нуқсони кўпдур бандани.

Бу тўртлик рамали мусаддаси маҳзуф баҳрида ёзилган. Уни қуйидаги ўлчов билан кўрсатиш мумкин:

Холиқо, қил/дим фаоли/ кандани...
Фоилотун фоилотун фоилун.

Бу тўртликнинг бошқа мисралари ҳам шундай ўлчовга эга. Тўртлик ўзининг ғоявий мақсадига кўра, ушбу асарнинг хотима қисми ҳисобланади. Демак, тўртликлар «Сабот ул-ожизин» билан узвий мантиқий бирликка эга. Шунинг учун ҳам шоир тўртликнинг шакл жиҳатдан сақлагани ҳолда, вазн жиҳатдан ҳам уни асарнинг умумий руҳига мослаштирган. Фикримизнинг исботи учун «Сабот ул-ожизин»дан парча келтирамиз:

Қаноатдур /кўнгилларни/ сафоси,
Қаноат бар /ча иллатнинг/ давоси.
Қаноатким /табиби ҳар/ касалдур,
Қаноат аҳ /лиға оғу/ асалдур.

Сўфий Оллоҳёр лирикасида ғазал алоҳида ўрин тутади. Шоир ғазаллари асосан ҳазаж ва рамал баҳрларида ёзилгандир. «Ема» радифли ғазалнинг матлаъси ҳисобланган бу байт рамал баҳрида ёзилган.

Жон агар ҳам сиҳҳати тандур жаҳонда ғам ема,
Бу азиз меҳмон боринда ғуссае олам ема.

Бу ғазал рамал баҳрининг мусаммани мақсур шажарасида яратилган бўлиб, унинг вазн рукни қуйидагича:

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

«Юрокимни...» сатрлари билан бошланувчи ғазал ҳажаз баҳрининг мусаммани солим шажарасида ёзилган. Ғазалнинг вазн рукнлари қуйидагича:

Юрокимни /теғи ҳажринг/ қилаберди / пора-пора,
Кима айта /йин бу дардим/ на илож э/тай на чора.

Мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун

Сўфий Оллоҳёрнинг девонига киритилган маснавийлари ҳазаж баҳрининг мусаддаси махзуф шажарасида ёзилган. Маснавий сўзларнинг равонлиги ва ўйноқилиги билан ажралиб туради:

Қани ул бағри пора, қайдадур гум,
Қаю туфроғ они ютти, қаю қум.
Яна айғил, қани ҳасратли жони,
Табассумлик лаби, ширин забони.

Бу маснавийнинг вазнлар рукни қуйидагича:

Мафоийлун мафоийлун фаулун.

Сўфий Оллоҳёр мухаммас яратишда рамал ва ҳажаз баҳрларидан унумли фойдаланган. Қуйидаги парчаларга эътибор берайлик:

Не жафоларга мани гардун гирифтор айлади,
Бошима меҳнат солиб, халқ олдида хор айлади,
Фикр ила иттик кўнглими зангор айлади,
Қайсиға сундум иликим даҳр ани хор айлади,
Қайси осон ишни тутдим они душвор айлади.

Ушбу банд билан бошланадиган мухаммас рамал баҳрининг мусаммани маҳзуф шажарасида ёзилган бўлиб, унинг вазнлар рукни фоилотун фоилотун фоилотун фоилун ҳисобланади. Қуйидаги мухаммас эса ҳазаж баҳрининг махзуф шажарасида ёзилган:

Саломуллоҳ, юраким порасига,
Таним руҳи, кўзумнинг қорасига,
Ашойир тифлининг гаҳворасига,
Қабойил даврининг сайёрасига,
Ҳама туқғонларимнинг сорасиға.

Мухаммас вазнининг рукнлари мафоийлун, фаулун, мафоийлун ҳисобланади. Юқоридаги таҳлиллар шуни ойдинлаштарадики, Сўфий Оллоҳёр Шарқ шеъриятидаги

ранг-баранг лирик жанрларида асарлар яратиш билан бирга унинг турлича вазнларидан ҳам фойдаланган. Ҳар бир шеърий шакл учун ўзига хос вазн ўлчовларини топган, фикрнинг салмоқдорлиги, ўйноқилиги ва эркин ифодаланишини ўзи танлаган вазнлар орқали беришга эришган.

Сўфий Оллоҳёр лирикасининг тили, поэтик образлари ва қўлланилган поэтик санъатлари, вазн ўлчовларини ўрганиш бизда қуйидаги хулосаларни баён этишга имкон беради:

1. Халқчиллик Сўфий Оллоҳёр лирикасининг асосий руҳини ташкил этади. Унинг шеърлари халққа тушунарли тилда, тезда англаб етиши мумкин бўлган тасвирий восита ҳамда поэтик образлар асосида, ғоявий ниятга мос вазнда ёзилган.

2. Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний шеъриятидаги мазмунни давом эттиришга ҳаракат қилиш, улар яратган асарлардаги тил ва вазн хусусиятларини ҳам сақлашга олиб келган.

3. Сўфий Оллоҳёр ўзига хос бадиий маҳоратига эга бўлган шоирдир. Унинг бадиий маҳорати, хусусан, поэтик образлари ҳамда бадиий санъатлардан фойдаланишида кўринади. Шоир яратган поэтик образлар тасаввуфий ёки ҳаётий мақсадни ифодалашга хизмат қилмасин, улар ўзининг фалсафий, кўп маънолик ва ўқувчига эстетик қувват бериш хусусиятига эгадир. Сўфий Оллоҳёр Шарқ шеъриятида мавжуд бадиий санъатларнинг деярли барчасидан фойдаланишга ҳаракат қилган ва ўзига хос муваффақиятларга эришган. Унинг аруз вазни имкониятларидан кенг фойдалана билиши ҳам бадиий маҳорат сирларини пухта эгаллаганлигидан далолат беради.

ХУЛОСА

Адабиётимиз тарихини тўлалигича, бутун бадиий қиёфаси, ғоявий ҳамда жанрий хусусиятлари билан ўрганиш масаласига яқин йилларгача бир ёқлама ёндашиб келинди. Жумладан, бир бутун адабиётни иккига бўлиб ўрганиш, ҳатто бир шоирнинг ижодига икки хил муносабатда бўлиш анъаналари давом этди. Адабиётшуносликдаги бу қусур ислом адабиётини адабиётимизнинг умумий йўналиши ва тарихидан ажратиб ташлашга уриниш эди. Ана шундай зарарли қарашларнинг оқибати бўлса керак, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний ва Сўфий Оллоҳёр сингари шоирларнинг ижоди зарарли деб ҳисоблангани ҳолда Алишер Навоийдек буюк сиймоларнинг асарларидаги сўфиёна қарашлар ҳақида ҳам эҳтиёткорлик билан фикр юритилди. Умуман, адабиётимиз тарихидаги ҳеч бир ижодкорни тасаввуф адабиётидан айри тутиш мумкин эмас. Адабий меросга бирёқлама ёндашиш адабиётимизнинг бадиий қиёфасини тўлалигича тасаввур этишга қаршилик кўрсатди, натижада, миллий маданиятнинг ўзига хослиги тўла очилмади.

Истиқлол адабий меросни ўрганишда янги йўналишларни берди.

Президентимиз И.А.Каримов миллий маданиятни ўрганишдаги вазифаларни аниқ белгилаб бердилар: «Миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътибор берилиши керак. Шу билан бирга миллий ўз-ўзини англашнинг тикланиши жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий қадриятлари идеалларидан, бизнинг кўп миллатли жамиятимиз анъаналаридан ажралиб қолиши мумкин эмас».[87]

Жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий қадриятларга ҳисса қўшиш ҳар бир миллат ўзлигини

---

[87] Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон,,1998. - 62-бет.

англашининг асосларидан биридир. Шарқ халқлари адабиётида комил инсонни тарбиялаш асосий масалалардандир. Бу масалани тасаввуфий-маърифий адабиёт ва унда олға сурилган фикрларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шу жиҳатдан қараганда, тасаввуфий-маърифий адабиёт умумбашарий қадриятларни тасвирлашга қаратилганлиги билан эътиборни тортади.

Адабиётимиз тарихининг ҳамма даврларида бўлгани сингари XVII - XVIII асрларда ҳам комил инсонни тарбиялаш анъаналари ранг-баранг жанрларда яратилган асарлар мисолида давом этди. Буни биз Машраб, Ҳувайдо ва бошқа йирик шоирлар ижодида кўрамиз. Бу даврдаги тасаввуфий - маърифий адабиётнинг етук вакили Сўфий Оллоҳёр эди. Унинг ҳаёти, бой ижодий мероси ҳамда асарларининг жанр хусусиятлари, бадиий маҳоратини ўрганиш бизга қуйидагича хулосаларга келиш имконини беради:

1. Ўзбек тасаввуфий-маърифий адабиёти тарихини Сўфий Оллоҳёр ижодисиз тасаввур этиб бўлмайди. У шеъриятда сўфиёна фикрларни ифодалашда Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний каби шоирларга издошлик қилди. «Сабот ул-ожизин» манзумаси бунинг далилидир. Сўфий Оллоҳёр ўз устозлари анъанасини давом эттирди.

Буни биз Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғоний шеърларига издошлик сифатида турли жанрларда асарлар яратиб, уларда илоҳий-тасаввуфий фикрларни ифодалаши, шунингдек, туркий ва форсий тилларда бир неча манзумалар яратишида кўрамиз. Сўфий Оллоҳёрнинг «Сабот ул-ожизин», «Маслак ул-муттақин» асарлари ўз устозларига эргашиш натижасида яратилган ўлмас асарлардир. Шоир бу йирик ҳажмли манзумаларида инсон маънавияти, ахлоқ қоидалари, ислом тарихи, диний расм-русмлар, шариат аҳкоми, фиқҳ ва бошқа масалаларда фикр юритди. Энг

муҳим томони шундаки, шоир бундай тасаввуфий қарашларини поэтик манзаралар орқали ифодалади.

2. Сўфий Оллоҳёр тасаввуф адабиётнинг йирик намояндасигина эмас, шу билан бирга истеъдодли лирик шоири эканлигини ҳам тан олиш ва эътироф этиш истиқлол мевасидир. Тоталитар тузум даврига қадар Сўфий Оллоҳёр асарлари кўп марта нашр этилган, китоблари мадрасамактабларда қўлланма сифатида ўрганилган. Афсуски, собиқ иттифоқ тузуми даврида эса унинг асарлари ғоявий жиҳатдан зарарли деб қораланган ва ўрганилиши тўхтатилган.

XX асрнинг 90-йиллардан бошлаб эса унинг асарлари ҳар қачонгидан кўпроқ даражада қизиқиш билан ўрганилмоқда. Ўзбек адабиётшунослиги тарихида ҳақли равишда Сўфий Оллоҳёрни ўрганишда янги давр бошланди, деб ҳисоблаш мумкин. Бу борада Б.Валихўжаев, И.Сувонқулов, Ш.Сирожидддинов, И.Ҳаққулов, А.Ҳайитметов, С.Рафиъиддинов ва бошқа олимларнинг хизматлари салмоқлидир. Албатта, ҳали Сўфий Оллоҳёр ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича эришилган ютуқлар етарли даражада эмас. Жумладан, шоирнинг ҳаёти бўйича маълумотлар тўла тикланди, деб бўлмайди. Унинг туғилиш йили тўғрисида турли хил қарашлар мавжуд. Шунингдек, катта ҳажмли манзумаларидан фақат «Сабот ул-ожизин» нашр этилди. Унинг бошқа асарлари, хусусан, лирик меросини тўлалигича нашр этиш адабиётшунослигимизнинг навбатдаги вазифаларидан бири бўлиб турибди.

3. Ўтган асрнинг 90-йилларигача яратилган адабий-танқидий асарлар, ҳатто, дарслик ва қўлланмаларда ҳам Сўфий Оллоҳёр илоҳий-тасаввуфий фикрларни тарғиб этган шоир сифатида қаралар эди. Унинг асарларини, хусусан, лирик шеърларини синчковлик билан ўрганиш Сўфий Оллоҳёр реал ҳаёт, унда яшаётган кишилар ва уларнинг тақдири тўғрисида фикр юритувчи шоир эканлигини ҳам кўрсатади. Агар шоир орифона шеърларида Оллоҳ ишқини,

унга етишиш йўлларини тасвирласа, муҳаббат мавзуидаги бошқа асарларида ҳаётдаги реал ошиқ ва маъшуқларнинг руҳий кечинмаларини ифодалашга эришади. Сўфий Оллоҳёрнинг тарихий шахсларга бағишланган шеърларида ҳам реал ҳаёт манзаралари тасвирланган.

4. Шарқ шеърияти рангбаранг шакл ва жанрларга эга. Сўфий Оллоҳёр ҳам шеъриятдаги бу имкониятларидан унумли фойдаланган. Шоирнинг йирик ҳажмли асарлари маснавий шаклида ёзилган. Лирик шеърлари орасида ҳам маснавийлар учрайди. Сўфий Оллоҳёр лирикасининг асосий жанр хусусиятлари ғазал, тўртлик, мухаммас, мураббаъ шаклидадир.

Шоир бу шеърий шакллардан ўз ғояси, руҳий кечинмаларини ифодалашнинг воситаси сифатида фойдаланган ва унда янгича мазмун ҳамда ғояни ифодалашга эришади. Буни биз, хусусан, тўртликларида ҳис этамиз.

Шарқ адабиётида кичик тўртликлар тўрт мисрада тугал фикрни беришга асосланган жанр сифатида қаралади. Сўфий Оллоҳёр «Сабот ул-ожизин»да келтирган тўртликларида биринчидан, ана шу анъанани сақлайди, яъни ҳар бир тўртлик ўзига хос мустақил маъно беради. Иккинчидан, бу тўртликлар туркумлар хусусиятига эга бўлиб, бири иккинчиси билан мантиқан боғланади, мазмун-ғоя жиҳатдан тўлдиради. Жанрий ўзига хосликни унинг мураббаъларида ҳам сезиш мумкин.

5. Бадиий маҳоратда муваффақиятга эришиш асарга боқийлик бахш этади. Буни Сўфий Оллоҳёр шеърияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Шоир шеърларининг тили халққа тушунарлилиги билан ажралиб туради. Сўфий Оллоҳёр турли лирик жанрлардан фойдаланар экан, унинг ўзига хос вазни ва қофиясини, тили ва бадиий тасвирларини топишга эришади.

Сўфий Оллоҳёр яратган поэтик образ ҳам унинг шеърларидаги мавзу йўналиши каби икки хилдир: бири

тасаввуфий-илоҳий ва иккинчиси реал-ҳаётий. Унинг «Сабот ул-ожизин» манзумаси ва унга киритилган тўртликларида бадиий ташбиҳлар кўпроқ сўфиёна мазмунни очишга хизмат қилади. Ғазал ва мухаммасларида бундай руҳ сақлангани ҳолда ҳаётий заминга асосланган бадиий тасвирлар ҳам етарлидир.

6. Икки тиллилик Сўфий Оллоҳёр ижодига хос хусусиятлардан саналади. У лирик шеърларини туркий ва форсий тилда яратгани сингари катта ҳажмли манзумаларини ҳам икки тилда яратди.

Шоирнинг ҳамма асарларига хос бўлган хусусият битта: унда ифодаланган ғоя инсонни эзгулик, яхшилик руҳида тарбиялаш, яхшиликка муҳаббат ва ёмонликка нафрат, эл ҳақини ейишдан қўрқиш ва бева-бечораларга раҳм-шафқат қилиш, умуман, эзгулик-савоб иш билан шуғулланишга қаратилгандир. Шу сабабли ҳам унинг асарлари ўз давридаёқ мактабларда ёшларни тарбиялашга хизмат қилган дарслик сифатида фойдаланилган. Ҳозирги даврда ҳам унинг асарларидан комил инсонни тарбиялаш мақсадида фойдаланиш фақат наф келтиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Сиёсий адабиётлар

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. –Т.: Ўзбекистон, 1993. - 160 бет.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.: Ўзбекистон, 1999. - 48 бет.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. - 686 бет.
4. Каримов И. А. Оллоҳ қалбимизда юрагимизда. –Т.: Ўзбекистон, 1998. - 32 бет.
5. Каримов И. А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000. - 235бет.
6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари. –Т.: Ўзбекистон, 2000. - 80 бет.
7. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9 том. –Т.: Ўзбекистон, 2001. - 135 бет.
8. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Ўзбекистон, 2008. - 175 бет.

II. Илмий ва бадиий адабиётлар

9. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1980. - 348 бет.
10. Абдуллаев Й. Эски мактабда хат-савод ўрганиш. – Т.: «Бадиий адабиёт» нашриёти. 1960. - 152 бет.
11. Адабиёт назарияси. 2 томлик. 1 2 томлар,. – Т.: Фан, 1978 – 1979. - 416 - 864 бетлар.
12. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва саньат нашриёти, 1995. - 184 бет.

13. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал - Бухорий. -Т:. Ҳадис. 4 томлик 1-4 том. 1991 – 1996. - 560 бет.
14. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Мерос. 1993. - 220 бет.
15. Абдураҳмонов А. Қадимги туркий адабиёт. – Самарканд, 2004. - 146 бет.
16. Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар. – Т.: Камалак 1991. - 176 бет.
17. Адабий турлар ва жанрлар 3 томлик, 2 - том, – Т.: Фан. 1992. - 248 бет.
18. Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Фан, 1994. - 323 бет.
19. Бертельс Е. Э. Сўфизм и Сўфийская литература – Москва: Наука, 1965. - 524 бет.
20. Бекмуродов И. Каттақўрғоннинг қисқача тарихи. - Самарқанд: Зарафшон, 1993. - 76 бет.
21. Бухорий Садриддин Салим. Дилда ёр. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. – Самарқанд, 1993. - 80бет.
22. Боқирғоний С. Шеърлар ва достон. – Т.: Ёзувчи, 1991. - 80 бет.
23. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1993. - 19 бет.
24. Валихўжаев. Б. Мумтоз сиймолар.– Т.: Абдулла Қодирий, 2002. - 479 бет.
25. Воҳидов Р. Илоҳий ишқ жозибаси. - Самарканд: Зарафшон,1997. -80 бет.
26. Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт – Бухоро,1994. - 208- бет.
27. Жўшон Маҳмуд Аъсад. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Т.: Чўлпон, 2000. - 96 бет.
28. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989. - 368 бет.

29. Исхоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Зарқалам, 2006. - 128 бет.
30. Иброҳим Ҳаққул. Навоийга қайтиш. - Т.: Фан. 2007. - 224 бет.
31. Иброҳим Ҳаққул. Тақдир ва тафаккур. – Т.: Шарқ. 2007. - 336 бет.
32. Ислом тасаввуф манбалари. (Тасаввуф назарияси ва тарихи) Илмий мажмуа. – Т.: Ўқитувчи, 2005. - 400 бет.
33. Караматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1993. - 96 бет.
34. Кайковус Қобуснома. – Т.: Истиқлол, 2006.
35. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Ёзувчи, 1996. -272 бет.
36. Комилов Н. Тасаввуф. Тавзид асрори. – Т.: Ўзбекистон. 1999. -208 бет.
37. Кошифий Ҳусайн Воиз. Футувватномаи Султоний ёхуд жўвонмардлик тариқати (Панднома). – Т.: Абдулла Қодирий. 1994. -112 бет.
38. Мавлоно Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. –Т.: Ўзбекистон Фанлар академияси. «Фан» нашриёти,2007. - 108 бет.
39. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. 1 китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1976. -664 бет.
40. Машраб. Девон. – Т.: Янги аср авлоди. 2006. - 608 бет.
41. Маънавият юлдузлари. – Т.: Абдулла Қодирий, 1999. -200 бет.
42. Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Т.:Маънавият, 2005. - 208 бет.
43. Мумтоз адабиёт масалалари. Мақолалар тўплами. – Т.: 2006 йил, - 233 бет.
44. Махмудов М. Аҳли дил:. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1997. -312 бет.

45. Навоий асарлари луғати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1972 йил, - 784 бет.
46. Ниёзова Н. Сўфи Оллоёр хаёти ва ижоди. -Қарши: Насаф, 1995. -36 бет.
47. Олимов С. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ,. – Т.: Фан, 1992. - 80 бет.
48. Олимов С. Нақшбанд ва Навоий. – Т.: Ўкитувчи, 1996. -216 бет.
49. Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи (XVII-XVIII асрлар) Самарқанд: 2004. -139 бет.
50. Орзибеков Р. Адабиёт меросимиз сеҳри. Самарқанд: 2006. -344бет.
51. Рафиъиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. – Т.: Фан, 1995. -156 бет.
52. Раҳмонов В. Шеър санъати –Хўжанд,1972. -180 бет.
53. «Рисолаи Азиза» - «Сабот ул-ожизин» шарҳи. – Т.: Абдулла Қодирий. 2000. - 256 бет.
54. Орзибеков Р. Ўзбек шеърияти поэтикаси. – Самарқанд,1999. - 106- бет.
55. Салоҳий Д. «Бадоеъ ул - бидоя»малоҳати.- Т.: Фан, 2004. -135 бет.
56. Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти – Тошкент.: Имом ал-Бухорий халқоро жамғармаси, 2001. -78 бет.
57. Сайид Аҳмад Васлий. Назм ус-силсила. –Т.: Янги аср авлоди, 2001. -122 бет.
58. Султон Иззат. Боҳовиддин Нақшбанд абадияти. –Т.: Фан, 1994. -88 бет.
59. Сайфиддин Сайфуллоҳ. Фатво ва тақво китоби. – Т.: Фан, 2005.
60. Сувонқулов И. Сўфи Оллоҳёр. – Т.: Фан, 1995. -76 бет.
61. Сувонқулов И. Самарканд қадамжолари. – Т:. Фан, 2006. -118 бет.

62. Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин. Манзума. – Т:. Чўлпон, 1991. 26-бет.
63. Сўфи Аллоҳёр (Халқаро илмий анжуман матераллари) –Теҳрон:. 2006. -128 бет.
64. Сўфи Оллоҳёр. Лутф айлаб... -Самарқанд: Зарафшон, 2000. -56 бет.
65. Тоҳир Хўжа. Самария. – Т.: Мерос, 1992. -112-178 бетлар.
66. Тоғай Мурод. Сўфи Оллоёр қиссадан парча Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992 йил, 23 октябрь.
67. Улуғ муаллим ва мураббий. –Самарқанд: Зарафшон, 2000. - 26 бет.
68. Фитрат А. Аруз ҳақида. –Т.: Ўқитувчи, 1997. - 80 бет.
69. Худойқулов Я. Ёқут кўзли тилла узук. Қисса – Самарқанд: Зарафшон, 1997. - 77 бет.
70. Ханжар М. Вахшивор ва Сўфи Оллоёр. -Термиз: Жайҳун, 1993. -36 бет.
71. Хўжа Аҳмад Яссавий «Ҳаёти ижоди ва анъаналари». –Т.: Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2001. - 336 бет.
72. Яссавий Аҳмад. Девони ҳикмат. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992. -256 бет.
73. Ўзбек манбашунослигига оид тадқиқотлар. –Т.: Фан, 1986. -164 бет.
74. Ўз. ФА Шарқ қўлёзмалари тўплами. Кўп томлик 2-том. – Т.: Фан, 1954. -590 бет.
75. ЎЗ ФА Шарқ қўлёзмалари тўплами. Кўп томлик. 5-том. –Т.: Фан, 1955.
76. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. 3-том. – Т.: Фан, 1978.
77. Ўзбек миллий энцеклопедияси. 1-том ва 12.. –Т.: Давлат илмий нашриёти, 2000 - 2006 йиллар, - 734 бет.

45. Навоий асарлари луғати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1972 йил, - 784 бет.
46. Ниёзова Н. Сўфи Оллоёр хаёти ва ижоди. -Қарши: Насаф, 1995. -36 бет.
47. Олимов С. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ,. – Т.: Фан, 1992. - 80 бет.
48. Олимов С. Нақшбанд ва Навоий. – Т.: Ўкитувчи, 1996. -216 бет.
49. Орзибеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи (XVII-XVIII асрлар) Самарқанд: 2004. -139 бет.
50. Орзибеков Р. Адабиёт меросимиз сехри. Самарқанд: 2006. -344бет.
51. Рафиъиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. – Т.: Фан, 1995. -156 бет.
52. Раҳмонов В. Шеър санъати –Хўжанд,1972. -180 бет.
53. «Рисолаи Азиза» - «Сабот ул-ожизин» шарҳи. – Т.: Абдулла Қодирий. 2000. - 256 бет.
54. Орзибеков Р. Ўзбек шеърияти поэтикаси. – Самарқанд,1999. - 106- бет.
55. Салоҳий Д. «Бадоеъ ул - бидоя»малоҳати.- Т.: Фан, 2004. -135 бет.
56. Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти – Тошкент.: Имом ал-Бухорий халқоро жамғармаси, 2001. -78 бет.
57. Сайид Аҳмад Васлий. Назм ус-силсила. –Т.: Янги аср авлоди, 2001. -122 бет.
58. Султон Иззат. Боҳовиддин Нақшбанд абадияти. –Т.: Фан, 1994. -88 бет.
59. Сайфиддин Сайфуллоҳ. Фатво ва тақво китоби. – Т.: Фан, 2005.
60. Сувонқулов И. Сўфи Оллоҳёр. – Т.: Фан, 1995. -76 бет.
61. Сувонқулов И. Самарканд қадамжолари. – Т:. Фан, 2006. -118 бет.

62. Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин. Манзума. – Т:. Чўлпон, 1991. 26-бет.
63. Сўфи Аллоҳёр (Халқаро илмий анжуман матераллари) –Теҳрон:. 2006. -128 бет.
64. Сўфи Оллоҳёр. Лутф айлаб... -Самарқанд: Зарафшон, 2000. -56 бет.
65. Тоҳир Хўжа. Самария. – Т.: Мерос, 1992. -112-178 бетлар.
66. Тоғай Мурод. Сўфи Оллоёр қиссадан парча Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992 йил, 23 октябрь.
67. Улуғ муаллим ва мураббий. –Самарқанд: Зарафшон, 2000. - 26 бет.
68. Фитрат А. Аруз ҳақида. –Т.: Ўқитувчи, 1997. - 80 бет.
69. Худойқулов Я. Ёқут кўзли тилла узук. Қисса – Самарқанд: Зарафшон, 1997. - 77 бет.
70. Ханжар М. Вахшивор ва Сўфи Оллоёр. -Термиз: Жайҳун, 1993. -36 бет.
71. Хўжа Аҳмад Яссавий «Ҳаёти ижоди ва анъаналари». –Т.: Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2001. - 336 бет.
72. Яссавий Аҳмад. Девони ҳикмат. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992. -256 бет.
73. Ўзбек манбашунослигига оид тадқиқотлар. –Т.: Фан, 1986. -164 бет.
74. Ўз. ФА Шарқ қўлёзмалари тўплами. Кўп томлик 2-том. – Т.: Фан, 1954. -590 бет.
75. ЎЗ ФА Шарқ қўлёзмалари тўплами. Кўп томлик. 5-том. –Т.: Фан, 1955.
76. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. 3-том. – Т.: Фан, 1978.
77. Ўзбек миллий энцеклопедияси. 1-том ва 12.. –Т.: Давлат илмий нашриёти, 2000 - 2006 йиллар, - 734 бет.

78. Ғойиблар хаёлидан ёнган чироқлар. Мақолалар тўплами. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1994. - 335 бет.
79. Қаюмов А. Бу оҳанг ила бўлгансен Нақшбанд –Т.: Фан, 1993. - 27 бет.
80. Қиссаи Машраб.- Т.: Ёзувчи, 1992. -174 бет.
81. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. –Т.: Ўқитувчи, 1997. -240 бет.
82. Ҳаққул И. Абадият фарзандлари. Абадий мақолалар. – Т.: Ёш гвардия, 1990. - 184 бет.
83. Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. –Т.: Маънавият, 1998, - 160 бет.
84. Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. Бухоро давлат университети. 2000. -142 бет.
85. Ҳасан Б. Қуръон карим сўзларининг арабча-ўзбекча кўрсаткичли луғати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат. 1995 йил, - 519 бет.
86. Ҳасан С. Навойининг етти туҳфаси. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1991. - 192 бет.
87. Ҳомидий Х. «Шоҳнома»нинг шуҳрати. –Т.: Фан, 1995. - 195 бет.
88. Ҳодимий Х. Тасаввуф алломалари. – Т.: Шарқ, 2004. - 206 бет.
89. Ҳомидий Х. Қўҳна Шарқ дарғалари (бадиий-илмий лавҳалар). -Т.: Шарқ 2 нашриёт матбаа компанияси бош таҳририяти, 1999. - 270 бет.
90. Ҳусайний А. Бадойиъ ус-санойиъ. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. - 400 бет.
91. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми?. – Т.: Шарқ, 2001. - 96 бет.
92. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: Шарқ, 1999. - 240 бет.

III. Журнал ва газеталарда босилган мақолалар

93. Абдуғафуров А. Тошларни ёрди кўксимнинг оҳи. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати , 1992 йил, 22 май.
94. Адизова И. Ҳаққа боқийлик саодати. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1996 йил, 3 - сон.
95. Адизова И. Дардсизлар захмидан беморлар...// Ўзбекистон адабиёти ва санъати , 1997 йил, 7 март.
96. Боғистоний Исхоқ Тазкираи қаландарони. // Шарқ юлдузи, 1996 йил, 8 - сон..
97. Бобоева М. Қимматли манбалар. СамДЧТИ Профессор-ўқитувчи-ларининг 3-илмий-назарий анжумани материаллари. -Самарқанд, 1997 йил, -103 - 105 - бетлар.
98. Бобоева М. «Сабот ул-ожизин» - ахлоқий-дидактик асар. Ўзбекистон мустақиллигининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланиш масалалари (халқаро конференция маърузалари). -Самарқанд, 1997. - 87 - 89 - бетлар.
99. Бобоева М. Сўфий Оллоҳёр ҳаётига чизгилар. //«Фан ва турмуш», журнали 1998 йил, № 2, 21 - 22 - бетлар.
100. Бобоева М. Ишқни афзал билган шоир. //«Заковат». журнали. - Самарқанд, 1999. № 1, - 65 - 67 бетлар.
101. Бобоева М.Ташбиҳлар. //«Соғлом авлод учун» журнали.- Тошкент, 2000. № 5. - 20 - бет.
102. Бобоева М. Бадиий санъатлар. Сўфий Оллоҳёр таваллудининг 355 йиллигига бағишланган мақолалар тўплами. Улуғ олим ва мутасаввуф шоир. – Самарқанд: Зарафшон, 2000. 26 - 28 - бетлар.
103. Бобоева М. Сўфий Оллоҳёр мураббалари. //«Зиёкор» журнали, - Самарқанд, 2000 йил, № 4, 27 - 30 - бетлар.

104. Бобоева М. Сўфий Оллоҳёрнинг мухаммас мактублари. //«Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, -Т., 2000. №4 - сон, 40 - 41 - бетлар.
105. Бобоева М. Аҳмад Яссавий издоши. Аҳмад Яссавий номидаги Қозоғистон ва Туркистон халқаро университети конференция материаллари. - Туркистон, 2000. 36 - 38 - бетлар.
106. Бобоева М. Сўфий Оллоҳёр муножотлари. СамДЧТИ, профессор-ўқитувчиларнинг 5-илмий-назарий анжумани материал-лари тўплами, № 1. - Самарқанд, 2000. 100 - 104 бетлар.
107. Бобоева М. Сўфий Оллоҳёр шеърияти тилига доир. Тил ва жамият халқаро илмий - назарий конференция материаллари тўплами. - Самарқанд, 2003. 28 - 30 - бетлар.
108. Бобоева М. Сўфий Оллоҳёр икки тилли шоир. Профессор Худойберди Дониёров илмий мероси ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари (Республика илмий-анжуман материаллари тўплами). ГулДУ. –Гулистон: ГулДУ, 2004. 53 - 54 - бетлар.
109. Бобоева М. Сўфий Оллоҳёр меросининг баъзи хусусиятлари. - СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси. – Самарқанд, 2004. № 4, 86 - 87 - бетлар.
110. Бобоева М. Шеъриятда бадиий санъатлар талқини хусусида. «Хорижий филология» журнали. - Самарқанд, 2005. 59 - 60 - бетлар.
111. Бобоева М. Сўфий Оллоҳёр шеъриятида нафс тарбияси. «Ёшлар маънавиятига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф қилиш масалалари» мавзуидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Самарқанд, 2008 йил, 28 март, 96 - 98 бетлар.

112. Валихўжаев Б. Сўфия ва тасаввуф. –Самарқанд: Зарафшон, 1997.
113. Валихўжаев Б. Миёнкол адабий муҳитида Сўфи Оллоёрнинг мавқеи. - Т.: Мулоқот 1996 йил, 3-сон
114. Зоҳид Р. Сўфи Оллоёр. // Ислом нури, - Т.: 1991 йил 3 январь.
115. Зоҳид Р Сўфи Оллоёр ҳақида нималар биласиз? //Шарқ юлдузи, -Т.: 1991 йил, 5-сон.
116. Зоҳид Р. «Сабот ул-ожизин »да «ёлин»ва «қалин» сўзларининг маъно хусусиятлари. Ўзбек тили ва адабиёти, - Т.: 2000 йил, 3-сон .
117. Исломда нафс тарбияси ва тасаввуф. Маҳмуд Асъад Жушон билан суҳбат. //Сирли олам. - Т.: 1997 йил, 12-сон.
118. Иброҳим Ҳаққул. Навоийга қайтиш. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. Фан , 2007. - 224 бет.
119. Иброҳим Ҳаққул. Тақдир ва тафаккур. –Т.: Шарқ, 2007. - 336 бет.
120. Комилов Н. Тасаввуф ва бадиий тафаккур. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - Т.: 1993 йил, 7 май.
121. Матншунослик: Ечимини кутаётган муаммолар. Давра суҳбати. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993 йил, 3 - сон.
122. Миллий мафкура, марифат ва буюк келажак. Давра суҳбати, //Тафаккур, 1998 йил, 4-сон.
123. Мусурмонов Э. Машрабнинг умрини қисқартиришга ҳожат йўқ. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати 2011йил, 3-сон.
124. Ниёзова Н. Сўфи Оллоёрнинг Робиъага эҳтироми. //Саодат, 1992 йил, 11-сон.
125. Рафиъиддинов С. Сўфи Оллоёрнинг «Маслак ул-муттақин» китоби ҳақида. // Ислом нури, 1992 йил, 16-17 сонлар.

126. Рафиъиддинов С. Сўфи Оллоёрнинг «Маслак ул-муттақин» асари ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти , 1993 йил, 3-сон
127. Раҳмонов В. Эҳтиёт бўлинг, иттифоқ санъати. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1997 йил 12 декабрь.
128. Раҳмонов В. Оллоҳ жамоли ва инсон камоли. // Мулоқот, 2000 йил, 1-сон, - 31 - 35 бетлар.
129. Жумаев Н. Комил инсон таълимоти. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1997 йил 29 август.
130. Жумахўжа Н. Қиёсий таҳлил ҳикмати. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991 йил 2 август.
131. Салоҳий И Сўфи Оллоёр маънавият қирралари. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992 йил 17 июл.
132. Сувонқулов И. Қалб ва рухият ифодаси. // Шарқ юлдузи, 1996 йил, 4-сон.
133. Сувонқулов И. «Дерсан Оллоҳёр лутф айлаб...» //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 997 йил 22 февраль.
134. Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳияти. 1 қисм. –Т.: Имом ал- Бухорий халқаро жамғармаси нашриёти, 2001йил, -80 бет
135. Тоҳиров Қ. Сўфи Оллоёр «Маслак ул - муттақийн», //Овози Самарқанд рўзномаси, 1991 йил, 20-26. май, 6-9-13-16-18 июнь.
136. Олим Султонмурод. Оллоёрнинг сўнгги каромати. //Фан ва турмуш, 1992 йил, 5-6 сон
137. Усмон Ориф. Вахдат шаробин ичдим. //Мулоқот, 1991 йил, -51-57 бетлар.
138. Усмонзода У. Тилини тилган Оллоҳёр. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991 йил, 26 июль.
139. 121. Ҳаққулов И. Шайтонга ҳай беринг. // Ватан, 1997 йил 17 апрель.
140. 122. Ҳаққулов И. Сўфи Оллоёр мутасаввуф адиб. //Ўзбек тили ва адабиёти, 1993 йил. 1-сон.

IV. Қўлёзма ва тошбосма манбалар

141. «Сабот ул-ожизин» ёхуд Мажмуолиёти Сўфи Оллоёр » . Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси адабиёт музейида сақланаётган қўлёзма. - 170 бет.
142. Баёзи Убайдулла. Аламкаш, Сувонкулов И. Шахсий кутубхонасида - 774 бет.
143. Сўфи Оллоёр «Сабот ул-ожизин». Ўз ФА Ҳ. Сулаймонов номидаги «Қўлёзмалар» институти архиви, инв. N 2106, 3022.
144. Сўфи Оллоёр «Сабот ул-ожизин», СамДУ, Шарқ қўлёзмалари бўлими, инв. 39116, 5/Д - 240 бет.
145. Сўфи Оллоёр «Маслак ул - муттақин», Самарқанд музейи инв. КП. 4053.
146. Сўфи Оллоёр. «Сабот ул-ожизин». Сувонқулов И. Шахсий кутубхонаси -186 бет.

МУНДАРИЖА

Кириш.....3

I Боб. Ўзбек мумтоз шеърияти ва Сўфий Оллоҳёр ижоди

1.1. Давр ва шоир шахсияти.....7

1.2. Комил инсон тушунчасининг бадиий талқини.....20

II Боб. «Сабот ул-ожизин" асарининг жанрлар олами

2.1. Шоир шеъриятида тўртлик – муножотлар.....43

2.2. Ғазал ва унинг шоир ижодида тутган ўрни.....52

2.3. Бошқа кичик лирик жанрлар.....83

III Боб. Бадиий услуб ва тасвир маҳорати

3.1. Тил жозибаси ва поэтик образ.....100

3.2. Поэтик санъат ва маҳорат.....112

3.3. Вазн имконияти ва ифода.....135

Хулоса.....140

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....145

МОҲИГУЛ БОБОЕВА

«САБОТ-УЛ-ОЖИЗИН» МАНЗУМАСИНИНГ ҒОЯВИЙ-БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

(МОНОГРАФИЯ)

Муҳаррир Э.Мусурмонов

Мусаҳҳиҳ М.Рўзибоев

Тех.муҳаррир З.Мелиев

2011-йил 2-ноябрда оригинал-макетдан босишга рухсат этилди. 2012 йил 02-апрелда босмахонага топширилди. Бичими 60x84/ 1,16. "Times New Roman" гарнитураси. Офсет қоғози. Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табаги 5,0. Нашриёт ҳисоб табаги 10,0. Адади 100 нусха. 002-буюртма.

"SHEROZIY ELEGANT STIL" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Самарқанд шаҳри, Темур Малик кўчаси 19.